

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**
ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

Т.С. УСМОНХЎЖАЕВ, М.Б. АЛИЕВ, Х.Х. САГДИЕВ,
Ф.К. ТУРДИЕВ, Ж.А. АКРАМОВ,
С.Т. УСМОНХЎЖАЕВ

**БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР
СПОРТИ МАШФУЛОТЛАРИ
НАЗАРИЯСИ ВА
УСЛУБИЯТЛАРИ**

*Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими коллежларининг
мураббийлари учун қўлланма*

74.267.5

В 83

*Олий ва урта маҳсус, касб-хунар таълими илмий-методик
бирлашмалари фаолиятини мувоғиқлаштирувчи Кенгаш
томонидан нашрга тавсия этилган.*

Мазкур ўқув кўлланмада болалар ва ўсмирлар спортининг ҳозирги замон технологияси, кўп йиллик спорт тайёргарлигига уларнинг жисмоний ва руҳий даражасининг ривожланиши ҳамда шуғулланувчиларнинг иш фаолияти тизими ёритилган. Кўлланмада спортга тайёргарлик жараённида мураббийларга имкон борича болалар ва ўсмирларнинг спорт ихтисослиги ва қобилияtlарига биноан иш олиб бориш, шуғулланувчиларнинг ўз ҳаракатларини ўзи бошқариш қобилиятини ривожлантиришга эътибор қаратилган ва ёш спортчиларнинг истиқболли камолотга, жисмоний тайёргарлик дарajasiga etkazish йўллари кўrsatiб берилган.

Тақризчилар: Ф.А. Керимов — педагогика фанлари доктори,
профессор;
Н.А. Керимов — педагогика фанлари номзоди, доцент.

*„Ажойиб жисмоний фазилатларга
эга бўлган йигитлар — соғлом, бўйдор,
спорт машгулотларида чаққон ёшлар
ҳар қандай давлатнинг бойлигидир“.*

АРАСТУ ҲАКИМ

СЎЗ БОШИ

Ҳозирги даврга келиб спорт ва жисмоний тарбия ёшлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тұғрисида“ти Фармонида: „Болаларни жисмоний ва маънавий тарбиялашнинг замонавий шакл ва услубларини, жинси ва ёшига қараб болаларга спорт күникмаларини сингдириш, спорт соҳасида иқтидорли болаларни ихтисослаштирилган спорт мактаблари ва марказларидаги машғулотларга танлаб олишнинг илмий асосланған тизимларини ишлаб чиқиши ташкил этиш ҳамда уларни татбиқ қилишга кўмаклашиш“ лозимлиги алоҳида таъкидланади.

Мазкур ўкув қўлланма ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўкув муассасаларининг мураббийларига мўлжалланган. Унда талабаларнинг таълим жараёнидаги ўкув ва мустақил спорт машғулотларини ташкил этиш учун керак бўлган назарий ва услубий билимлар кўлами, уларда амалий кўникма ва малакалар ҳосил қилишга ёрдам берадиган зарурый материаллар ўрин олган ва ёшлар ҳаётида жисмоний маданият ва спортнинг аҳамияти, қандай қилиб ёшлар кучли, чаққон ва бақувват бўлиб ривожланишини яхши йўлга қўйиш мумкинлиги, танлаб олинган спорт турида касбий маҳоратни ошириш ва камолга етказишида қандай усул ва воситалар зарурлиги каби саволларга жавоб излашда амалий ёрдам беради.

Ўкув қўлланмадаги материаллар олти бобда ёритилган.

Биринчи ва иккинчи бобларда „Спорт машгулоти асослари ва унинг педагогик қонуниятлари“ тўғрисида, учинчи ва тўртинчи бобларда „Спорт машгулотининг тузилиши ва кичик-ўсмир ёшидаги спортчилар машгулотининг хусусиятлари“ тўғрисида маълумотлар берилган. Бешинчи боб эса „Жисмоний қобилияtlарни тарбиялаш асослари“га бағишланниб, ёш спортчиларнинг зарурий жисмоний сифатларини ривожлантиришга мўлжалланган. Хусусан, координацион ва унга узвий-узлуксиз боғлиқ қобилияtlарни тарбиялаш, шунингдек, мускуллар кучини тарбиялаш ҳамда тезлик қобилияtlарига хос ҳаракатли тезкор-куч сифатларни ривожлантириш услубиятлари белгиланган. Шу бобга тегишли ёш спортчиларга зарур чидамилик ҳамда эгилувчанлик сифатларини ривожлантириш масалаларига ҳам тўхтаб ўтилган.

Ўқитувчи ва мураббийнинг фаолияти асосида энг муҳим принцип ётадики, яъни унинг бирлиги биологик, ёшларни ривожланиш хусусиятлари ҳамда воситалар, услубиятлар, спорта тайёрлашдаги шакллар тизимида ёши, жинси ва шахсий қобилияtlарни инобатга олишдан иборат. Аммо, булар тўғрисида ҳар бир бобда ва айниқса, ўсмир спортчиларни кўп йиллик машгулоти асосларидаги сўз юритилган.

Хозирги замонавий болалар спорти қатъий боғланганлик хусусиятига эга булиб тузилган, яъни мураббий— ёш спортчи— оила. Бундай бирлик спортда катта ютуқларга олиб келиши айни муддао, чунки ота-оналар билан келишилган ҳолда иш юритилса ижобий натижаларга эришилади. Шу масалада ота-оналарга энг аҳамиятлиси мураббийнинг маслаҳати ўта тушунарли бўлиши лозим. Бунинг асосида болаларнинг кўп йиллик спорт билан шуғулланиш босқичларидан маълумот олишдир, яъни болаларни ёш хусусиятларини қатъий ҳисобга олиб, биринчи босқичини 5—7 ёнда белгиланган спорт туридан (сузиш, гимнастика турлари) ўтмасдан иккинчи босқичга ўтказмаслик. Яъни 4—5 босқичдан ўтиш принциплари азалдан исботланиб берилган.

Қўлланманинг олтинчи бобида „Спорт машгулоти жараённида режалаштириш, назорат ва ҳисобот“ берилган, чунки ҳозирги даврда ёш мураббийлар ёш спортчиларни тайёрлашда режалаштириш масалаларини яхши билишлари шарт.

I БОБ

СПОРТ ВА СПОРТ МАШГУЛОТИ АСОСЛАРИ

1.1. СПОРТНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

„Спорт қисқа мазмунли сўз билан айтганда, бу — мусобақа олиб бориш фаолияти, мана шу ишлар жараёнида маҳсус тайёргарлик, маҳсус олий даражадаги ютуқларга эришишга мўлжалланган ишларни жамлайди“ (Л.П.Матвеев).

Спорт мусобақаларсиз мавжуд эмаслигига қарамасдан, унинг функциялари фақатгина мусобақалашиш, беллашиш билангина чегараланиб қолмайди. Спорт инсоннинг комил бўлишига, унинг жисмоний ва маънавий дунёқарашининг, табиатининг ривожланишига ёрдам берадиган самарали усувларни таклиф этади. Ундан ташқари, спорт ўз-ўзини тарбиялаш учун етакчи омил ҳисобланади. Спортдаги кўрсаткичларнинг ўсиш меъёрига қараб спортчи нафақат жисмоний, балки руҳий, ақлий, ахлоқий, маънавий ва ватанпарварлик тарбия жараёнига кириб боради. Бу борада спортнинг педагогик аҳамияти ҳам ниҳоятда каттадир.

Айни пайтда спорт ҳаракати орасидан иккита асосий йўналиш ажралиб туради: бошланғич (оммавий) спорт ва юқори кўрсаткичлар спорти.

Оммавий спорт унчалик юқори бўлмаган натижалар ва оммавийлик билан ажралиб туради. Кўрсаткичларнинг бу босқичида спортчиларнинг тайёргарлиги уларнинг асосий фаолиятларидан буш вақтларида, турли тоифадаги мураббийлар, шу билан биргаликда оммавий жойларда ишловчи, кўрсатма берувчи мураббийлар раҳбарлигига амалга оширилади. Машгулот тартиби ва таркибий қисми кўпинча спорт иншоотининг имкониятларига боғлиқдир.

Оммавий спортда натижаларнинг нисбатан ўсиши билан биргаликда соғломлаштириш масалаларига ҳам сезиларли эътибор берилади, шунингдек, болалар спортига ҳам. Шунинг учун оммавий спорт ҳукуматимизнинг спортдаги вазифаларни ечишда етакчи роль ўйнайди.

Олий маҳорат спорти — энг баланд ва юқори натижаларга эришишга бўлган интилиш билан боғлиқдир (жаҳон рекордлари, Олимпия ўйинларидағи, Жаҳон, Осиё ва Ўзбекистон чемпионатларидағи галабалар). Бироқ, спортдаги муваффақиятлар қанчалик юқори бўлса, шу даражага чиқадиган спортчиларнинг сони шунчалик кам бўлади.

Олий маҳорат спорти — спортчи ҳаётининг маълум бир даврида етакчи ўрин тутади. Тайёргарлик олий тоифадаги, маҳоратли мураббийлар раҳбарлигида ўтади, унда илм-фан ва техниканинг янги ютуқлари ишлатилиши билан бирга, мусобақа ва машгулот юкламалари катта ҳажмда олиб борилади, спортчилар эса кўп босқичли саралашдан ўтадилар.

Спортдаги юқори натижалар мамлакат жисмоний тарбия ва спортининг ривожланишида катта ўрин тутади. Бу натижаларнинг ўсиши инсоннинг нималарга қодирлиги (қобилияти) тұғрисидаги тасаввурни янада кенгайтириб, тайёргарликнинг янги усул ва йўллари очилишига туртки беради. Спорт нафосати, жозибадорлиги бетакрор ва кескин спорт беллашувлари, ҳаракатлар уйғунылиги ва бошқаларда акс этади.

Маҳоратли спортчилар билан ўтказиладиган машгулотларнинг соғломлаштириш самараси синчков шифокор назорати, машгулотнинг аниқ кетма-кетлиги ва юкламаларнинг катта-кичиклиги билан индивидуаллик хусусиятини ҳисобга олган ҳолда амалга ошади (таъминланади).

Юқори маҳоратли спортчилар курсатаётган спорт натижалари, кўрсаткичлари, шу спорт турлари бўйича олиб борилаётган машгулотларнинг замон талаблари даражасида ташкил этилаётганидан дарак беради. Спорт фаолияти амалиётига кўплаб иштирокчилар жалб қилинади, шунда улар орасидан юқори спорт маҳоратини, натижаларини янги босқичга кўтарувчи истеъдодли спортчилар етишиб чиқиши

имкониятлари ортади. Шунинг учун ҳар бир спорт турининг юксалиши бошқа аспектлар билан биргаликда спорт ҳаракатларининг барча томонлари билан узвий боғлиқдир.

Спорт назарияси спорт фаолиятининг асосий қонуниятлари тұғрисидаги илмий асосланған билимларнинг аниқ тизими-ни үргатади. Спорт фаолиятининг турли хиллари мавжуд: мусобақа фаолияти, спорт тайёргарлиги, спорт саралаши, моддий ва ахборот (маълумот) таъминлаш жараёни, мусобақа ҳакамлиги, спорт ишқибозининг фаолияти ва ҳоказолар. Шулар билан биргаликда, спорт назариясида айрим бўлимлар алоҳида фарқланади, улар орасидан, айниқса, мусобақа фаолиятининг назарияси, спорт саралаши назарияси ажралиб туради.

1.2. МУСОБАҚА ФАОЛИЯТИ НАЗАРИЯСИННИНГ АСОСЛАРИ

Беллашувлар — спортнинг зарур элементларидан, унинг талаблари эса спорт назоратининг етакчи бўлимларидан ҳисобланади. Мусобақа фаолияти назариясининг асосий муаммоси, бу — беллашувлар жараёнидаги спорт натижаларининг юқорилиги ва уларни үрганиш.

Спорт мусобақалари ва натижалари кўп босқичли тизими-ни юзага келтиради. Беллашувларнинг турли тоифалари мавжуд: турли хил ички биринчилик ва чемпионат мусобақаларидан тортиб, то жаҳон чемпионати ва Олимпия ўйинларигача. Ҳатто битта тоифадаги мусобақаларда оралиқ натижалар (дастлабки ва финал югуриш, чемпионатнинг алоҳида ўйинлари якуни, учрашувларда эса киритилган ёки ўтказиб юборилган тўплар ва ҳ.к.) аниқ ажралиб туради.

Албатта, бирор мусобақада қатнашишдан мақсад — режалаштирилган спорт кўрсаткичига, ютуғига (омадга) эришиш. Мисол учун, ғалаба, рекорд ўрнатиш, совриндорлар қаторидан жой олиш, разрядли ёки олий тоифали меъёларни бажариш ва бошқаларни режалаштириш мумкин. Баъзида натижа ва курсаткичлардаги маълум фарқланиш билан дуранг ёки мағлубият ҳам, агар бу якуний натижа юқори босқичли беллашувларда мақсадга эришишда кифоя бўлса, ютуқ ҳисобланади (масалан, финалга чиқиши ва шунга ўхшаш).

Күпинча мусобақа иштирокчиси алоҳида битта спортчи эмас, балки спорт жамоаси саналади. Бу жамоа таркибига асосий ва захирадаги спортчилар, мураббий (мусобақа фаолиятининг раҳбари сифатида), спорт шифокори, илмий комплекс гурухлари мутахассислари (спортчи ва мураббийларга мусобақалар жараёнида қарорлар қабул қилишлари учун тезкор маълумотлар етказиб берувчи кишилар), шунингдек, беллашувлар пайтида жамоа ютуқларида иштирок этувчи, ўз ҳиссасини қушувчи жамоанинг бошқа аъзолари ҳам кириши мумкин. Яна мусобақалар пайтида тез-тез бошқа инсонларнинг мақсадга интилевчи фаоллиги кўзга ташланади. Масалан, муҳлислар ва ашаддий ишқибозларнинг ҳаракатлари кўпинча беллашув натижасига таъсир этади.

Беллашув жараёни ўзида мусобақали ҳолатларнинг кетма-кетликдаги алмашинувини жорий қилган. Мусобақали ҳолатлар беллашувларнинг турли жараёни ва босқичларида учраши ва турли вақт оралигига эга бўлиши мумкин. Футбол ёки хоккейда жамоалар жамғарган очколарига кура аниқланадиган турнир ҳолати, дастлабки турдан сўнг йиққан ёки йигиши мумкин бўлган очколарнинг сарҳисоби бунга мисол бўла олади. Бошқа бир мисол — урта ва узоқ масофага сузувлар ёки югурувчиларнинг масофа буйлаб ҳаракатланиши. Бу ерда спортчининг ҳолати ҳар бир ҳолатда масофа билан узвий боғлиқлиги, масалан, финишга яқин қолганда бор қувватини ишга солиш, энергетик қувватини сақлай билиш ва уларнинг тактик ўйлари, турли тусиқлар ва ҳ.к. Ва ниҳоят, мусобақалар пайтида, машқни бажариш жараёнида учраб турадиган турли ҳолатлар (тезлик олиш, стартдан чиқиш, депсиниб баландлик ёки узунликка сакраш). Ҳар бир мусобақали ҳолатларда мусобақа қатнашчиси мусобақали имкониятга эга бўлади. Мусобақали имконият, бу — қатнашчининг беллашув жараёнини ютуққа эришиш учун ўзгартира олиш қобилияти. Қатнашчининг жамоавий беллашувлардаги мусобақали имконияти мураббий ва спортчилар ўртасидаги имкониятларининг катталиги ва даражасига боғлиқдир. Ўз навбатида, уларнинг мусобақали имкониятидан бир қанча компонентларни ажратиб олиш мумкин. Масалан, спортчининг мусобақали имконияти унинг беллашувларда ортирган иродавий ва руҳий сифатларига, тўғри

тактик қарорлар қабул қилиш қобилиятига, ҳаракатли қүникма ва малакаларнинг такомиллашганида, ҳаракатли қобилиятнинг ривожланиш босқичи, спорт анжом-ускуналарининг сифати, экипировкаси, шунингдек, ҳар бир мусобақали ҳолатлардаги турли элементларнинг бир-бири билан узвий боғлиқлигига кўра аниқланади.

Мусобақали имкониятни амалга ошириш шундан иборатки, қатнашчи ташқи ва ички тўсиклардан ўтишда мақсад сари ўзига қулай бўлган ҳолатга ўтади (масофа бўйлаб ҳаракатланиш графигини ушлаб туриш, рақиб дарвозаси томон хавф солиш ва шунга ўхшаш), пировардила режалаштирилган натижага эришиш имконияти янада ошади.

Шундай қилиб, спортдаги мусобақа фаолияти қоидаларидаги регламентга кўра иштирокчиларнинг мусобақа имкониятини амалга ошириш жараёнига эга ва иштирокчиларнинг барчаси режалаштирган натижага эришишга ҳаракат қиласди.

Юқори натижаларга интилишда кўпинча қатнашчи-спортчилардан юқори жисмоний ва руҳий сифатларни намоён қилиш талаб қилинади. Айнан шу омил спорт белла-шувларининг янада жозибали ўтишига, мусобақа фаолиятининг спорт тайёргарлиги сифатида юқори натижа беришига сабабчи бўлади.


Беллашувларда омад, ютуққа эришиш имконияти бир қанча сабаблар билан курсатилади:

1) режалаштирилган натижанинг катталиги билан: натижа қанчалик юқори бўлса, унга эришиш имконияти шунчалик паст (кам) бўлади;

2) беллашув қатнашчиларининг мусобақа имкониятининг катталиги ва тузилиши билан: мусобақа имконияти қанчалик катта бўлса (тўсикларни, рақибларни инобатга олган ҳолда), ютуққа эришиш имконияти шунчалик юқори бўлади;

3) спорт натижаларини аниқлаш кетма-кетлиги (голибни аниқлаш усули, очколар ва баллар жамғариш усули, натижалар бир хил бўлган пайтда кўриладиган чоралар, қарорлар танлаш), спорт турининг кўриладиган қоидалари ва мусобақалар ҳолати билан;

4) қатнашчилар, иштирокчиларга боғлиқ бўлмаган бошқа омиллар билан (айниқса, кутилмаган): мусобақалар шартлари



1- расм. Қатнашчининг ютуқقا бўлган имкониятининг ошиши ва камайиши.

ва об-ҳавонинг ўзгариши, анжом-ускуналар ва асбобларнинг носозлиги, ҳакамларнинг хатолари ва бошқалар.

Айтилганлар орасидан спорт натижаларининг босқичини, дараражасини белгилайдиган мусобақа имконияти кўпроқ қизиқишиш уйғотади. Бу ерда шуни айтиб ўтиш зарурки, ютуқقا эришиш учун фақатгина мусобақа имкониятининг катталиги, юқорилиги эмас, балки унинг бир неча қисмларининг тавсифи ҳам ўрин тутади. Рақибларнинг мусобақа имконияти ҳеч бир вақтда тамоман бир хил бўлмайди ва табиийки ҳар бир қатнашчининг беллашувни олиб боришдаги ўзининг турли, ўзига хос усуслари мавжуд (беллашувдаги ҳолатга қараб), бу усусларнинг тўғри ёки нотўғрилигига қараб қатнашчининг ютуқقا бўлган имконияти ошади ёки камайди (1- расм).

Мусобақа имкониятини амалга оширишнинг ушбу асослари рационал тактика ҳисобига галаба қозониш учун кенг амалий имкониятларни очади, яъни мусобақа имконияти рақибнидан катта бўлган ҳолатларга ўтишга ёрдам беради.

Юқорида санаб ўтилган жараёнларнинг характеристи мусобақа фаолиятининг асослари билан (баскетбол тури оғир атлетика тури билан солишитирганда мураббий ва спортчининг бошқа қобилият жамланмасини талаб этади) ва спорт натижаларининг

режалаштирилган босқичи билан аниқланади (режалаштирилган натижа ёки кўрсаткич қанчалик юқори бўлса, унга тайёргарлик шунчалик мураккаб, қатъий, қадрлидир).

1.3. СПОРТЧИ ТАЙЁРГАРЛИГИ НАЗАРИЯСИННИГ АСОСЛАРИ

Спорт тайёргарлиги назариясининг асосий муаммоси, бу — спорт қонунияти ва имконияти бўлган спортчининг мусобақа имконияти (потенциали)ни ошириш усуллари ва йўлларини кўрсатиб бериш. Дарҳақиқат, мусобақаларга нафақат спортчилар, балки мураббийлар, ҳакамлар ва бошқалар ҳам жиддий тайёргарлик кўради. Бироқ, беллашув пайтида бажариладиган жисмоний ҳаракатларни доимо спортчи бажарганилиги учун, айнан унинг мусобақа имконияти спорт натижасининг ўсишига, ўзгаришига катта таъсир ўтказади. Шунинг учун спорт тайёргарлиги назариясида спортчини тайёrlаш масаласига асосий эътибор қаратилади (2- расм).

Спортчини тайёrlаш — спортчининг спорт ютуқларига тайёrlигининг зарурий босқичини таъминлашга имкон берувчи бир қанча мослашган омилларни ишга солишнинг кўп қиррали жараёнидир. **Тайёrlик** — жисмоний ва руҳий иш қобилиятининг босқичига эришиш, зарурий билим ва укув малакасини ошириш босқичи билан ифодаланади.



2- расм. Спортчининг мусобақа потенциалини шакллантириш.

Спортчининг тайёргарлиги, биринчидан, мусобақа имкониятининг таркибий қисмларидан бирини ўз ичига олади, иккинчидан, саралашдан ўтган спортчининг мақсад сари йўналтирилган тайёргарлик натижасида орттирган ҳолатининг тавсифномаси ҳисобланади ва учинчидан, турли компонентлардан келиб чиқади. Бу компонентлар ичида, хусусан, спортчини тайёрлашга тегишли бўлимда орттириладиган жисмоний, техник, тактик, руҳий-иродавий тайёргарлик ажralиб туради.

Тайёргарликка эришишни таъминлаш, авваламбор, спорт машғулоти ҳисобига, шунингдек, мусобақалар (тайёргарлик сифатида) ва бошқа омиллар (назарий маълумотларни етказиш, иш қобилиятини оширишни ривожлантиришнинг турли усусларини қўлаш ва бошқалар) ҳисобига амалга оширилади.

Спорт машғулоти спортчи тайёргарлигининг шундай қисми, у машқлар усули асосида курилади. Агар спортчи қайсиdir машқни бажарса, бу тайёргарлик жараёнинда спорт машғулоти амалга ошайпти демакдир. Масалан, видеоёзувларни кўриш орқали рақиблар мусобақа фаолиятининг хусусиятларини ўрганаётган бўлса, унда бу пайтда тайёргарлик олиб борилади, машғулот эса — йўқ. Машғулотнинг ижобий натижаси спортчи организмини функционал имкониятларининг юқори босқичида, умумий ва специфик иш қобилияти, ҳаракатли билим ва уқув орқали амалга ошади (куринади). Спортчи ҳолатининг ушбу хусусиятлари унинг тайёргарлигини аниқлаб беради. Демак, спортчининг ҳолати машғулот жараёнидаги асосий объектдир.

Ҳар бир машғулотда, ҳар бир циклда, ҳар бир босқичда ва бошқа ҳолатларда мақсад ва вазифаларнинг түғри йўлга кўйилиши етарлича қийинчилик туғдиради. Шунинг учун мураббийга ишончли йўналиш зарур, яъни мусобақа потенциалининг тузилиши ва катталиги нафақат беллашувлар шароитида, балки спортчининг хоҳлаган даврида ва шароитида қандай бўлиши тўғрисида максимал даражадаги билимга эга бўлиши лозим. Бундай асосланган талаблар иккита муҳим йўналишга эга: малакали мураббийларнинг назарий иқтидори ва спорт буйича ахборот ёки маълумотлар билан таъминловчи йўналишлардан бирини ўзида акс этувчи маҳсус илмий тадқиқотлар натижалари. Спорт кўрсаткичлари динамикаси ҳақидаги маълумот

муҳим ва қимматли саналади, яъни кўрсаткичлар динамикаси туфайли спортчи тайёргарлигини режалаштириш сифати ошади.

Спорт машгулотида, биринчидан, спортчи организмидаги кўникиш, ўрганиш жараёнларининг бир қанча қонуниятларига таяниш, иккинчидан, спортнинг бир тури бўйича машгулотнинг энг яхши услубини қўллаш зарурдир. Ҳатто, машгулотнинг тезкор ва айниқса, келажак режаларини яхшилаб тузиб чиқилишида ҳам спортчининг ҳолатини бажараётган ишининг таъсирига кўра ўзгаришини аниқ айтиб бўлмайди. Спортчи режалаштирилган юкламани (вазифани) кутилмагандан анча осон ва тез бажариб ўтади ёки аксинча, техникани жуда секин ўзлаштириши мумкин. Бундай ҳолатларда машгулотдан максимал фойда олиш учун ишлатиладиган режаларни ўз вақтида амалга ошириш зарур. Шунинг учун мураббий ўз спортчисининг ҳолати ва фаолияти хусусиятлари тўғрисида доимий равишда маълумотга эга бўлиши лозим (2- расмга қаранг).

Спорт машгулоти назарияси спорт назариясининг энг чукур ишлаб чиқилган бўлимларидан биридир.

1.4. СПОРТЧИНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИНГ УМУМИЙ ХУСУСИЯТИ

Спорт мутахассислигидан қатъи назар спортчини тайёрлашнинг умумий мақсади унинг жисмоний ва ақлий сифатларини ривожлантиришдан иборат. Ўз навбатида, унинг специфик мақсади юқори спорт натижаларига эришиш тегишлича мусобақа имкониятини ташкил қилишни талаб қиласди.

Спортчини тарбиялаш ва тайёрлаш жараёнида қуйидаги вазифалар ечилади (ҳал этилади):

1. Онгли, шахсий, ахлоқий сифатларни тарбиялаш ва руҳий тайёргарлик соҳасидаги вазифалар.
2. Жисмоний тайёргарлик соҳасидаги вазифалар.
3. Техник ва тактик тайёргарлик соҳасидаги вазифалар.

Спортчини тайёрлаш тизими ўзида қуйидаги жараёнларни жамлайди: беллашувлар (тайёргарлик сифатида), спорт машгулоти ва моддий ҳамда ахборот (маълумот) таъминотини

ишлатиши. Беллашувлар ёрдамида тайёргарликнинг фойдаси мусобақа фаолиятининг барча талабларини инобатга олган ҳолда мусобақа имкониятининг ошиши билан тушунтирилади. Шунинг учун шартлари беллашувлардан фарқ қиласиган **спорт машгулоти** албатта мусобақа амалиёти билан тұлдирилади, чунки унинг роли спорт натижаларининг үсишига қараб ошади.

Моддий таъминот спортчига зарур бўлган спорт базаси (стадионлар, бассейнлар, майдончалар, заллар), анжом-ускуналар, спорт кийими ва оёқ кийимини етказиши, овқатланиш, йўл ҳақи, тиббий хизмат ва назоратни, комплекс илмий гуруҳ ишлари, тикланиш ва соғломлаштириш ва бошқаларни ташкиллаштириш, молиялаштириш билан боғлиқ. Моддий таъминот нафақат тайёргарликнинг муваффақиятига таъсир кўрсатади, балки мусобақа имкониятининг кенглигини аниқлайди (масалан, асбоб-ускунанинг сифати). Ўз-ўзидан маълумки, етарлича моддий таъминот замонавий спорт ютуқларининг зарур талабларини ўзида намоён этади. Шунинг учун ҳозирда мамлакатимизда спортнинг ривожланиши учун моддий базаларни яратишга катта эътибор берилмоқда. Бунга мамлакатимизда жаҳон стандартлари даражасидаги спорт базаларининг қурилиши яққол мисол бўлади.

Спортда **маълумотлар таъминоти** ўзида мураббийга (шунингдек, спортчига) маҳсус маълумотларни етказиш, спортчининг (жамоанинг) мусобақа фаолиятининг тайёргарлиги ва уни назорат қилиш мақсадида ишлатиладиган назарий ҳолатлар, техник воситалар ва амалий йигилишларнинг тизимини жамлаган. Масалан, мураббий барча профессионал билимларни маълумотлар таъминоти туфайли олади. Бунга уларнинг маълумоти, спорт соҳасидаги маҳсус уқуви, мақсад ва вазифалар ҳамда қонуният фаолиятини, спортчини тайёрлаш ва тарбиялашнинг илгор усууллари, воситаларини ўрганишлари, шахсий илмий изланишларини, илмий гурухлар жамланмаси тўғрисидаги материалларнинг таҳлилини ҳам киритиш лозим.

Маълумотлар таъминотининг баъзи бир маҳсус турлари, яъни рақиблар, мусобақа ўтиш жойлари, оптималь тактикани танлаш мақсадида ишлатиладиган ҳакамлар хусусиятининг мусобақа фаолиятининг муҳим жиҳатлари тўғрисидаги маълумотларни олиш билан боғлиқ жараён „спорт разведкаси“

номини олган. Спортчини тайёрлашда маълумотлар таъминотининг муҳим бўлими мусобақа фаолияти, машғулотлар юкламаси ва спортчи ҳолатини кузатишни (кузатувини) ўз ичига олган комплекс назорат ҳисобланади.

Маълумотлар таъминотининг юқори даражаси спорт натижаларига эришишда ниҳоятда зарур, чунки на спортчининг тажрибаси, на унинг тайёргарлигини яхши моддий таъминлови мураббийнинг етарли ёки тўлик бўлмаган билимининг ўрнини тўлдира олмайди.

1.5. СПОРТ МАШГУЛОТИНИНГ ВОСИТАЛАРИ ВА УСЛУБЛАРИ

Спорт машғулотининг асосий специфик воситаси **жисмоний машқулар** ҳисобланади. Улар келишишига қараб уч тоифага бўлинади: умумтайёргарлик, маҳсус тайёргарлик ва мусобақали машқулар (схемага қаранг).



Мусобақа машқуларига айнан мусобақали машқуларнинг ўзи (унинг бажарилишига қараб беллашувлар жараёнда спорт натижаси аниқланади) ва уларнинг машғулотли тузилишлари (бажарилиш давомийлиги, ҳаракатларнинг бажариш мумкин бўлган вариантлари, рақиб булиш хусусияти ва бошқалар) киради. Маълумки, баъзи спорт турларида мусобақали машқулар сони чегараланган (югуриш, сакраш, сузиш), баъзиларида эса анча кенг булади (спорт ўйинлари).

Maҳsus tay'ёрлов машқулари ҳаракатланиш структураси ёки унинг алоҳида сифатлари, кувватлилик хусусиятлари орқали мусобақали машқуларга ўҳшайди. Шу билан бирга, унда етакчи (улар ёрдамида мусобақали машқунинг бир ёки бир нечта фазалари ўзлаштирилади) ва ривожлантирувчи (танланган

спорт тури бүйича мусобақа имкониятини ривожлантириш учун зарур бўлган жисмоний қобилиятларни тарбиялаш мақсадида хизмат қилувчи) машқлар ажралиб туради.

Умумтайёрлов машқлар кенг қамровли, ҳаракатли таркибига кўра, носпецифик, яъни маҳсус тайёрлов машқлар ва мусобақали машқлар билан кам боғлиқдир. Мана шу маҳсус хусусиятларга кўра, умумтайёрлов машқлари турли тайёргарликлар учун қулланилади ва шу каби машқларнинг бажарилиши машғулот монотонлигининг камайишига ёрдам беради ҳамда фаол дам олишга хизмат қиласди. Умумтайёрлов машқларининг машғулотга киритиладиган натижалари биринчи ўринда мусобақа имкониятининг ошиши билан эмас, балки уни машғулот жараёнида ижобий тузилишининг яратилишига қаратилган.

Спорт машғулотида машқлардан ташқари, қўшимча воситалар ҳам ишлатилади, жумладан, курсатишни, тезкор маълумотларни, тог ҳудудларидаги машғулотни таъминлаш воситалари, тикланиш жараёнлари тезлашишининг турлитуман воситалари, тренажёрлар шулар жумласидандир.

Спорт машғулоти учун асосан жисмоний тарбиялаш назариясида кўриладиган услубларни қўллаш характерлидир: аниқ регламентлаштирилган машқлар, ўйинли ва мусобақали услублари. Бироқ, спорт фаолияти шароитларида (унинг самарали бўлиши учун қўйиладиган юқори талаблар билан) уларнинг ҳар бирини қўллаш маҳсус асослашни талаб қиласди. Машғулотли вазифа бажариш натижасини янада аниқ дастурлаштиришни ўзида машқ, масофа, ҳаракат тезлигини бажариш услубларини жамлаган қатъий тартиблаштирилган машқ услуги бажаради. Бу каби регламентлаштириш ҳар доим ҳам юқори самара бермаслиги боис, кўпинча машғулотли машқлар шароитида юқори натижага эришиш курсатмаси билан спортга характерли бўлган баҳслашув элементлари киритилади (тезлик, ҳаракатлар аниқлиги, қайтарилишлар сони, машқни бажариш сифати бўйича).

Мусобақа услубининг бундай хусусиятли белгилари биринчи ўринда шуғулланувчиларнинг фаоллигини оширади, машғулотнинг монотонлигини камайтиради, спортчиларни ўта зарур мусобақалар шароитида омадли ёки фойдали

ҳаракатларга тайёрлайди. Агарда мураббий белгилаб қўйган мақсаднинг бир эмас, бир нечта варианти киритилса ёки қўлланса, шунингдек, қандайдир сюжет* мавжуд бўлиб, шу туфайли галабага эришилса, бу энди ўйин услуби ҳисобланади. У машғулотларнинг сифатини янада оширади, бунинг натижасида у спорт машғулотида, айниқса, ўсмир спортчилар билан бўладиган машғулотларда кенг қўлланилади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, охирги иккита услуг доимий равишда қўлланаверилмайди. Мусобақали ва ўйинли услубни қўллашда юкламани назорат қилиш ва аниқ ўлчаш мураккаброқ, бунинг натижасида битта спортчи бошқа спортчиларга қараганда кўпроқ ҳажм ва интенсивдаги ишни бажариши мумкин. Бу ерда мураббийнинг вазифаси спорт машғулотининг қонуниятлари ҳамда спортчининг индивидуал қобилияtlари билан бирламчи восита ва услубларни танлашдир.

1.6. СПОРТЧИ ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ БЎЛИМЛАРИ ВА МАСАЛАЛАРИ

Аввал айтиб ўтилганидек, спортчи тайёргарлигининг тўртта бўлимини кўриб чиқиш керак: жисмоний, техник, тактик ва руҳий тайёргарлик. Ҳар бир бўлимда икки томон ажralиб туради (умумий ва маҳсус), уларда тайёргарлик воситаларининг қўлланиши (ишлатилиши) назарий ва амалий йўналишларга эга бўлиши мумкин.

Жисмоний тайёргарлик ҳаракатли сифатларни тарбиялашга боғлиқ бўлиб, у спортчига зарур тезлик, куч, давомийлик билан ҳаракатланиш имконини, шунингдек, ҳар томонлама жисмоний ривожланишга ва соғлиқни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Спортчи тайёргарлигининг ушбу бўлими тайёргарликнинг меҳнат ва муҳофаза (ҳимоя) амалиётидаги вазифаларни ечишда катта аҳамиятга эга.

Умумий (ҳар томонлама) **жисмоний тайёргарлик** тўғридан-тўғри мусобақа потенциалига кирмайдиган ҳаракатли сифатлар мажмуини тарбиялашга хизмат қиласи (масалан, ядро улоқти-

* Масалан, шуғулланувчилар „овчилар“ ва „ўрдаклар“га бўлинишади ва қоидаларга асосан рол ўйнашади.

рувчининг аэроб чидамлилиги). Бироқ, умумий жисмоний тайёргарлик эвазига спортчи кейинги техник тайёргарлик учун зарур ҳаракатли билим ва укувлар захирасига эга булади ҳамда маҳсус жисмоний, техник ва тактик тайёргарликни самарали олиб бориши учун ёрдам берадиган маҳсус босқични ўзига таъминлайди. Масалан, ядро улоқтирувчининг аэроб чидамлилик босқичи етарли бўлмаса, у тезкор-куч машқларини бажарганида тез чарчайди ва ҳолдан тояди. Умумий жисмоний тайёргарлик воситалари умумтайёровчи машқлар бўлиб ҳисобланади.

Махсус жисмоний тайёргарлик — спортчига мусобақа шароитида самарали қатнашиш имкониятини таъминловчи ҳаракатли сифатларни, қобилиятларни тарбиялашдан иборат. Шунинг учун, маҳсус жисмоний тайёргарлик тўғридан-тўғри спорт имкониятига тегишли ва табиийки, спорт натижасига таъсир этади. Тайёргарликнинг бу тури маҳсус тайёргарлик (ривожлантирувчи) ва мусобақали машқлар ёрдамида олиб борилади.

Техник тайёргарлик спорт техникаси ва унинг мукаммаллашишини ўрганишни ўз ичига олган.

Спорт техникаси юқори самарадорлиги билан ажralиб турувчи ҳаракатли вазифаларни ечиш усуслари дидир. Самарасиз ҳаракатлар спортчига максимал натижаларга эришишга йўл қўймайди. Ҳаракатли вазифалар спортда турли хилдаги хусусиятга эга бўлгани каби, техникага талаб ҳам шунчалик турли тумандир. Кўпинча спортчининг ҳаракатлари тежамкор бўлиши, яъни берилган тезлик билан ҳаракатланишда минимум кувват кетказилиши (энерготрат) таъминлаши лозим (сузиш, узоқ масофаларга югуриш ва бошқаларда). Бошқа ҳолатларда ҳаракатлар аниқлиги ва жозибадорлиги техникага бўлган асосий бош талаб ҳисобланади. Кўпинча биринчи ўринда мақсад сари техникани мусобақали ҳолат билан узвий боғлиқ ҳолда, самарадорликни камайтирумасдан тўғри йўлга қўйиш зарурлиги туради ва рақиб ҳолатини, ҳаракатини максимал даражада мураккаблаштиради (спорт ўйинлари ва беллашувларда).

Умумий ва маҳсус техник тайёргарликнинг турли спорт турлари даги ўрни бирдай эмас ва асосан мусобақали машқларнинг сони, турли-туманлиги, яқинлик даражаларига

боғлиқ. Масалан, акробат ёки гандболчининг техник тайёргарлигига енгил атлетикачи (узоқ масофага югурувчи)дан кўра кўпроқ вақт ажратилади. Айниқса, спортчининг ўзлаштиришига осонроқ бўлиши учун катта ҳажмдаги турли ҳаракатлардан фақат қанчадир қисмини танлашга тўғри келадиган, мураккаб вазифаларни ечадиган шундай спорт туридаги мураббийларга қийин (курашнинг турли турларида). Бундай ҳолларда, ўзлаштирилган усуллар сони, ҳар бирини бажаришда усталик даражаси мусобақа имкониятининг тузилишига ва катталигига таъсир кўрсатади, бу эса спорт натижасига турлича таъсир кўрсатиши мумкин (1- расмга қаранг).

Техник тайёргарлик жараёнининг тузилиши ҳаракатли ҳолатларни ўрганиш жараёнидан унчалик катта фарқ қўлмайди. Бироқ, максимал натижага эришиш учун интилиш тайёргарликнинг бу турига специфик талаблар қўяди. Бунда муҳим жиҳат — ҳаракатларга ўргатишга тўлиқ тайёр бўлишликни таъминлашдан иборат. Агар спортчининг жисмоний тайёргарлиги етарли бўлмаса, унда техникасида муаммолар кўпаяди. Масалан, ёш волейболчининг тезкор-куч тайёргарлиги жуда кам (сакровчанлик), ҳужумкор зарба бериш техникасини ўрганишда қийналади, бунинг натижасида спортчига қайтадан ўргатиш керак бўлади.

Техник тайёргарлик хусусиятларидан яна бири — хатоларни зудлик билан топиш ва уларни бартараф этишdir. Учраб турадиган хатоларни тўғрилаш фақатгина вақтни оладиган мураккаб жараён эмас. Спортчи мураккаб мусобақа жараёнида чарчаб, эмоционал толикқандан доимо ҳаракатларида ўша-уша хатоларга йўл қўйиш хавфи туғилади, натижада спорт курсаткичлари пасаяди. Шунинг учун, ҳаракатли уқувни (бошлангич ўқитиш босқичида) ва билимни (чуқурлаштирилган босқичда) шакллантириш албатта тўғри ҳаракатланишнинг назорати билан бирга олиб борилиши керак.

Спорт машғулоти учун специфик босқич — спорт пой-деворини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш босқичи ҳисобланади, яъни ҳаракатли уқувни шакллантириш пайтидан бошлаб то бутун спорт фаолияти давригача давом этади. Мусобақа машқлари ва уларнинг машғулот шакллари техник тайёргарлик воситалари бўлиб хизмат қиласи.

Тактик тайёргарлик, бу — тактиканы ўзлаштириш, яъни мусобақа ёки беллашув жараёнида түгри қарор қабул қилиш учун зарур (муҳим) билим, укув ва тажриба орттиришдир.

Үмумий тактик тайёргарлик спортчининг мусобақа фаолияти шаклланишининг асосий негизини йўлга қўяди. **Махсус** тактик тайёргарлик эса танланган спорт тури бўйича беллашувлар жараёнида түгри қарор қабул қилиш санъатини эгаллашга ёрдам беради (таъминлайди).

Спорт тактикаси беллашув олиб бориш усусларининг самарадорлигини ўзида акс эттирса, тактик тайёрлик маълум бир пайтда, лаҳзаларда келаси ҳаракатлар учун қарор қабул қилишда намоён бўлади (югуришда олдиндаги рақибни измайиз таъқиб қилиш ёки ундан ўзиб кетиш, футболда тўпни якка ҳолда олиб бориш ёки шеригига узатиш, ҳужум қилиш ёки алдамчи ҳаракатлар, ўзгартириш қилиш ёки қилмаслик). Маълумки, спорт натижаси кўп жиҳатдан бу қарорларнинг тўғрилигига боғлиқ, айниқса, беллашув жараёнида ҳаракатланишнинг турли вариантлари мавжуд бўлган спорт турларида (1-расмга қаранг). Демак, агар 1500 м га югуришда нотўғри қўйилган тактикани яхши жисмоний тайёргарлик билан ўрнини қоплай олсан, тактик хатоларга йўл қўядиган қиличбознинг деярли ғалабага имконияти қолмайди.

Шундай қилиб, тактик қарор қабул қилиш (тайёргарликнинг бошқа усусларини амалга оширгандек) ютуққа эришиш имкониятини максимал даражада ошириши лозим. Шунинг учун тўғри тактика мусобақа имконияти рақиб имкониятидан ва бошқа тўсқинлик қилувчи омиллардан устун бўлган мусобақали ҳолатлар кетма-кетлигини танлашдан иборатдир. Бундан келиб чиқадики, доим ҳам фақат яхши ўзлаштирилган, қулай вариантларни қўллаш керак эмас, агар у рақибга қийинчиликлар туғдирмаса. Одатда, ютуқ рақиб ҳаракатларининг мураккаблашишига олиб келади, керак бўлса бунда ўзингизга ҳам қийинчиликларни енгишга тўғри келади (масофага югуришда нотекис (бир хил бўлмаган) тезлиқда ҳаракатланиш, баскетболда ва футболда прессинг (таъқиб қилиш) ва ҳ.к.). Айрим ҳолларда самарали қарши ҳолатга ўтища рақибга енгиллик туғдириб қўйилиши мумкин (устунликни бериб қўйиш). Ундан ташқари, кўпинча тактик ҳаракатнинг

бир туридан иккинчисига ўтиш, шунингдек, ҳаракатлар маскировкаси (зарба беришдан олдин қисқартма силкитма, дарвозабон кўриш майдонининг чегараланганлиги) ёки ёлфон, алдамчи ҳаракатлар (чалгитувчи ҳаракатлар) қўлланилади.

Шахсий (индивидуал), гуруҳли ва жамоавий тактикани ажратиш лозим. **Шахсий** тактика битта спортчи бажарадиган машқда қарор қабул қилишда ишлатилади. Гуруҳли тактика ютуққа эришиш учун жамоанинг бўлакларини бирлаштиришда қўлланилади (эстафетани топшириш ёки тезкор жамоавий ҳужумда). **Жамоавий** тактика беллашувда (мусобақада) қатнашётган бутун жамоа ҳаракатларининг хусусиятлари билан асосланади. Жумладан, спорт ўйинларида жамоавий тактика аввало ўйин тизимиға боғлиқ: спортчиларни майдонда жойлашишининг умумий куриниши ва улар орасидаги функцияларнинг бўлиниши. Масалан, 1—4—2—4 футболда битта дарвозабон, тўртта ҳимоячи, иккита ярим ҳимоячи ва тўртта ҳужумчини ифодалайди.

Тактик тайёргарлик услубиятида назарий ва амалий йўналиш яққол ажралиб туради.

Назарий йўналиш спортчини беллашув жараёнида тўғри қарорлар қабул қилишида муҳим ва зарурий билимларни ўзлаштиришига боғлиқдир. Бунда адабиётлар ўрганилади, етакчи мутахассислар маъruzalari тингланади, видео-магнитафон ёрдамида мусобақа фаолияти ёки маҳсус бланкаларда кузатувлар натижасини ёзib бориш (спорт разведкаси) ўрганилади. Спортчининг бундай олдиндан маълумотларга эга бўлиши, одатда мусобақа жараёнида уни тезроқ ва анча тўғри қарорлар қабул қилишига, ютуққа эришишига имкон яратиб беради, спорт машғулоти шароитларида тактикани ўзлаштиришни тезлаштиради.

Амалий йўналиш мусобақали машқларни бажариш пайтида қарорлар қабул қилишда спортчининг билим ва уқувини шакллантиришига ёрдам беради. Бунда машғулот шароитларини соддалаштириш, енгиллаштириш (ҳимоя тактикасини ўрганишда олдинига ҳужум вариантлари сонини чеклаш лозим), шароитларни мураккаблаштириш (чарвоқнинг ортиши ёки рақиблар сонининг ортиши ва ҳ.к.лар ҳисобига) ва машғулотни кедгуси мусобақа шароитларига яқинлаштириш, шу билан

биргаликда „рақибни ўрганиш“ ишлатилади. Буларга яна мусобақа амалиётида қарорлар қабул қилиш тажрибасини эгаллашни ҳам киритишимиз мумкин. Ундан ташқари, спортчини тактик тайёрлашда мусобақали ҳолатларни ифодаловчи (экранда) маҳсус тренажёрлар кенг ишлатилмоқда, уларга қараб спортчи иложи борича тезроқ қарор қабул қилиши, бир неча тутмачалардан бирини босиш билан маълумот бериси мумкин.

Руҳий тайёргарлик. Спортчининг руҳий тайёргарлиги* кенг вазифаларнинг ечимига, яъни фикрий, ақлий, ватанпарварлик, ахлоқий тарбия ва мусобақа ҳамда машғулот шароитларида самарали ҳаракат қилиш учун унинг психикасини тайёрлашга боғлиқ.

Аввал айтиб ўтилганидек, спортнинг эътиборли жиҳатларидан бири — унинг тарбиявий жиҳатидир. Бу, энг аввало, фикрий ва ақлий тарбиянинг самарали амалга оширилишида намоён бўлади.

Спортнинг маҳсус хусусияти (спецификаси) спортчидан энг аввало спорт ахлоқига (этикасига) риоя қилишни талаб қиласи, яъни рақиблар, ҳакамлар, шериклар, мураббийлар билан алоқалар жамланмасининг меъёrlари, қайсики, спорт турининг расмий қонун-қоидалари чегарасидан чиқиб кетади. Спорт ахлоқи мусобақани ҳалол олиб бориш, ман этилган ҳаракатларга йўл қўймаслик, спорт ҳаракатининг барча иштирокчиларига бўлган ҳурматни, шу жумладан, рақибни ҳам назарда тутади. Ушбу масаланинг долзарблиги спорт томошаларида катта аҳамиятга эга, яъни ҳар бир қўполлиқ, ахлоқсизлик, ютуқча эришиш учун ёлғон ҳаракат ва қонун-қоидаларга амал қилмаслик мухлисларда салбий муносабатни уйғотади.

Руҳий тайёргарлик умумий ва маҳсус тайёргарликка ажратилади.

Умумий-руҳий тайёргарлик шахсни гоявий йўналишини шакллантиришни, интизомни, ўз-ўзини тартибга солишини, спорт тури учун зарур бўлган иродавий сифатларни шакллантиришни, руҳий ҳолатни назорат қилишни ўзлаштириш ва бошқаларни ўз ичига олади.

* Одатда спортчи тайёргарлигининг ушбу бўлимини унинг тарбиявий йўналишини ажратиб кўрсатган ҳолда руҳий-иродавий тайёргарлик деб аталади.

Махсус-руҳий тайёргарлик қатнашчини аниқ бир мусобақага ёки беллашувга тайёрлигини шакллантиришнинг бир қисми ҳисобланади.

Спортчи руҳий тайёргарлигининг муҳим жиҳатларидан бири — иродани тарбиялашдир. Спорт фаолиятида иродавий сифатлар (мақсад сари интилувчанлик, сабрлилик, ютуққа эришиш ва жасурлик, ташаббускорлик ва мустақиллик, чидамлилик ва ўзўзини назорат қилиш) түсиқларни енгигб ўтишида яққол кўринади. Буларга мисол қилиб масофанинг узунлиги, рақиб қаршилиги, метеорологик (иқлимий) шарт-шароитлар, спорт иншоотларининг ҳолати, мусобақа юкламасининг катта ҳажми, ўрганилаётган ҳаракатнинг мураккаблиги, спорт режими талаблари ва бошқаларни олишимиз мумкин.

Иродавий сифатларни тарбиялашда спортчининг спорт машғулоти ва мусобақа амалиётини инобатга олиш лозим. Яъни, унинг юқори ақлий фаоллигининг ривожланиш уйғунлиги ҳамда унинг диққатини учрайдиган түсиқлардан ўтишга қаратиш билан уйғуллаштиришдир. Иродавий сифатларнинг эмоционал компонентларини шакллантириш мусобақаларда қийинчиликларни енгишда тўпланган тажрибага асосланиб олиб борилади. Машғулотга етарли тезлик, куч, чидамлилик, диққат-эътибор, салбий эмоционал ҳолатларни (ўзига ишончсизлик, курқув, ўзини йўқотиб қўйишлик) енгигб ўтишга қаратилган максимал иродавий жиҳатларга бой машқларни киритиш мумкин. Бунда ўзини тарбиялашни самарали ташкиллаштириш ва яккалик ҳаракат зарур. Спортчи ўзини руҳий бошқаришни ўрганиб олиши ва шу аснода иродавий сифатларини ишлата билиши керак.

Мусобақа имкониятини шакллантириш жараёнида спортчини тайёрлашнинг барча бўлимлари (босқичлари) узвий боғлиқ. Демак, спортчи тактик йўналишдаги машқни бажараётган бўлса, унда у нафақат тўғри қарорлар қабул қилишни ўрганади, балки техникани ҳам яхшилаб боради (ҳаракатларни кўп бора қайтариш ҳисобига), шунингдек, жисмоний тайёргарлигини оширади (юкламага кўнишиш ҳисобига), бунда эса вужудга келадиган қийинчиликларни енгигб ўтишда ўзининг иродавий сифатларини тарбиялайди. Шундай қилиб, спортчини тайёрлаш бутун бир жараён бўлиб, унинг айрим (алоҳида) томонлари бир-бирини узвий тўлдириб туради.

II БОБ

СПОРТ МАШГУЛОТИНИНГ АСОСИЙ ПЕДАГОГИК ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА УМУМИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

2.1. СПОРТ МАШГУЛОТИ ҚОНУНИЯТИ ВА НЕГИЗИНИНГ АЛОҚАДОРЛИГИ

Юқори натижаларга эришиш мақсадида шугулланаётган спортчи ўзида жуда мураккаб тизимни акс эттиради, унда турли хил жараёнлар юзага келади. Ушбу жараёнларни бошқара туриб, мураббий машғулотли юкламалар хусусияти ва ҳажми, машғулот воситалари ва усуллари, спортчи ҳолатини мухим томонга узгартириш учун машғулотни утказиш шарт-шароитлари ҳақида асосли қарорлар қабул қилиши лозим. Маълумки, тұғри қарор қабул қилиш фақатгина шу ҳолда амалга оширилади, қачонки, мураббий спорт машғулотидаги объектив қонунийтларнинг ҳаракатига таянган үз фаолиятининг мақсад вазифаларини аник ифодалай (бажара) олса.

Күп сонли илмий изланишлар, етакчи мураббийларнинг амалий ишлари натижасида қайд этилган ушбу қонунийтлар, әңг аввало, спортчининг мусобақа имкониятини шакллантириш хусусиятлари билан бөглиқдир. Спортда юқори натижаларга эришиш йулидаги мажбурий ҳаракатлар, күникиш жараёнининг үтиш қонунийтлари, ҳаракатли ўйин ҳамда билимлар ва бошқалар шулар жумласидандир. Юқорида гиларнинг педагогик таҳлили эса мураббий фаолиятидаги негизларни аник шакллантиришга ёрдам беради.

Спорт машғулоти педагогик жараён сифатида жисмоний тарбиянинг маълум бир тизимида амалга оширилади. Шунинг учун спорт машғулотининг негизлари жисмоний тарбия негиз-

лари ҳамда спортчининг юқори натижаларга эришишида жисмоний тарбия услугиятининг бир тури ҳисобланади.

2.2. МАКСИМАЛ КҮРСАТКИЧЛАРГА ИНТИЛИШ

Спортнинг асосий фарқ қилувчи томонларидан бири мусобақа қонун-қоидалари тизими билан бириктирилган мусобақа фаолияти ҳисобланади. Шунинг учун спортчини тайёрлашда доимо юқори натижаларни кўзлаб ва келажакдаги ғалабаларга интилиш, ҳаракат қилишга эътибор қаратилади ва спортчини фикрий, онгли, эстетик, ақлий, ватанпарварлик руҳида тайёрлашнинг кўп томонлама вазифаларини ечиш маълум жиҳатдан тайёрлаш жараёнининг босқичлари, мусобақа шартларида юқори натижага эришишга боғлиқ. Шунинг учун спорт ютуқлари барча босқичларда (олий маҳорат спорти, оммавий спорт) бутун бир спорт ривожига хизмат қиласди.

Демак, спорт машғулотининг етакчи омили *максимал ютуқларга эришиши* бўлса, бундан ўз навбатида бир қанча тахминлар, ҳолатлар юзага келади. Энг аввало, бу ерда гап фақатгина максимум спорт натижаларига эришиш ҳақида бормай, юқори натижаларга, ютуқларга интилиш фақат тажрибали ёки юқори малакали спортчиларга эмас, балки оммавий спорт билан шуғулланувчиларга ҳам тегишлидир.

Олий маҳорат спортида спортчининг замонавий натижалар босқичига чиқиши учун унга катта ҳаракатлар, тайёргарлик учун анча вақт керак бўлади. Юқори малакали спортчилар орасида йилига 1200—1500 соат машқ қилувчилар кам эмас, лекин яна бир спорт тури билан шуғулланниб, унда ҳам худди шундай юқори натижаларга деярли эришиб бўлмаслик аниқ. Айни пайтда самарағи боғлиқлик фақатгина спортчининг мусобақадаги имкониятига яқин талабларни кўрсатувчи, ифодаловчи спорт турларида мавжуддир. Масалан, 100 ва 200 м га югуриш, 800 ва 1500 м га сузиш кабилар. Бу нарса чуқурлаштирилган спорт ихтисослиги (мутахассислиги) негизини шакллантиришига асос бўлади, яъни бу олий маҳорат спортида ниҳоятда зарурдир.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, замонавий спортда ихтиосслик янада кенг ифодаланган шаклда амалга оширилади. Чунки, спортда жамоавий ҳамжиҳат ҳаракатлар ҳам мавжуд. Масалан, футболда майдондаги ўйинчилар ҳужумчи, ярим ҳимоячи ва ҳимоячиларга бўлинади. Ўз навбатида, ушбу ўйинчилар ҳар бир ўйинда анча кенг вазифаларни амалга оширади (марказий ёки ён чизиқ ўйинчиси бўлиб). Агар шундай жамоада мусобақалар давомида ўйин интизомига амал қилинса, ўйинчилар орасида узвий алоқа сақланиб турилса, бу ҳолда ҳар бир спортчида ўзининг мусобақа имкониятини энг кучли томонларини кўрсатиш имконияти туғилади, жамоа эса ҳудди шундай кучга эга рақиб жамоасига қараганда устуњлиги сезилади. Бироқ, ўйинда боғлиқликни бузиша (рақибнинг кучли таъқиб қилиши ёки таъсири туфайли) спортчilar ӯзларига хос бўлмаган ҳаракатларни бажаришларига тұғри келади, бу эса қийинчилклар туғдириб, салбий натижаларга етаклаши мумкин. Спортчи турли хил техник-тактик тайёргарликка эга бўлиши, ҳар қандай вазиятда ишончли, шу билан биргаликда юқори суръатда ҳаракат қила олиши лозим. Кўрилаётган негизларнинг амалга оширилиши, ҳар томонлама чуқур тайёргарлик билан боғлиқлиги спорт натижаларининг ўсишидаги шартлардан биридир. Спортчининг спорт имкониятини шакллантиришнинг индивидуал асослари ҳам асосий шартлардан ҳисобланади. Бу чуқурлаштирилган индивидуаллик негизида акс этади.

2.3. СПОРТЧИ МАХСУС ВА УМУМИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ БИРЛИК НЕГИЗИ

Спортчи маҳсус ва умумий тайёргарлигининг бирлик негизи инсон организмининг турли функциялари билан узвий боғлиқлиги ва ўзаро шартланганлигига яралган. Кўринишидан мусобақа имкониятини сезиларли оширадиган, фақат маҳсуслаштирилган юкламаларни кўлланишида кутилмаганда шундай пайт бўладики, спортчининг „иккинчи даражали“ сифатлари унинг спорт натижалари ўсишига тўсқинлик қилиши ва спортчининг ҳолатига турли талабларни қўйиши мумкин. Масалан, 100 м га югуриш бир неча сония ичida максимал қувватни, кучни талаб қилса (бунда чарчоқ бўлмайди), унда

машғулотни бажариш учун югурувчи (спринтер) нафақат тезкорликка, балки чидамлилик сифатларига ҳам эга булиши лозим. Демакки, юқори натижаларга эришиш учун ҳам маҳсус, ҳам умумий тайёргарлик булиши керак, қайсики, одатда мусобақа имкониятига кирмайдиган, лекин усиз спортчи ижобий натижаларга эриша олмайди.

Кўрилаётган негиз бошқа кўптиб соҳаларга — спорт ўйинларида универсализация ва ихтисослик муаммоларига, машғулотли вазифаларнинг асосий ва тайёргарлик босқичига оид ҳамда кўп йиллик машғулот тузилишига оид саволларга жавоб беради. Амалиётда спортчини маҳсус ва умумий тайёргарлигининг бирлик негизи ҳар томонлама ва ихтисослашган юкламаларнинг маълум бир кетма-кетлиги йўли билан амалга оширилади.

2.4. МАШГУЛОТ ЖАРАЁНИНИНГ УЗВИЙЛАШТИРИЛГАН НЕГИЗИ

Машғулот жараёнининг узвийлаштирилган негизини амалга ошириш шундан иборатки, унда машғулот юкламаларига кўни-киш танаффусларсиз бўлади, яъни ҳар бир келаётган юклама олдинги юкламанинг давоми (изи) сифатида бошланади. Агар дам олиш оралиги жуда катта бўлса, унда спортчининг ҳолати дастлабки бошланғич босқичга келиб қолади ва машғулот натижасининг ўсишига эришиб бўлмайди. Маълумки, бундай узвийлаштирилган негизни бузишда юклама спортчи имкониятларининг ошишига етарли бўлмайди.

Бундан ташқари, яна иккита шарт-шароитни ҳисобга олиш керак. Биринчидан, кейинги юклама тикланишнинг, шу билан биргаликда етарли бўлмаган тикланишнинг турли фазаларида бажарилиши мумкин. Бу ҳолда, бир қанча юкламалар йигин-дисининг таъсири спортчи ҳолатида жуда катта силжишларга олиб келади ва тикланиш жараёнини сезиларли даражада фаоллаштиради. Машғулотнинг бундай режими етарли тайёргарликка эга спортчилар учундири.

Иккинчидан, турли хилдаги юкламалардан иборат тикланиш жараёнлари бир вақтда давом этмайди (секин-аста, кетма-кетликда) ва параллел равишда утади. Ана шундай тикланиш жараёнлари туфайли юқори малакали мураббий

спорт машгүлотини шундай режалаштирадики, спортчи бошқа хилдаги юкламадан кейинги тикланиш жараёнлари кетаётган пайтда маълум йўналишдаги ишни бажариши лозим. Уларнинг кетма-кетлиги ва жадаллик билан катта ҳажмда бажариладиган ишнинг меъёридалигига (ҳатто бир кунда бир неча марта) спортчи чарчамайди ҳамда унинг спорт тайёргарлиги ошиб боради.

2.5. ДОИМИЙЛИК БИРЛИГИ ВА ЧЕГАРАЛАНГАН ЮКЛАМАНИНГ НЕГИЗИ

Доимиийлик бирлиги ва чегаралангандек юкламанинг негизи спортчи организмининг юкламага бўлган таъсири хусусиятларига кўра яратилган. Мусобақа имкониятини ўстириш ниятида спортчи ҳолатини ўзгартириси учун нафақат маълум бир кўнималий йўналишни аниқлаш зарур, балки уларнинг етарли ҳажми (катталиги) ҳам лозим. Маълумки, кичик юкламалар машгүлотнинг етарли самарадорлигини таъминлай олмайди, бу эса катта юкламаларни бажаришга мажбур қиласди. Замонавий спортга тааллуқли машгүлотнинг ҳажми ва жадаллигининг ошиши (усиши) мана шуларнинг акси ҳисобланади. Бироқ, чегаралангандек юкламалар нафақат янги шогирдлар билан ишлашда, балки юқори малакали спортчилар машгүлотида ҳам доимиий равишда қўлланилмайди, чунки ҳаддан ташқари чарчашиб, ортиқча куч йўқотиш, жароҳатлар ортириш ва бошқалар кузатилиши мумкин. Шунинг учун, чегаралангандек юкламаларга секин-аста ўтиш лозим.

2.6. ЮКЛАМАЛАРНИНГ ТЎЛҚИНСИМОН ДИНАМИКАСИ НЕГИЗИ

Юкламаларнинг тўлқинсимон динамикаси негизи шуларга асосланганки, барча мавжуд юкламалар ичидан тўлқинсимон динамика спорт машгүлотида энг самаралисидир. Бошқа турлари эса (чизмали ёки босқичли ўсиш) спортчининг имкониятларига қараб юкламаларнинг кичик ҳажмлисида қўлланилиши мумкин, бу етарли даражада кўникиш жараёнларини таъминлай олмайди. Катта (чегаралангандек) юкламаларни давомли қўллашга

уриниб күриш салбий оқибатларга олиб келади. Демак, чегараланган машғулотли юкламаларни ўз вақтида дам олиш билан алмаштириб туриш, камайтириш лозим. Шу каби юклама динамикаси „тұлқин“ ҳосил қиласы (аввал ўсиш, кейин пасайиш), бунда уларнинг давомийлиги турли хил ҳажмлардан иборат бұлади — бир неча үнлаб сониялардан тортиб то бир неча йилгача. Ҳар бир „тұлқинли“ юкламани ажратишининг объектив сабаблари мавжуддир.

2.7. МАШГУЛОТ ЖАРАЁНИНИНГ ЦИКЛЛИК НЕГИЗИ

Машғулот жараёнининг цикллик негизи юкламаларнинг тұлқинсімон динамикаси негизи билан узвий боғлиқдир. Гап шундаки, юкламанинг қар бир тұлқини иккита фазага эга: катталығы (ҳажми)нинг ўсиши, кейин пасайиши. Шунинг учун спорт машғулотининг цикллик хусусиятлари бу ерда күриниб туради. Бироқ, шуни ҳисобға олиш лозимки, қар бир келаёттан цикл олдингисига худди шундай күринищда ұхшамаслиғи керак, унга юзага келадиган вазифаларни ечими учун янги элементлар киритиш маңызды (микроцикл келаёттан юклама жадаллигининг ўсиши билан ажралиб туради; мезоциклда эса умумий жисмоний тайёргарлардан махсус жисмоний тайёргарларкка ёки жисмонийдан техник тайёргарларкка ва бошқаларга үтиш мүмкін).


III БОБ

СПОРТ МАШГУЛОТИНИНГ ТУЗИЛИШИ

3.1. СПОРТ МАШГУЛОТИ ТУЗИЛИШИНИНГ УМУМИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Спортчи ҳолатини бошқариш самараси маълум жиҳатдан нафақат қўлланиладиган воситаларга, балки вазифаларни кетма-кетлиқда бажаришга ҳам боғлиқдир. Масалан, бажариладиган машқларнинг нотўғри кетма-кетлиги техник тайёргарликда қўшимча қийинчилклар туғдирали. Бундай ҳолат ҳар қандай ёшдаги ва тоифадаги спортчи тайёргарлигининг барча бўлимларида акс этади ҳамда машгулотнинг давомийлигидан қатъи назар, барча босқичларнинг қатъий кетма-кетлигини талаф қиласди. Спортчи ҳолатини бошқаришнинг бундай хусусияти спортчи тайёргарлиги назариясининг муҳим бир асосларида, яъни спорт машгулотидаги маълум бир тузилишнинг ажратилишида ётади.

Машгулот тузилиши ўзида компонентларнинг (қисмлари, томонлари, аъзолари) бирлигини маълум бир кетма-кетлиқда ва умумий кетма-кетлиқда бир-бири билан узвий боғлиқлигини акс эттиради. Спорт машгулотининг тузилиши бўйича ҳосил бўлган тушунчага асосан микро, мезо ва макротузилиш босқичларини ажратиб кўрсатиш мумкин. 1-жадвалда спорт машгулоти тузилишининг турли компонентлари тўғрисида қисқача маълумотлар, 3- расмда эса унинг умумий схемаси келтирилган.



3-расм. Спорт машфулотининг тузилиши.

I- жадвал

Спорт машғулотининг тузилиши компонентларининг қисқача тавсифномаси

Тузилиш босқичи	Тузилиш компонентлари	Компонентни ажратишнинг асосий сабаблари	Компонентнинг асосий турлари	Тахминий вақт ҳисоби
Микротузилиш	Машғулотли вазифа	Машғулотли машқни спортчининг дастлабки ҳолатига, дам олишига ва бошқа шарт-шароитларга боғлиқлиги	Анаэроб, аэроб, техник-тактик ва бошқа йўналишлар	Бир неча сониядан тортиб то бир неча соатгача
	Машғулотли машқнинг қисми	Спортчининг машғулотли машқ жараёнидаги иш қобилияти динамикаси	1. Тайёргарлик 2. Асосий 3. Якунловчи	1. 10—40 дақиқа 2. Бир неча дақиқадан то бир неча соатгача 3. 10—20 дақиқа, 2—7 кун
	Микроцикл	Чарчаш ва тикланиш жараёнларини бошқариш, турли йўналишдаги вазифалар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни таъминлаш, турмуш тарзини анъянавий тартиблаш (ҳафталик кун тартиби)	1. Машғулотли (оддий ва зарбали) 2. Тақсимловчи 3. Мусобақали 4. Тикловчи	
Мезотузилиш	Мезоцикл	Кумулятив (яъни натижали машғулот курсаткичлари, куникмали адаптациян) ҳолатларнинг секинлашиши ва тўхташи	1. Тортувчи 2. Базавий 3. Назорат-тайёргарлик 4. Мусобақадан аввалги 5. Мусобақали 6. Тикланиш-тайёргарлик 7. Тикланиш-кумаклашув	3—4 ҳафта (3—6 та микроцикл)

I- жадвалнинг давоми

1	2	3	4	5
Макротузилиш	Макроцикл даври	Спорт формаси ривожланишининг аниқ фазасини таъминлаш (стабилизация ва йўқотишлар)	1. Тайёрловчи 2. Мусобақали 3. Ўтувчан	1. 3—4 ёки 5—6 ой 2. 1,5—2 ёки 4—5 ой 3. 2—3 ёки 4—6 ой
	Макроцикл	Мусобақа тақвимига мос равища спорт формаси ривожланишини бошқариш	1. Йиллик 2. Ярим йиллик	1. 1 йил 2. 6 ой
	Кўп йиллик машғулот жараёнининг босқичлари	Спорт тажрибасига эга бўлиш асослари, ёш ривожланишининг асослари, юқори спорт натижаларига эришишда турмушнинг турли даврлари	1. Базавий тайёргарлик босқичлари 2. Максимал спорт имкониятларини амалга ошириш босқичлари 3. Кўп йиллик спорт босқичлари	1. 4—6 йил 2. 8—12 йил 3. Бир неча ўн йиллар

3.2. СПОРТ МАШГУЛОТИ ТУЗИЛИШИННИГ АЛОҲИДА ТАРКИБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аввал таъкидланганидек, тайёргарликнинг ўсиши спортчи организмида ўз навбатида тегишли фаолият орқали юзага келган кўникиш жараёнларининг тўғри шаклланганлиги натижасида амалга ошади. Бўлиб ўтаётган жараёнларнинг ҳажми ва йуналиши кўплаб сабабларга кўра аниқланади, жумладан, дам олиш давомийлиги ва хусусияти билан. Масалан, масофанинг қисқа қисмларини маълум бир чегараланган тезликда қайта югуриб ўтишда ёки тезлик сифатларини (дам олиш оралиқлари билан) ёки тезкорликка бўлган чидамлилик сифатларини тарбиялаш вазифасини ечиш мумкин.

Шундай қилиб, агар машгулотда маълум вазифа ечилаётган бўлса, бунинг учун бажарилаётган машқнинг энг батафсил ёритилганлиги ҳам етарли бўлмайди, чунки унинг самардорлиги спортчининг машқ олдидаги ҳолатига, дам олиш параметрига ва бошқа шарт-шароитлар (денгиз сатҳидан баландлиги, шамол кучи ва йуналиши ва ҳ.к.лар)га боғлиқдир. Буларнинг барчаси биргина хulosага олиб келади, яъни спорт машгулоти тузилишининг дастлабки элементи машқ эмас, балки **машгулотли вазифа** хисобланади.

Машгулотли вазифа деб, маълум педагогик вазифани ечишига ёрдам берадиган, уни бажаришга бўлган барча зарур шарт-шароитларга эга жисмоний машқقا айтилади. Машгулотли вазифалар ҳаракатли сифатларни тарбиялаш, техник ва тактик ҳаракатларга ўргатиш, енгил машгулотли вазифаларни ечиш, тикланиш вазифаларини ечиш ва бошқалар билан боғлиқ турли йуналишларга эга. Йуналиш машгулотли вазифаларнинг бошқа хусусиятларини ҳам аниқлаб беради, жумладан, унинг давомийлигини. Демак, енгил машқ учун қўлланиладиган алоҳида вазифалар бир неча сония ичида, аэроб чидамлилигини тарбиялашга йўналтирилган вазифалар эса 1,5—2 соат ва ундан кўп вақтда бажарилиши мумкин.

Машгулотли машқларнинг қисми қоидага кўра бир нечта машгулотли вазифалардан шаклланади. Машгулотли машқлар қисмини ажратишнинг объектив сабаблари — спортчининг машгулот жараёнидаги ишгача бўлган динамикаси, аввалига максимумгача ошади, кейин бир қанча вақт мувозанатда туради,

ундан сұнг چарчоқ туфайли пасаяди. Эң аввало, ҳар бир машғулотли вазифани бажаришда спортчининг ишчанлығига бўлган талаблар махсуслигининг катта босқичини таъкидлаб ўтиш керак. Масалан, ҳаракатли ҳолатларни ўрганишнинг бошланғич босқичида физиологик функцияларнинг етарли даражада фаоллиги, маълум бир психик йўналтирилганлик талаб этилади, лекин қаттиқ چарчоқ бўлиши керак эмас. Ундан ташқари, эгилувчанликни ривожлантириш, тарбиялаш мунтазам равишда қатъий машқ бажаришни талаб этади. Шунинг учун машғулотли машқларнинг асоси, машғулотли вазифаларнинг мазмuni ва кетма-кетлиги умумий ишчанликнинг қандайдир босқичини эмас, балки кетма-кетликдаги вазифаларни самарали бажариш учун специфик имкониятларини таъминлаши лозим.

Спорт машғулотининг тайёрлов қисми — спортчининг ишчанлигини, машқларни, вазифаларнинг фойдали ечимини таъминлайдиган, шунингдек, жароҳатланиш хавфини камайтирадиган босқичга олиб чиқиши таъминлашга хизмат қилади. Жуда қисқа енгил машғулот спортчини асосий ишга тайёргарлик кўришига ёрдам бермайди, лекин жуда кўп вақт давомлиси эса چарчоққа олиб келади.

Машғулотнинг асосий қисми — ўзида анча муҳим вазифаларнинг ечимиға қаратилган йўналишни ифодалайди. Унинг мазмунни, тузилиши турлича шаклланиши мумкин. Масалан, деярли битта вазифани қўллаш (кросс югуриш) ёки аксинча, катта ҳажмдаги, турлича йўналишда бўлган вазифаларни қўллаш мумкин. Охирги ҳолатида асосий қисм тузилиши, вазифаларнинг кетма-кетлиги (чунки битта бажарилган вазифанинг натижаси самарали бўлса, бошқасиники самарасиз бўлиши мумкин) жуда зарурдир.

Машғулотнинг якуний қисми — спортчининг функционал фаоллигини пасайтиришга йўналтирилган вазифаларни, тикланиш жараёнларини фаоллаштириш, баъзи машғулотли вазифаларни бажаришда учраб турадиган салбий ҳолатларни йўқотиши вазифаларини ечади. Унга мушаклар тонусининг камайиши, нафас олишни тиклаш, ноанъанавий координацияда носпецифик фаолиятни биридан-бирига ўтказиш каби вазифалар киради.

Машғулотли машқ қўйилган педагогик вазифаларни самарали ечишни таъминлаши лозим. Уларнинг сонига қараб машқлар танланган ёки комплекс йўналишга эга бўлади.

Танланган йўналиш спортчи ҳолатига қайсиdir бир йўналиш бўйича катта босқичда таъсир кўрсатишини таъминлайди (ўзига фақат чидамлилик ва кучни тарбиялашга қаратилган вазифани киритади). Комплекс йўналишидаги машқлар ёки машғулотлар бир эмас, бир нечта масалаларни ечади, бундан эса спортчи ҳолатига бўлган таъсир турли томонлама бўлиб, машғулотнинг монотонлиги камаяди. Бироқ, бу масалаларнинг ҳар бири худди маҳсус танланган йўналишдаги каби ечимга эга бўлади. Шунинг учун мусобақа имкониятининг таркиби бир турли бўлишини талаб этадиган спорт турларида танланган йўналишдаги машғулотлар спорт ўйинларидан кўра кўпроқ қўлланилади.

Микроцикл бир қанча машғулотли вазифалардан ташкил топади ва улар ёрдамида ечиладиган масалалар ва вазифаларнинг характеристи ёки хусусиятига кўра фарқ қиласди.

Машғулотли вазифаларнинг асосий ҳажми одатда кўпроқ машғулот микроциклида бажарилади, қайсики, юкламанинг ҳажмига кўра оддий ёки зарбали бўладиган.

Етакчи микроцикллар келаётган мусобақалар фаолиятининг тартиби ва шартларини моделлаштиради (старт ёки ўйинлар жадвали ва ҳ.к.).

Мусобақа микроцикллари энг аввало жуда муҳим, жавобгар мусобақаларда қатнашишни ўзида жамлайди. Ундан ташқари, унда қўшимча машғулотли машқлар, рақиблар мусобақа фаолиятини ўрганиш, тарбиялаш тадбирлари қўлланилади.

Тикланиш микроцикллари юкламани бир текисда камайтиришга, бу эса ўз навбатида келаётган юқори интенсив микроциклларнинг самарасини иложи борича тўлиқроқ қўллашга ёрдам беради.

Агар машғулотлар микроциклининг тартиби чарчаш ва тикланиш жараёнларини бошқариш заруратига боғлиқ бўлса, унда мезоцикллар умумий машғулот самараси ютуқларини таъминлайди, бу эса кучни, чидамлиликни ва мусобақа имкониятининг бошқа компонентларининг анча ортишида намоён бўлади. Умумий самарадорлик асоси, бу — спортчи организмининг юкламага кўникишидир. Бу жараён бир текисда кечмайди: аввалига тез, кейин эса борган сари секинлашади. Шунинг учун машғулотли сифатларнинг ўсиш суръатини сақлаш учун машғулот мазмунини даврли амалга ошириш (ҳар 3—4 ҳафтада) ва юклама характеристини ўзgartириш зарур. Бу-

нинг учун турли қуринишдаги ва типдаги мезоциклларни машғулотга киритиш амалга оширилади.

Тортувчи мезоцикллар юкламанинг юқори бўлмаган жадаллиги (интенсивлиги) билан фарқланади ва тайёргарлик даврининг бошларида (спортчи касаллигидан кейин) амалга оширилади. Базавий (бошлангич) мезоцикллар жисмоний, техник, тактик тайёргарликнинг ошиши вазифаларини ечишга хизмат қилади ва шунинг учун ҳам улар тайёргарлик даврининг асосини ташкил қилади.

Назорат-тайёргарлик мезоцикллари иккинчи даражали мусобақаларда мусобақа имкониятини шакллантириш тўғрилигини аниқлаш мақсадида қатнашиш ва керак бўлса, унинг алоҳида таркибий қисмларига жиддий эътибор қаратиш лозимлигини ўзига қўшимча равишда киритади.

Мусобақалардан олдинги мезоциклларнинг хусусиятлари бўлажак мусобақалар талабларини, шарт-шароитларини моделластиришдан иборат (иқлимий шарт-шароитлар ва бошқалар). Мусобақа мезоцикллари мазмуни зарур ҳамда жавобгар мусобақаларни ўтказиш тартибида акс этади.

Тикланиш-қўллаш ва тикланиш-тайёргарлик мезоцикллари спортчининг юкламаларга ва ишга берилиши вазифаларини ечишга ёрдам беради (масалан, мусобақалар орасидаги мезоцикллар), бу мезоциклларнинг иккинчи типи, тури катта ҳажмдаги юкламалар билан фарқланади.

Макроцикл даврлари ва уларнинг босқичлари маълум бир спорт қуринишининг фазасини шакллантиришга хизмат қилади.

Спорт қуриниши, бу — спортчи мусобақа имконияти барча таркибий қисмларининг гармоник бирлиги. Масалан, бу ҳолатда ўзлаштирилган техника спортчининг антропометрик ва ҳаракатли хусусиятларига, унинг шайланишига ва қуролланганилигига тўлигича тегишлидир. Демак, фақатгина спорт қуриниши (формаси) ҳолатида спортчи учун зарур бўлган машғулотнинг мазкур катта циклидаги мусобақа имкониятининг максимал ҳажми (катталиги) таъминланади. Бу бирлик узоқ вақт давомида амалга оширилади (ҳафталар ва ойлар), кейин эришилган босқичда ушлаб турилади ва ниҳоят бузилади (спорт формасини йўқотиш ва мустаҳкамлаш).

Макроциклларда бу фазаларга тайёрлов, мусобақа ва ўтиш даврлари тегишлидир.

Тайёрлов даври (унинг умумтайёргарлик ҳамда маҳсус тайёргарлик босқичлари) спорт формасини умумийдан маҳсус жисмоний тайёргарликка секин-аста ўтишдаги вазифаларни, масалаларни ечади, сўнгра унга техник ва тактик йўналишдаги катта вазифаларни киритиш. Бошқа кетма-кетлик унчалик самарали эмас, чунки жисмоний тайёргарликнинг сезиларли даражада ошиши, кўпайиши мусобақали машқлар хусусиятларининг ўзгаришини талаб қиласди, бу эса булажак техник тайёргарликни қисман бўлса-да, қадрини йўқотади.

Мусобақа даври (мусобақадан олдинги босқични ҳам ҳисобга олган ҳолда) спорт формасини режалаштирилган спорт натижаларига эришиш мақсадида тиклаш туфайли юқори мусобақа имкониятини яратишни таъминлаши лозим. Буни амалиётда қўллаш ўзига яраша, яъни спортчи ҳолатини мусобақалар таъсирида назорат қилиш каби мураккабликларга эга. Кўшимча қийинчиликлар кўпинча бир қанча спорт турлари бўйича мусобақалар тақвимининг чўзишишига олиб келади ҳамда бир неча ой давомида мусобақа имкониятини юқори босқичда ушлаб туриш заруратини уйғотади.

Ўтиш даври мусобақа юкламаси ўзгаришининг йўналиши, маҳсус тайёргарлик воситаларининг қисқариши, фаол дам олиш билан боғлиқ. Шу туфайли, кейинги макроциклда аввалига мусобақа имкониятининг алоҳида компонентларини ошириш мумкин, кейин эса спорт формасига эришиш орқали уни юқори босқичга олиб чиқиш мумкин. Бундан келиб чиқадики, ўтиш даврини спорт машғулоти тузилишига киритиш макроциклни керакли ҳолатда сақлашнинг зарурый талабларидан биридир.

Машғулотнинг кўп йиллик жараёнининг турли йўналиш ва босқичларидағи вазифалари ва мазмунлари кейинги бобда қисқача кўриб чиқилади, фақат спортнинг кўп йиллигидан ташқари. Бу босқич спорт машғулотининг кўп йиллик жараёнини якунлайди ва эришилган натижаларни кўниши жараёнини, техника, тактика ва мусобақа тажрибаси орқали пасайишини, ёш бўйича ўрнини тўлдириш туфайли барқарор ҳолатда бўлишини таъминлади.

Кейинги босқичда (умумий ишchanликни сақлаб туриш) жисмоний тарбия машқларининг систематик вазифаларини давом эттириш зарур, акс ҳолда, ҳаракат фаоллигининг бирданига ўзгариши инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатади.

IV БОБ

КИЧИК ВА ЎСМИР ЁШИДАГИ СПОРТЧИЛАР МАШГУЛОТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

4.1. ЎСМИР ЁШИДА СПОРТ МАШГУЛОТИ НЕГИЗИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Спортчини тайёрлаш тизимининг муҳим томонларидан бири спорт ўринбосарларини режага асосан тайёрлаш ҳисобланади. Бунинг учун мамлакатимизда РОЗК, БУСМ, ОСММ ва бошқаларнинг кенг қамровли фаолияти яратилган. Шунингдек, ўринбосарларни тайёрлашда спорт турлари бўйича маҳсус формалар ҳам қўлланилмоқда. Бу эса, умумтаълим мактабларида маҳсус жадвал бўйича бир кунда икки маҳал машғулотни самарали олиб боришга ёрдам беради.

Спорт ўринбосарларини тайёрлаш нафақат олий маҳорат спорти талабларини қондириш учун муҳим, балки мактаб ёшидаги болаларнинг жисмоний тарбиясига оид вазифаларни ечишга ҳам самарали ёрдам беради.

Кичик ёшдаги спортчиларнинг ёш хусусиятлари спорт машғулоти негизларига маҳсус ёндошишни талаб қиласди. Биринчи ўринда шуни ҳисобга олиш керакки, ўсмир спортчи учун юқори натижага эришиш кўпинча узоқ мақсад бўлиб қолади (М.Я. Набатникова, В.П. Филин). Шунинг учун тайёргарликнинг дастлабки босқичларида мусобақа имкониятини ошириш ва унга асосий урғу бериш фойдасиз, уни шакллантириш учун максимал қенглиқдаги базани иложи борича кечроқ яратиш лозим. Уз-ўзидан маълумки, тор доирадаги юкламалар олдинига ёш спортчига тенгдошларига нисбатан юқорироқ натижаларни олиб келиши мумкин. Демак, сузишда нопропорционал бўлган катта ҳажмдаги тезкор ишларни бажариш кўпинча ўрганишнинг

биринчи йили давомида II спорт разряди даражасидаги спорт натижаларига эришишга олиб келади. Бирок, бундай машғулотда натижаларнинг ўсиши кескин секинлашиши ва бу спортчиларнинг биронтаси ҳам терма жамоа таркибига кира олмаслиги мумкин. Худди шундай спорт ўйинларида ҳам авваллари ўсмиirlар ва ёшлар жамоасидаги энг етакчи, маҳоратли спортчилар күпинча катталар жамоасида унчалик яхши ва самарали ҳаракат қила олмайдилар.

Якка (индивидуал) максимал натижага эришиш тамойили мусобақа имкониятини чегараланган тарзда ошишига бўлган талаб сифатида қаралиши керак ҳамда спорт турининг спецификаси ва спортчининг якка (индивидуал) хусусиятлари нуқтаи назаридан оптимал бўлиши керак. Шунинг учун чуқурлаштирилган мутахассислик тамойили ўсмиirlар спортида кечки кўп йиллик машғулот босқичларида кўзга ташланади.

Спортчи умумий ва маҳсус тайёргарлигининг бирлик тамойилини амалга ошириш ҳам муҳим ўрин тутади. Ўсмир спортчининг ёши ва спорт малакаси қанчалик кичик бўлса, унинг ҳар томонлама тайёргарлигига шунчалик катта аҳамият берилиши лозим, чунки ўсмиirlар спортида болаларнинг ҳар томонлама гармоник ўсиши зарурлиги муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ёш спортчиларнинг бир хил ишдан тез чарчаб қолишини ва унга бўлган қизиқишининг йўқолишини, бошқа спортга ўтишини, ўйин мавқенининг ўзгартириши ва бошқаларни ҳам инобатга олиш лозим.

Ўсмиirlар спортида чегараланган юкламаларга бўлган доимиийлик ва солиштирма бирлик тамойили доимиийликка урғу бериб амалга оширилади, бунда катта юкламалар катта спортчилар машғулотига солиштирганди, табиийки, кам ишлатилади.

4.2. ЎСМИР СПОРТЧИЛАРНИНГ КЎП ЙИЛЛИК МАШҒУЛОТИ АСОСЛАРИ

Ўсмир спортчиларнинг кўп йиллик тайёргарлиги ўзига тўрт босқични жамлайди ва уларнинг ҳар бири маълум бир вазифаларнинг ечилишини талаб этади (М.Я. Набатникова).

Саралаш тайёргарлик босқичи спорт машқларига бўлган қизиқиши шакллантириш, соғлиқни мустаҳкамлаш, турли томонлама жисмоний тайёргарликка эга бўлиш масалаларини (вазифаларини) ҳал этади. Техник тайёргарликда ҳаракатли билим ва уқувларнинг зарурий захирасини яратиш учун турли спорт турларидан турли хил машқларни ўзлаштиришга, янги ҳаракатларнинг тезда ўзлаштиришни ривожлантириш сифатларига муҳим аҳамият берилади. Бу босқичда кейинги машқларни бажариш учун қайсиdir бир спорт тури танланади. Босқич камида икки йил давом этади.

Бошлиғич спорт ихтисослиги босқичи турли томонлама жисмоний тайёргарликни давом эттиради, бироқ маҳсус жисмоний тайёргарлик воситалари ҳам ишлатила бошлайди. Бунда ёш спортчи танланган спорт турининг техникаси асосларини ўзлаштириши лозим. Тактик тайёргарлик спорт беллашувини олиб боришнинг оддий, содда усулларини ўзлаштириш билан чекланади, мусобақа тажрибасига эга бўлиш бошланади. Бу босқичда кўриладиган муҳим вазифалар спорт сифатларини мукаммалроқ аниқлаш, зарур пайтда спорт ихтисослигини аниқлаш ҳисобланади. Босқич давомийлиги икки-уч йилни ташкил этади.

Чуқурлаштирилган машғулот босқичи танланган спорт турида машғулот ва мусобақа юкламалари ҳажмининг ортишига боғлиқ. Турли хил жисмоний тайёргарлик билан бир қаторда маҳсус жисмоний тайёргарликка ҳам катта эътибор қаратилади. Техник тайёргарликнинг юқори талабларига жавоб берувчи ҳаракатли билим ва уқувлар шаклланади. Тактик тайёргарлик танланган спорт турига ва спортчининг ихтисослигига мос келиши лозим. Мусобақа тажрибасига эга бўлиш давом этади. Босқич икки-уч йил давом этади.

Спортнинг мукаммаллашиш босқичи спортчининг маҳсус тайёргарлигини оширишга қаратилган. Машғулот юкламаларининг ҳажми ва жадаллиги сезиларли ўсади, техника мукаммаллашиши давом этиб, унинг индивидуаллашиши ва ҳар қандай мусобақа ҳолатидаги самарадорлиги ошади. Тактик тайёргарликда спортчи мусобақа беллашувини олиб боришнинг барча жиҳатларини, сирларини ўзлаштириши керак. Бошқа босқичлардан фарқли равишда, бу босқичда ёш спортчидан

унинг келажакдаги ютуқларини ишончли башорат қилишга ёрдам берадиган анча юқори натижалар кутилади ва талаб этилади. Бу босқич күпинча тайёргарликнинг тұрт йиллик Олимпия циклига күра курилади.

4.3. СПОРТ САРАЛАШИ НАЗАРИЯСИ ВА УСЛУБИЯТЛАРИ АСОСЛАРИ

Спорт саралашы, бу — мавжуд қатнашчини спорт фаолиятига кириши ёки киритмаслик ва уни амалга ошириш ҳақидағи илмий башорат жараёнидир.

Спорт саралашидан спорт фаолиятининг барча қатнашчилари: спортчилар, мураббийлар, ҳакамлар, спорт шифокорлари, илмий комплекс гурухларининг мутахассислари үтишади. Күпинча, маълум бир мураббийнинг терма жамоага тайнинланиши, унга киритилдиган күчли спортчидан күра, спорт натижасыга сезиларлы таъсир күрсатади. Ҳар бир номзодға саралаш охир-оқибат қониқарлы ёки қониқарсиз натыжа бериши мумкин. Қониқарлы саралаш — гурух ва жамоага киритилиш, үйинга захирадаги спортчини киритиш, мураббийни тайнинлаш; қониқарсиз саралаш эса, ҳайдалиш (четлатилиш), чиқарып юборилиш, үйинга қатнашиш хукуқидан маҳрум этиш, асосий спортчининг захирадагилар орасында үтиб қолишидан иборат.

Спорт саралашы спорт фаолияти жараённан доимий равишда давом этади. Демек, янги үйинчи спорт гурухында құышылса, у билан ишлаш қайси дір сабабларға күра, машғулотларни тұгатиши (тұхтатиши) тұғрисидеги қарор қабул қилинмагуның қадар давом этади. Спорт саралашы амалға оширилиши давомидеги вақт турли ҳажмда булиши мумкин (бир неча сониядан тортиб, то бир неча йилгача). Масалан, ёш спортчиларни бошланғыч саралаш келажакдаги күп йиллик спорт фаолиятини ҳисобға олган ҳолда үтказилади. Аксинча, мусобақа фаолияти давомида спортчиларни алмаштириш, күпинча бир неча сония давомидеги келажак фаолиятнинг үзіда акс этади (ғандболда рақибни 7 метрли жарима түпі отаётгандай пайтда дарвазабонни алмаштириш сингари).

Спорт саралашы жараённан үзиге уч босқични қамраб олған: талаблар мазмунини аниқлаш (келажак фаолиятни күрсатыб

берадиган); аниқ номзодлар имкониятининг башорати; қониқарли ёки қониқарсиз қарор қабул қилиш.

Замонавий спорт саралаши назариясида спортчиларни саралашга катта эътибор берилади. Бунда қўйидаги атама ва тушунчалар ишлатилади.

Спорт ориентацияси — спортчининг имкониятлари энг кўп даражада ёритиладиган, намоён бўладиган спорт турининг аниқланиши.

Селекция — спортчиларни тажрибасига кура танланиши.

Жамоаларни жамлаш — жамоаларни мусобақаларда қатнашиши учун шакллантириш, шу билан биргаликда жамоатаркибининг беллашувлар пайтидаги жамланиши.

Стабил кўрсаткичларнинг намойиш этилиши ёш спортчининг индивидуал ривожланишини аниқ башорат қилишга ёрдам беради, чунки тенгдошлари орасида ҳар қандай курсаткичлар бўйича ташаббускорлиги келажакда ҳам сақланиб қолади. Масалан, спортчи танасининг узунлигини 9—11 ёшидаёқ деярли аниқ айтиб бериш мумкин. Аксинча, тана оғирлигини аниқ айтиб бериш анча мураккаб. Шунинг учун, ҳар бир спорт турида зарур ва муҳим кўрсаткичлар гуруҳи аниқланади, уларга қараб кўп йиллик тайёргарлик жараёнидаги саралаш амалга оширилади. Масалан, енгил атлетикачиларни танлашда оёқ ва тана, гавда узунилиги, жисмоний тайёргарлиги ва ҳаракат фаоллиги катта аҳамиятта эга. Мураккаб координацияга эга спорт турларида (масалан, гимнастика) спортчининг янги ҳаракатларга ўрганиши, кўнизиши алоҳида қизиқиши ўйғотади. Спортчининг тайёргарлигига кура, саралаш учун спортнатижалари янада катта аҳамиятга эгадир.

Спорт саралашини тўғри амалга ошириш мусобақа имкониятини самарали яратиш ва амалга оширишни (кўллашни) таъминлайди. Бунда саралашнинг бошқа ҳолатларини ҳам эсдан чиқармаслик лозим.

V БОБ

ЖИСМОНИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ АСОСЛАРИ

5.1. КООРДИНАЦИОН ВА УНГА БОГЛИК ҚОБИЛИЯТЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ

5.1.1. Координацион қобилияtlар ва унинг мазмуни тўғрисида умумий тушунча

Координацион қобилияtlар (КҚ) ўзида аниқ ҳаракатли вазифаларни ечиш учун организмни ҳаракатнинг маҳсус элементларини бутун бир нарсага бўлган тегишилигини акс эттиради. Ушбу тегишилилк яхши уқиганликда, ҳаракатларнинг бир текисда ва аниқлигига, уларнинг ўз вақтида бажарилишида намоён бўлади.

КҚ ҳаётий зарур бўлган ҳаракатли укувларни, фикрлашнинг тезлиги ва самарадорлигини, спорт техникасини талаб қилади. Шу билан бирга юқори спорт натижаларига эришишга замин яратади. Координацион етуклик ёшларни замонавий ривожланишнинг мураккаб шарт-шароитлари ва ҳаётнинг юқори темпи тайёргарлигига йўналтирилган.

КҚ босқичи шахснинг қуйидаги қобилияtlарига кўра аниқланади:

- турли товушларга (сигналларга) тез аҳамият бериш, жумладан, ҳаракатдаги объектга;
- чегараланган вақт давомида ҳаракатли ҳолатларни аниқ ва тез бажариш;
- ҳаракатнинг жой, вақт ва куч параметрларини дифференциялаш;
- ўзгараётган ҳолатга, вазифаларнинг ўзгача қўринишига кўникиш;

- ҳаракатланаётган объект ҳолатини керакли вақтда олдиндан билиш;
- вақт ва жой аниқлигига қараб иш күриш.

Ҳаракат вазифаси спецификасидан қатын назар, КҚ турли күринишда намоён бўлиши мумкин. Масалан, турли мувозанатни сақлаш, берилган ритмда ҳаракатларни бажариш, кутилмагандан ўзгарадиган жараён талабларига асосан ҳаракат ҳолатини ўз вақтида тўғри қўйиш, ўзгартириш ва бошқалар.

КҚ нинг анча табиий, жадал ўсиши ҳаётнинг 4–5 йили ичидаги акс этади. Бу даврни координацион қобилияйтларнинг ривожланиш темпи, тезлигини инобатга олиб, одатда „олтин давр“ деб айтишади. Агар шу даврда КҚ га мақсад сари интилса, 7–10 йилга келиб организм унинг юқори ривожланишига тайёр бўлади. Шу нарса аниқланганки, КҚ нинг ривожланиш босқичи қизларга нисбатан йигитларда йил сари анча ортиб боради.

5.1.2. Координацион қобилияйтларни тарбиялаш воситалари

КҚни мустаҳкамлашнинг асосий воситаси жисмоний машқ ҳисобланади. Бунда КҚ нинг самарали ривожланиши қуйидаги услубий ҳаракатларни бажариш билан енгиллашади:

- координацион тайёргарликнинг анча юқори босқичини таъминловчи мақсад сари йўналтирилган алоҳида сифатлар, қобилияйтларнинг ривожланиши (тезлик, ўзгарувчан жараёнларга кўниши ва ҳ.к.);
- машғулот воситаси сифатида қўлланиладиган ҳаракатли кўникма ва уқувларни тўғри техник ўрганилади, акс ҳолда улар янги хатолар асоси бўлиб қолади;
- КҚ босқичининг сезиларли даражада ўсишига ёрдам берувчи функциялаштирилган анализатор (ташхис)ни яхшилаш. Айланадиган стулни ёки арғимчоқни қўллаш таянч ҳаракат аппарати функциясини мустаҳкамлашга ва мувозанатни сақлаш қобилиягининг ўсишига олиб келади.

Қўлланилаётган жисмоний машқлар координацион мураккаблигининг ошишига жой, вақт ва динамик параметрларнинг

ўзгариши ҳисобига эришилади. Масалан, вариациялар — құллар олдинга, құллар тепага, құллар ёнга; вақт вариациялари — құлларда тез айланма ҳаракатлар, секин айланма ҳаракатлар; күч вариациялари — максимал баландликка сакраш, ярим тепаликка сакраш кабилар.

Жисмоний машқларнинг мураккаблигини ички шартшароитлар ҳисобига ошириш мүмкін, яғни снарядлар үрнини, тартибини, оғирлигини, баландлигини үзгартырган ҳолда. Үндан ташқари, таянч майдонини үзгартыриш ёки машқларда мувозанатни сақлаш; юриш ва сакрашни, югуриш ва илиб олишни үзаро боғлаш кабилар ҳисобига ҳам жисмоний машқлар мураккаблигини ошириш мүмкін. Айниқса, құшимча ахборот ва маълумот беришта қаратылган методик усул анча самарали ҳисобланади. Ҳаракатларни назорат қилиш учун ойна ёки ориентирни құллаш үрганишни осонлаштиради. Күриш қобиляти, маълумотининг чегараланғанлиги (күзойнак, күзни юмиш, хира ёки қоронғи хона) ҳаракатлы ҳолатларни бажарышни сезиларли даражада қийинлаштиради.

Координацион машқларни бажарышни машғулот асосий қисмининг биринчи ярмiga режалаштириш лозим, чунки улар тез چарчатади. Машқлар үртасида дам олиш оралиқлари түлиқ, үзини тиклаб олишни таъминлашга етиши керак.

КҚни ривожлантиришга қаратылган машқлар автоматик тарзда бажарилмагунига қадар самарали ҳисбланиб, кейин улар үзининг қимматини, қадрини йүқтөді.

5.1.3. Аниқ вақт-маконни билиш қобилятини тарбиялаш

Инсоннинг вақт-маконни аниқ билиш хусусияти унинг фаолияти давомидаги ўзгаришлар түғрисида аниқ тасаввурға эга бўлиш қобиляти билан ифодаланади. Инсоннинг вақт-макон хусусияти уни ўраб турган ташқи шароитларга қараб ўзгарувчан характерга эгадир. Бунда асосан тұртта ҳолатни ажратиб кўрсатиш мүмкін:

1) инсон ва уни ўраб турган нарсалар үзгаришсиз (турғун) ҳолатда бўлади (масалан, **ўқ** отувчи);

- 2) фақатгина ташқи шароит, омиллар ўзгаради (масалан, ўйин жараёнида спортчининг тўхташи);
- 3) инсоннинг фақат вақт-макон ҳолати ўзгаради (масалан, сувга сакровчилар, гимнатикачилар, парашютчилар);
- 4) инсон ва уни ўраб турган ташқи ва ички омиллар ва нарсалар ўзгариб туради (масалан, спортчи турли ўйин ҳолатларига ўтиши, жой алмаштириши).

Аниқ вақт-маконни билиш қобилиятини тарбиялаш бир нечта босқичда ўтади:

1. *Қатъий аниқ педагогик режани қўллаш*. Бунинг мазмуни шундан иборатки, машқларни бажараётганда унинг муҳим тузилиши сифатида асосий ургуни вақт-макон ҳолатига ҳам қаратиш лозим. Бунда асосан дастлабки таҳдил ва вақт-маконни ташқи ва ички муҳитга қараб ўзгариши ташкил қиласди. Шундай усулни қўллаш натижасида жисмоний машқларни анча сифатли ва самарали бажариш мумкин.

2. *Ҳаракат коррекциясини қўллаш*. Коррекция инсонга аниқ вақт-маконни назорат қилишни оширишга қаратилган. Коррекция сўз билан ёки бирор-бир асбобда ифодалаб берилиши мумкин. Сўз билан ифодаланадиган ҳаракатни бажаришда аниқликни ёритиб беради (эрта, кеч, камроқ, кўпроқ), асбобли ифода эса аниқ сонни кўрсатиб бериши мумкин. Коррекциядаги самарадорлик ҳаракатлар орасидаги тўхталишларга кетган вақтга боғлиқ. Тўхталишлар қанчалик кам бўлса, самара шунча юқори бўлади.

3. *Ўз-ўзини назорат қилиш*. Бу йўналиш инсон фаолиятининг турли кўринишларида кенг фойдаланилади. Жисмоний тарбияда ўз-ўзини назорат қилиш учун турли обьектлар қўлланилади (расмлар, предметлар ва ҳ.к.), улар ҳаракат йўналишини ва амплитуданинг чегараланган нуқталарини кўрсатади.

5.1.4. Мувозанат сақлаш қобилиятини тарбиялаш

Маълум бир босқичда машқларни сифатли бажариш тананинг турли ҳолатларида мувозанатни сақлай олиш қобилиятига боғлиқ. Мувозанатни сақлаш қобилияти статистик (уқ, отиш, гимнастика) ва динамик (югуриш, сакраш) машқларда фарқланади.

Статистик хусусиятга эга машқлардаги юқори тангликка танланган спорт тури учун характерли ҳисобланадиган шарт-шароитларга секин-аста ўрганиш, кўнишиш йўли билан эришилади. Бу мақсадда руҳий қийинчиликларни оширувчи (секин-аста снаряд баландлигининг ошиши) ёки машқларни бажаришда биомеханик шарт-шароитларни ўзгартирувчи бир қатор методик усувлар (таянч майдонининг ўзгариши, битта ҳолатни сақлаб туриш вақтининг ошиши, қаршилик курсатиш қуринишидаги ҳолатларнинг киритилиши) қўлланилмоқда.

Динамик хусусиятга эга машқлар асоси бўлиб — умумий динамик мувозанат деб аталадиган умумий ҳолатни сақлаб туриш билан бир пайтда спортчининг ҳолатини тинмасдан ўзгариб туриши ҳисобланади.

Динамик хусусиятларга эга машқларда мувозанатни мустаҳкамлаш вариацион шарт-шароитлардаги жисмоний машқлар ҳисобига амалга ошади: кесиб ўтилган жойдан югуриш, қийишиқ жойда ҳаракатланиш. Ундан ташқари, мувозанатни сақлаш учун анча юқори талабларни қўядиган спорт турларидаги машқларни қўллаш ҳам зарур.

5.1.5. Норационал мушак таранглигининг пасайиши

Мушак таранглацишининг юқорилиги (кучлилиги) ҳаркатли вазифани ечишга салбий таъсир кўрсатади. У ҳаракатланиш техникасини ўрганиш жараёнини ва мустаҳкамлашни қийинлаштиради, ортиқча куч-куватни кеткизади ҳамда тез чарчашга, толиқишига олиб келади.

Бошлангич ўқитиш даврида, одатда координацион мушак таранглиги деган тушунча учраб туради, бу таранглашган мушакни секин-аста бўшашган ҳолатга ўтиш пайтида намоён бўлади. Буни йўқотиш учун қўйидаги услубий талабларни бажариш лозим:

- машқларни секин темпда, кучга таянмаган ҳолда кўп карра бажариш;
- шуғулланувчилар мотивациясининг пасайиши, мусобақа

ҳолатини, танбехдан құрқишиң йүқотиши (янги ҳолатни юзага келтириш);

— ритмик структурага диққатни жамлаган ҳолда ҳаралтанаётган образни хаёлан, ақлан яратиши, айниқса, бұшашиш пайтларидан;

— умумий таранглик акс этиби турған юз күринишини назорат қилиш.

Бирок, координацион таранглик ҳатто үзлаштирилған жисмоний машқтарни бажаришда ҳам юзага келиши мүмкін. Күпинча бунинг сабаби толиқиң ҳолати, шуғулланувчининг ҳаддан ташқары күп ҳаракатлари, нокулай шарт-шароитлар (шериклар, спорт зали, анжом-ускуналар), жавобгарлық ҳисси бұлади. Мушакнинг бундай юқори таранглашувини рұхий үз-үзини бошқариш ва машқтарни бир оз мұраққаблашған, шу билан бирга толиқиң ҳолатларига мослаб бажариш билан енгіш мүмкін.

Баъзи бир спортчиларнинг мушак таранглашувининг юқориғи туғма бұлади. Үндән халос бўлиш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак, яъни турли мушактарни бұшаштириш ва таранглаш учун машқтарни систематик бажариш (кетмакет), машқтарни нафас йўллари учун бошқа жисмоний машқтар билан алмаштириб бажариш, шунингдек, сузиш, сауна ва массажни қўллаш ва бошқалар.

5.1.6. Координацион қобилиятларни кўп йиллик машғулот жараёнида мустаҳкамлаш

Бошланғич мактабда машғулотларни координация қобилиятларини тарбиялашга асослаб олиб бориш тавсия этилади. Жумладан, юриш ва югуришда қадамнинг узунлиги ва частотасини, сакрашда узунлик ва баландликни, улоқтиришда отиш масофасини ва бошқаларни фарқлашни билиш лозим. Шу нарса аниқланғанки, қадам узунлигини баҳолашни билиш, жойни сезиш қобилиятини, хусусиятини, қадам частотасини, вақтни сезишни тарбиялар экан.

Кичик мактаб ёшида КҚни узлуксиз мустаҳкамлаб бориш келажақда юқори ҳаракат уқувини ва үзлаштирилған зарур ҳаракатли билимларнинг ривожланишини таъминлайди.

Үрта мактаб ёшида (5—9-синфлар) асосий вазифа турли сигналларга тез аҳамият беришни мустаҳкамлаш, ритмик қобилиятларни ривожлантириш ҳисобланади. Шу билан биргаликда, доимий равишда мўлжал олишни ҳам мустаҳкамлаб бориш лозим.

Юқори синфларда (10—11- синфлар) вариацион шарт-шароитлар уқувини ривожлантириш зарур, чунки бу нарса келажақда КҚ кўламининг ўсишига ёрдам беради.

5.2. КУЧ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШ

5.2.1. Куч қобилиятларининг асоси ва мазмуни

Инсон кучи — уни мушак ёрдами билан ташқи қаршиликларни енгиш қобилияти сифатида қаралади. Куч мушакларнинг таранглашуви натижасида юзага келиб, улар грамм ва килограммларда ўлчанади. Мушак таранглашишида қисқаришнинг динамик кўриниши деб аталадиган мушак узуналигининг ўзгариши ҳам мавжуд ёки қисқаришнинг статистик кўриниши деб аталувчи мушаклар ўзгаришсиз бўлиши мумкин.

Мушаклар фаоллигининг ташқи акс этишидан қатъи назар мушак қисқаришининг бир қанча режимлари ажратилади. Ўтиш режими тана ва унинг аъзоларининг ўтиши, ўзгариши вазифасини бажарувчи мушакларнинг қисқариши билан характерланади. Шунингдек, ташқи шарт-шароитлар, ташқи юкламаларнинг мушак ва унинг таранглашишига таъсир этиши ҳам бу ерда алоҳида аҳамиятга эга. Бундай ҳолатда ҳаракатланиш тезликда амалга ошади, мушаклар ташқи ишни бажаради, мушак қисқаришининг тури эса **миометрик режим** деб аталади.

Мушак қисқариши ўтиш режимиининг турли томонларидан бири доимий тезликдаги ташқи юклама ва мушаклар таранглиги ҳисобланади. Булар маҳсус техник усуслар билан таъминланади, мушак қисқаришининг тури эса **изокинетик режим** деб аталади.

Агар мушакка бўлган ташқи юклама, мушакнинг ўзини таранглашишидан кўпроқ бўлса, мушаклар чўзилади, бугимлар

ҳаракати секинлашади, мушаклар бошқа ташқи вазифани бажаради (оғирлик билан ўтириш). Қисқаришнинг бу усули ортда қолиш деб аталади.

Ташқи юклама мушак таранглигига тенг бўлса ёки бўғимда ҳаракатланишга имконият, шароит бўлмаса, қисқаришнинг статистик куриниши юзага келади. Бу ҳолда мушаклар узунлиги ўзгармасдан таранглашиши ривожланади. Қисқаришнинг бу турини ушлаб турувчи (изометрик) режим деб аталади (2-жадвал).

2- жадвал


Мушак қисқариши турли кўриниши ва режимларининг асосий хусусиятлари

Қисқариш куриниши	Мушак қисқариш режими	Бўғимдаги ҳаракат	Ташқи юклама	Ташқи вазифа, иш
Динамик				
Статик				


Куч алоҳида анжом-ускунада, яъни динамометрда ўлчанади. Уларнинг ичидаги энг кўп тарқалгани ва қулайи В.М. Абалаков ишлаб чиқсан соатсимон индикаторли динамометрdir (4-расм).

Мушак алоҳида гуруҳларининг кучини маҳсус усулда аниқланади. Спорт амалиётида Б.М.Рибалько услуби кенг қўлланилади. Усулнинг асосий устунлиги ўлчовчи анжом-ускуналар ва оммавий изланишларнинг самарадорлигидан иборат (4-расмга қаранг). Олинган маълумотлар барча мушаклар: пастки ва юқори бўгин мушаклари, гавда мушаклари, шунингдек, тананинг чап ва ўнг қисмидаги ва бошқа мушаклар йигиндининг кучини аниқлашга ёрдам беради.

Динамометрия мушакнинг вақт ва ҳажмни инобатга олмаган ҳолда максимал даражада ҳаракатини ифодаловчи мушакларнинг мутлақ кучи тўғрисидаги маълумотларни олишга ёрдам беради. Шунингдек, тегишли (фарқли) куч тўғрисидаги маълумотларни олишга ҳам ёрдам беради.



4- расм. а—тос-сон букилувчан мушаклари; б—елка букилувчан мушаклари; в, г—тана ва гавда букилувчан мушаклари кучини ўлчаш; д— соатсимон конструкция кўринишидаги индикаторли динамометр (В.М.Абалаков).



5- расм. А—юқорига сакровчи ва Б—узоқ масофага югурувчи спортчиларнинг динамометрик ҳаракатланиши: 1—гавда букилиши; 2—гавда эгилиши; 3—сон букилиши; 4—болтир букилиши; 5—товор букилиши.

Спортчининг оғирлиги ошгани сари унинг мутлақ кучи ҳам ортади, тегишли кучи эса камаяди. Баъзи бир спорт турларида (яккакураш ва улоқтиришда) аввало биринчи ўринда мутлақ куч муҳимдир. Бироқ, бошқа спорт турларида (гимнастика ёки

акробатика) спортчининг фаолияти унинг танасини ҳаракатига боғлиқ бўлса, тегишли куч асосий аҳамиятга эга бўлади.

Спортчининг ихтисослиги мушак кучининг шаклланиш топографиясига сезиларли таъсир кўрсатади. Югурувчиларнинг билак букилиш кучи 43 кг га, юришга ихтисосланган спортчиларда 27 кг га teng. Спорт малакаси, тажрибаси ортиши билан спортчи машаклари гурухининг мутлақ ва тегишли кучи ҳам ортади. Куч йўналишидаги тизимли машгулотлар куч тайёргарлиги спецификасини ҳар бир спорт турида шакллантиради (5- расм).

5.2.2. Куч қобилиятларини тарбиялаш услубининг асосий йўналишлари

Куч машқлари қаршиликни ҳисобга олган ҳолда икки гурухга бўлинади. Биринчи гурухга предмет оғирлигидан, шерикнинг қарши ҳаракатидан, қаттиқ жисмларнинг қаршилигидан, ташқи муҳитни ва турли техник анжомлар қаршилигидан яратиладиган ташқи қаршилик машқлари киради. Иккинчи гурухга ўз танасининг оғирлигидан юзага келадиган машқлар киради.

Ҳозирги пайтда спортчининг куч тайёргарлиги амалиёти етакчи статик ва динамик машқлардан иборат.

Статик ҳарактердаги машқларни бажаришда мушак қисқаришининг изометрик режими катта аҳамиятга эга (2- жадвалга қаранг). Ҳар бир машқни кўп карра максимал даражада тиришиб бажаришнинг 2/3 қисми амалга оширилса, бу куч ошишига ёрдам беради. Яна шунга эътибор қаратиш лозимки, куч ошишининг ўсиши бўғимда букилиш бурчагига ҳам боғлиқ. Агар қўл кучини ривожлантириш машқини бажаришда тирсак букилиши бурчаги 90°ни ташкил қилса, кучнинг ўсиши шу бурчакка кўра бўлади ва бошқа букилиш бурчагида пайдо бўлмайди (масалан, 35° ёки 135° да эмас). Демак, статик ҳарактердаги машқларни бажараётib шуни эътиборга олиш керакки, мушак кучи факат аниқ позицияда ўсади.

Динамик машқлар бир-биридан ташқи қаршилик туфайли фарқланадиган уч турга ажралади. Булар доимий, ўсувчан ва кўникувчан (изокинетик машқлар) қаршиликтаги машқлардир.

Доимий қаршилиқдаги динамик машқлар күч тайёргар-лигининг энг күп тарқалған воситаларидан бири ҳисобланиб, бу машқларнинг классик (ески) схемаси үтган асрда Делорм ва Уиткинс томонидан ишлаб чиқылған ва босқичма-босқич қаршилик билан, ҳар бир босқичда машқларни ўн карра бажарилиши билан үсувлан уч қисмдан иборатдир. Бу усул асосидаги машқлар учун оғирлиги 10 ПМ га тенг бўлган оғирликни аниқлаш лозим. Биринчи мартада 10 ПМ нинг ярмига тенг бўлган оғирликда 10 марта қайтарилади, иккинчи мартада 10 ПМ ни 75% ига тенг бўлган оғирликда, учинчи мартада эса роса 10 ПМ га тенг оғирликда бажарилади.

Кўпгина тадқиқотчи-олимлар кучни ошириш учун доимий қаршилик эвазига бажариладиган янада самарали усулларни ишлаб чиқишига ҳаракат қилишди, интилишди. Шу нарса аниқландикси, кучнинг ўсиши сарфланган меҳнатга пропорционалдир. Бироқ, доимий максимал юкламаларда спортчи олдинги вазнни, оғирликни кўтара олмайди, бунинг натижасида кейинги қайтариш учун юкламани камайтириш зарурати туғилади.

Агар машқлар чегараланмаган оғирлик билан бажарилса, спортчи максималдан камроқ юкламани ҳис қиласи. Бу ҳолда ҳар бир кейинги ҳаракат юкламанинг ортишига ҳамда кўпроқ меҳнат қилишга, ишлашга сабаб бўлади. Бир тажриба үтказилган: спортчилар унда икки гуруҳга ажратилиб, улар ҳар бир босқичда машқларни 10 карра қайтариш билан бажаришган. Битта гуруҳдагилар 10 та қайтаришни бир хил оғирликда бажарган, иккинчи гуруҳдагилар эса биринчи ҳаракатни максимал қаршиликда бажарив, кейин секин-аста оғирликни пасайтиришган. Тажриба натижалари шуни кўрсатганки, иккинчи гуруҳдаги спортчиларнинг ўсиш даражаси анча мазмунли бўлган.

Ҳар бир босқичдаги қайтарилишлар учун қаршиликларнинг ўзгариши маълум бир мураккабликлар билан боғлиқлигини ҳисобга олсак, күч тайёргарлиги амалиётида шуғулланувчининг юкламаси қаршиликтининг ортишида эмас, балки ҳар бир қайтаришлар сони билан ошади. Доимий қаршилиқдаги динамик характеристерга эга машқлар күч қобилиятларини яхшилайди. Доимий қаршилиқдаги машғулот эвазига мушак тўқимасининг оғирлиги ортади ва кўп ҳолларда ёф қатламлари камайди.

Куч тайёргарлигининг муҳим ва етакчи омили мушак таранглашувининг ҳажми саналади. Максимал куч таранглашуви турли йўллар билан амалга ошади. Биринчиси — чегараланмаган қаршиликларни чегараланган қайтиришлар сони билан енгиб ўтиш. Мазкур усул пластик алмашишга сабаб бўлади, шунингдек, куч ошишига ёрдам беради. Иккинчиси — чегараланган ҳамда тахминий чегараланган оғирликларни қўллаш. У асаб-мувофиқлаш ҳолатларнинг мустаҳкамланишини таъминлайди, бунда мушакларни алмашинув жараёнининг мувозанатига таъсири қўймайди, шунингдек, спортчи кучининг сезиларли даражада ўсишини таъминлайди.

Ўсувчан қаршиликдаги динамик машқлар юклама (қаршилик)нинг доимий равишда ўсишига сабабчидир. Ишнинг бундай режими резинали ва пружинали амортизаторлар ёрдамида амалга оширилади. Изланишлар жараёнида шу нарса юзага келадики, ўсувчан қаршиликдаги куч машғулоти куч ўсишига туртки бўлади. Бироқ, бундай машғулотларнинг спорт натижаларида таъсири ҳозирча етарли даражада ўрганилмаган.

Қўникувчан қаршиликдаги динамик машқлар изокинетик машқлар номини олган. Уларни ҳаракатнинг доимий тезлигини таъминлашга, маҳсус техник воситалар ёрдамида бутун ампли-тудадаги тезланишни йўқотишга асосланиб қўллаш мумкин. Ишнинг изокинетик режими ҳаракатнинг барча ҳажмидаги максимал тарангликни сақлашга қаратилган.

Статик ҳарактердаги машқларда максимал таранглашув ривожланса-да, лекин ҳаракат йўқ динамик ҳарактердаги машқларда эса аксинча, ҳаракат бор, лекин максимал таранглашув йўқ. Мутахассислар таъкидлашича, қўникувчан қаршиликдаги машқлар динамик ва изометрик режимда бажариладиган машқлардаги ютуқларни бирлаштиради ҳамда бир пайтнинг ўзида камчиликларни бартараф этади.

Қўникувчан қаршиликдаги машқларнинг самарадорлиги қўйидаги тажрибани ифодалайди. Саккиз ҳафта давомида турт гуруҳга бўлинган спортчилар турли усуллар бўйича, куч тайёргарлиги бўйича машқлар бажаришган.

Биринчи гуруҳ — статик ҳарактердаги машқларни, иккинчиси доимий қаршиликдаги динамик ҳарактердаги машқларни, учинчиси изокинетик ҳарактердаги машқларни қўллашган. Кучнинг ўсиши тегишлича кўрсаткичда бўлган —

9,2%, 27,5%, 35,4%. Шу давр оралиғида юқори малакали ўн курашчи изокинетик машқлар эвазига күч тайёргарлигини анча яхшилади, яғни диск улоқтиришда натижани 9,5 метрга, наизани 7 метрга, ядро улоқтиришни 2 метрга оширади.

Ундан ташқари, изокинетик машғулот пайтида мушак оғирлигининг 2—4% га үсиши ёф қатламининг 19—20% га камайиши билан ифодаланади.

Махсус тажриба ва юқоридаги амалиётларнинг натижаларига асосланиб, күпгина мутахассислар шұ тұхтамга келишдікі, изокинетик машқларни катта келажак күтмөқда ва улар спортчи күч тайёргарлигининг асосий воситаси булиши мүмкін.

Күч тайёргарлигини амалға ошираётіб шуны ҳысобға олиш керакки, мұтлак күчнинг табиий үсиши үғил болаларда 16—17 ёшда, қызларда 10—11 ва 16—17 ёшда күзатилиди. Бу даврлар оралиғида күч тайёргарлиги тайёргарликнинг юқори суръатда бажарылышы билан ифодаланади.

5.2.3. Күч тайёргарлиги даврида овқатланиш асослари

Күч тайёргарлигининг самарадорлығы күп жиҳатдан овқатланиш характеристига бағыттайды. Шундай фикр мавжудки, мушакларнинг гипертрофиясыга 1 кг вазн учун организмга бир кунда камида 1 грамм оқсил тушиши лозим. Албатта, шуғулланувчының овқатланиши фақат оқсилдан иборат булиши керак эмас. Овқатланишда оқсиллар, ёғлар, углеводлар қуйидаги фоиз күринишида булиши лозим: 14:30:56. Шунда ҳам ҳайвонлар оқсили (гүшт, балиқ, сут, тухум) овқат таркибидеги умумий оқсилларнинг камида 50% ини ташкил қилиши ва овқатланиш сони кунига 5 мартаңдан кам бүлмаслиги керак. Ундан ташқари, мушаклар күчига организмдеги минерал баланси ҳам таъсир күрсатади. Айниқса, организмдеги калий ионларининг түйинганлиғы катта ахамиятта зәдид, улар асаб түқималари буйлаб ҳиссиёт ва ҳаяжонланиш жараённанда қатнашади. Шунингдек, мушаклар бұшашишида „жавобгар“ натрий ҳам катта ахамиятта зәдид.

Күч тайёргарлигиде пархез асоси овқат кам, лекин витаминларга бойлиги ҳысобланади, чунки витаминлар мушак массаси ривожланишини тезлаштиради. Оғир күч тайёргарлиги

даврида, спорт саралаши шароитларида ва мусобақалар жараёнида юқори биологик озуқаларни ишлатиш ҳам зарурдир.

5.2.4. Тана оғирлигини назорат қилиш услуби

Тана оғирлигининг асосий компонентлари мушак, суяк ва ёғ тўқималари ҳисобланади. Уларнинг мутаносиблиги кўп жиҳатдан ҳаракат ҳолатлари ва овқатланиш шарт-шароитларига боғлик (3- жадвал).

3- жадвал

Тана оғирлиги таркиби (%)

Контингент	Тана оғирлигининг асосий компонентлари		
	мушакли	суякли	ёғли
Гимнастикачилар	52,7	17,8	9,5
Волейболчилар	52,6	16,8	10,8
Ярим енгил вазн тоифали оғир атлетикачилар	47,9	18	9,9
Иккинчи оғир вазн тоифали оғир атлетикачилар	44,5	14,3	12,2
Спорт билан шуғулланмайдиганлар	42	18	12

Спортчи танаси таркибининг таҳлили шуни кўрсатадики, спорт тажрибасининг ошиши билан ёғ компонентининг сони камаяди, мушак оғирлигининг сони эса кўпаяди. Спортчи тайёргарлиги жараёнида кўпинча тана оғирлиги ва унинг компонентларини назорат қилиш зарурати туғилади. Тана оғирлигини назорат қилишнинг воситалари — жисмоний машқлар ва овқатланиш режими ҳисобланади. Шуларга монанд бажариладиган жисмоний машқлар танада қувватни сезиларли ҳаракатга келтиради.

Умумий оғирликнинг камайишидан шундай хulosага келиш мумкинки, ёғ қатламлари камайиб, тананинг ортиқча оғирлиги ошмоқда. Ёғ тўқималари танада нотекис ривожланади. Тўқималар сони 13 ёшгача юқори суръатда ўсади, 20 ёшга етиб уларнинг сони барқарорлашади. Яна бир омил ҳам мавжудки,

бу шаклланган ёф тўқималарининг анча мураккаб парчаланиши-дир. Ҳатто кам овқатланиш туфайли анча вазн йўқотилган тақдирда ҳам, ёф тўқималарининг ҳажми камайиши мумкин, лекин уларнинг сони ўзгармайди.

Калория организмнинг талабидаги қувватдан ошиб кетса семириш юзага келади. Демак, семиришга қарши энг самарали восита овқат калориясининг камайтирилиши ёки қувват кетишининг ошиши бўлади. Овқатни чегараланган меъёрда ейиш ёф массасининг камайишига ва шу билан биргаликда умумий тана оғирлигини 45% гача камайишига олиб келади.

Жисмоний машқларнинг кам овқат ейишдан фойдали томони шундаки, жисмоний машқларни бажарганда оқсил камаймайди, ёғи бўлмаган тўқималар массаси камаймайди, яъни жисмоний юклама организмни салбий балансдан сақлайди.

Мабодо иложи борича кам вақт ичида вазн камайтириш лозим бўлганда, жисмоний машқлар билан биргаликда овқатни кам микдорда истеъмол қилиш лозим.

Тажрибаларда шу нарса аниқланганки, ҳафтасига 40 дақиқадан 3 марта бажариладиган машқларда 6 ой мобайнинда ортиқча вазн сезиларли даражада ошиб, тери-ёф қатламлари ҳажми ва оғирлиги камаяр экан. 4 ой мобайнинда 3 дақиқадан ҳафтасига 3 марта югуриш машқлари ёф тўқимасини 23,7 дан 20 кг га камайтиради ва тўқима массаси ўзгаришсиз қолади. 30 дақиқадан ҳафтасига 2—3 марта 2 йил мобайнинда секин югуриш оғирликни 6% га камайтиришга ёрдам бериб, ёф тўқималарини 20% га оширади.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, ҳаракат фаоллигини бирданига камайтириш оқибатида кўп ҳолларда семириш бошланади.

5.3. ТЕЗЛИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШ

Тезлик қобилияtlари, бу — ҳаракатли ҳолатларни бажариш тезлигини ифодаловчи индивидуал (якка) хусусиятлар йиғинди-сидир.

Асосий тезлик қобилияtlари сирасига қўйидагилар киради: оддий ва мураккаб ҳаракатли ҳолатларнинг тезлиги; ташқи қаршиликка эга бўлмаган алоҳида ҳаракатлар тезлиги; ҳаракат суръати (частотаси)да акс этадиган тезлик.

5.3.1. Ҳаракатли ҳолатлар тезлигини ривожлантириш үслуби

Оддий ҳаракатли ҳолат тезлиги қайси бир ҳолатга бўлган реакция вақти билан характерланади. Агар реакция олдиндан аниқ, кутилмагандан пайдо бўладиган сигналга маълум ҳаракат орқали амалга ошса, унда бу реакция оддий реакция ҳисобланади. Бунга мисол тариқасида старт олаётган спортчининг товуш ёки муҳлислар таъсирiga бўлган реакциясини олишимиз мумкин.

Ҳолат характери оддий ҳаракат реакцияси тезлигига сезиларли таъсир кўрсатади (4- жадвал).

4- жадвал

Оддий ҳаракатли турли сигналларда реакция вақти

Контингент	Сигнал ҳусусияти	Реакция вақти (сек)
Спортчилар	Товуш Ёруғлик	0,05—0,16 1,10—0,20
Спорт билан шугулланмайдиганлар	Товуш Ёруғлик	0,15—0,25 0,20—0,35

Ҳаракатли реакциянинг латент қўйидаги физиологик жараёнларнинг реакцияси даврининг тезкор ўтиш вақти билан ифодаланади:

- рецепторда ҳис-ҳаяжоннинг пайдо бўлиши;
- ҳис-ҳаяжоннинг марказий асаб системасига ўтиши;
- ҳис-ҳаяжоннинг асаб йўлларига ўтиши ва эфектор сигналнинг шаклланиши;
- сигналнинг марказий асаб системасидан мушакларга ўтиши;
- мушакларнинг ҳис-ҳаяжонланиши ва унда механик фаолликнинг пайдо бўлиши.

Оддий ҳаракатли реакцияси етарли даражада ривожланган спортчилар анча мураккаб ҳаракатли ҳолатларни, вазифаларни бошқаларга нисбатан осонроқ ўзлаштирадилар. Реакцияга бўлган қобилият тегишли машқларни бажаришда мустаҳкамланади. Мустаҳкамлашнинг биринчи босқичида кутилмагандан пайдо бўладиган сигналга қайта жавоб бериш анча самаралидир (югу-

ришда старт олиш, сигналга күра ҳаракатнинг бошланиши ва ўзгариши, ҳужумкор ва ҳимоявий ҳаракатлар). Айниқса, жуда фойдали усуллардан — спортчининг охирги бўлиб реакция кўрсатганлиги учун мусобақадан чиқиб кетиши билан боғлиқ мусобақа усули ҳамда руҳий концентрацияни яратадиган ўйин усули ҳисобланади. Ушбу услублар бўйича 4—6 ҳафта машғулотлар бажарилса, қониқарли натижаларга эришилади. Кейинчалик эса реакция тезлиги барқарорлашади ва уни мустаҳкамлаш муаммога айланади.

Мустаҳкамлашнинг иккинчи босқичида техник воситалардан — электросекундомер ва спортчининг алоҳида вазиятларда ҳаракат реакцияси тўғрисида маълумот берувчи турли контакт майдончалардан фойдаланиш зарур. Бу маълумот спортчининг вақтни аниқ сезишини ривожлантиришга қаратилади ҳамда унинг реакция тезлигини яхшилайди. Спортчи бошланғич сигналга жуда тез жавоб қайтаради. Сўнг, машқнинг кейинги қисмида ўзи реакция тезлигини баҳолашга ҳаракат қиласи, ундан кейин мураббий унга вақтни айтади. Агар ўзи тахмин қилган субъектив баҳолар тезлик кўрсаткичи бўйича объективга тўғри келса, спортчи олдиндан шартланган реакция тезлиги бўйича машқ бажаради. Натижада, спортчи ҳаракат реакцияси тезлигини бошқара билишни ўрганиб олади, бу эса унинг самарали натижаларга эришишига ёрдам беради.

Учинчи босқичда ҳаракат реакцияси руҳий назоратловчи ва идеомотор (образли) машғулотлар ҳисобига мустаҳкамланади.


Мураккаб ҳаракат реакцияси тезлиги ноаниқ ҳолат ва жавоб ҳаракати билан ифодаланади. Мураккаб ҳаракат реакцияларининг кўпич ўзига хос вазиятли спорт турларида кўриниш беради (спорт ўйинларида, яккақурашларда ва бошқаларда). Бу ҳолда қоидага кўра, спортчининг олдига ҳаракатланаётган обьектга (тўп, рақиб, курол) жавоб қайтариш ва бир қанча мавжуд ҳаракатлардан ягонасини, энг мақбулини танлаш вазифаси кўйилади. Масалан, дарвозабон тўп дарвозага тепилаётган пайтда тўртта вазифани бажариши лозим: тўпни куриши, тўп йўналиши ва учиш тезлигини аниқ баҳолаши, ҳаракат режасини танлаши ва ниҳоят уша режани амалга ошириши. Кутимаганда пайдо бўлган ҳаракатланаётган обьектга жавоб қайтариш (реакция)

тезлигига 0,25 дан то 1 сониягача вақт кетади. Бу ерда кетадиган вақтнинг кўп қисми ҳаракатланаётган объектни кўз орқали кузатишга сарфланади. Катта тезликда ҳаракатланаётган нарсани кўриш ҳам алоҳида машғулот талаб қиласди ва шу мақсадда маҳсус машқлар қўлланилади, яъни секин-аста тезликни ошириб, кутилмагандан пайдо бўладиган нарсаларни қўпайтириб, тўп ҳажмини камайтириб, масофани ўзгартириб, техник восита-лардан ва тренажёрлардан фойдаланиб машқларни бажариш тавсия қилинади.

Мураккаб ҳаракат реакциясида бир қанча вариантлардан рақиб ҳаракатига ва ўйин жараёнига қараб керакли жавобни аниқ танлашда асосий қийинчиликлар пайдо бўлади. Яккакурашларда ҳужум қилишнинг бир қанча вариантларидан жавоб қайтариш (реакция) вақти маълум (6- расм).

Турли ҳужумкор ҳаракатларнинг қанчалик ортиши билан ҳимояланувчи шунча кўп ноаниқликка дуч келади, бу мураккаб ҳаракат реакцияси тезлигининг камайишига олиб келади. Шунинг учун мураккаб реакцияни ривожлантириш услугида саралаш билан мавжуд ҳолатлар сонини секин-аста ошириш лозим. Масалан, спортчини иккита мавжуд ҳужумдан биттасига жавоб қайтаришга (реакция қилишга) ўргатишади, кейин уттадан, сўнг турттадан ва ҳ.к. Секин-аста уни яккакурашнинг ҳақиқий ҳолатига олиб чиқишиади. Мазкур услуг самарадор-лигининг зарурлиги шундан иборатки, бир вақтнинг ўзида ҳам спорт-техник укувлар, ҳам координацион (мувозанат) қобилияtlар ҳамда тактик фикрлаш қобилияти мустаҳкамланади. Ундан ташқари, мураккаб реакция тренажёр ускуна-

Т ҳаракат вақти



ларидан фойдаланиш оқибатида мустаҳкамланади. Яккалик ҳаракат тезкорлиги ва ҳаракат частотаси ҳам тезлик күринишнинг биридири.

5.3.2. Айрим ҳаракатлар тезлиги ва ҳаракат частотасини ривожлантириш услуби

Ҳаракатларнинг тезлигини ривожлантиришга қаратилган машғулотли машқларни танлашда, уларнинг ўзлаштириш босқичини инобатга олиш лозим. Агар спортчи ўзлаштиргмаган, ҳали кўникмаган машқларни бажаришга ўтса, у диққатини машқни бажариш тезлигига эмас, уни қандай бажаришга қаратади.

Машқни бажариш тезлигини режалаштира туриб шуни унутмаслик керакки, ҳаракат жараёнида мушакларнинг тез қисқариши антагонист-мушаклар тонусининг ошиши билан ифодаланади, бу эса тормозланишни юзага келтиради. Бу рефлектор тормозланишни узоқ ва машаққатли меҳнат орқали йўқотиш мумкин. Ундан сўнг, секин-аста самарадорлиги максималдан 90–100% бўлган жадаллик босқичига чиқиши мумкин.

Иш давомийлиги шунчалик ҳисоб-китобли олиб бориладики, спортчи машқни бажариш вақти давомида юқори тезликни ушлаб туриши керак. Алоҳида қайтаришлар орасидаги тўхталишлар давомийлиги тикланишга етиши керак. Юқори жадалликдаги тезкор машқларни ҳатто етарлича дам олиш билан кўп бора бажариш танадаги физик-кимёвий силжишга ҳамда иш қобилияти (ишчанлик)нинг камайишига олиб келади. Ҳажмнинг ошиши билан машқлар қисмлар бўйича режалаштирилади (сузиш 8–10x12,5 м; 6–8x25 м; 3–4x50 м). Шу билан биргаликда дам олиш оралиқларини ҳам ошириш керак. Ҳаракат тезлиги ва частотасининг асосий услублари: қайтарилиш услуби, мусобақа услуби, ўйин услуби.

Ҳаракатли ҳолатларнинг кўп карра қайтарилиши натижасида динамик стереотип юзага келиши мумкин ва бу ўз навбатида ҳаракат тезлигининг бир текисда бўлишига олиб келади. Уни йўқотишнинг анча самарали усулларидан бири қўлланилаётган машқларнинг кенг турлилиги ҳисобланади. Шу мақсадда ҳаракат тезлигини оширишга ёрдам берадиган қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

1) ташқи шарт-шароитларнинг енгиллашиши ва ҳаракатни тезлатувчи қўшимча кучларнинг қўлланилиши (снаряд оғирлигининг камайиши, тоғнинг тепасига югуриш, шамол бўйича югуриш, гимнастик лонжлардан фойдаланиш ва бошқалар);

2) „тезлатувчи кучлар“ самарасини қўллаш ва оғирликларнинг турланиши. Бажарилаётган ҳаракат тезлиги худди шундай ҳаракатга ва оғирликка эга бўлган кейинги ҳаракат таъсири остида вақтинча ошади (оғирлаштирилган ядрони енгил ядродан кейин улоқтириш ва шунга ўхшаш);

3) етакчилик қилиш ва тезлик жиҳатларининг сенсор фаоллиги (олдинда етакчиликни қўлга олган шеригини кетидан югуриш, товуш ва ёруғлик белгиларини қўллаш);

4) „тезлашиш“ни қўллаш ва машқда тезлатувчи фазаларни киритиш (жойдан югуриш, улоқтиришдан олдинги ҳаракат);

5) машқни бажаришда ўрин-вақт чегараларини қисқартириш (ўйин вақтини, майдон ўлчамини чегаралаш, мусобақа масофасини қисқартириш ва ҳ.к.).

5.3.3. Алоҳида машғулотларда тезлик қобилияtlарини ривожлантириш услуби

Алоҳида (максус) машғулотлар бошида тезлик қобилияtlарини ривожлантиришда спортчининг асаб-мушак аппаратини тайёрлаш ҳамда унинг руҳий ҳолатини фаоллаштириш лозим. Машғулот асосий қисмининг мазмуни қўйидаги методик талабларга монанд булиши лозим:

— бериладиган машқлар шугулланувчилар томонидан етарли дараҷада ўзлаштирилган булиши керак;

— тезлик йўналишидаги машқлар давомийлиги унинг бутун жараёнидаги ишнинг юқори жадаллигини таъминлаши лозим;

— тезлик характеридаги машқлар жадаллиги максималдан камида 88 % булиши керак;

— дам олиш оралиқлари шундай булиши керакки, кейинги машққа қадар физик-кимёвий силжишлар нейтраллашиши ва асаб системаси ҳиссиёти юқори булиши лозим. Сезиларли дара-

жадаги чарчоқ пайтида паст жадаллик фаолияти күринишида фаол дам олиш лозим.


Машғулотларнинг якуний қисмида нафас олишни тиклаш ва мушакларни бўшаштиришга йўналтирилган паст жадаллидаги машқлар мажмuinи қўллаш лозим.

5.3.4. Тезкор-куч қобилиятларининг мазмуни ва уларнинг яралиши

Тезкор-куч қобилиятлари, бу — инсоннинг иложи борича қисқа вақт оралиғида ва оптимал ҳаракатда имкон қадар мумкин бўлган интилишининг пайдо бўлишидир. Амалиётда бу қобилиятни „портловчи куч“ деб ҳам атashади.

„Портловчи куч“ қобилияти асаб-мушак аппаратининг умумий қобилиятини қисқа вақт оралиғида юзага келадиган тарангликка бўлган таъсирига ҳамда таранглашиш натижасида пайдо бўладиган мушакларнинг мутлақ кучига ва мушакларнинг тез ўсиш қобилиятларига боғлиқдир.

Тезкор-куч сифатларининг кенг тарқалган күринишларидан бири сакраш ва улоқтириш характеристига эга машқлар ҳисобланади. Бу машқлардаги спорт натижалари кўп жиҳатдан спорчанинг тезкор-куч тайёргарлиги қандайлигига боғлиқ. Лекин, турли спорт турлари алоҳида компонентларга турлича талаблар қўяди. Қайсиdir спорт турида натижка кўп жиҳатдан ҳаракатнинг куч компонентларига боғлиқ бўлса, бошқаларида тезликка боғлиқ бўлади. Масалан, найза улоқтиришда спорччи мутлақ ҳажмдан 20 % куч сифатларини ва 90 % тезлик сифатларини амалга оширади. Штанга кўтаришида эса 80 % куч сифатларини ва 30 % тезлик сифатини амалга оширади. Бу омиллардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, ҳаракат тезлиги ва юклама оғирлиги (кучи) пропорционал бўлади — кутарилаётган оғирликнинг вазни ошган сари мушаклар қисқариш тезлиги камаяди. 7-расмдаги чизма асосида машғулотнинг учта йўналишини ажратса бўлади.



7- расм. 1—зонада кам ташқи қаршиликка эга бўлган юқори тезликдаги ҳаракатланиш ифодаланганки, бу йўналишдаги вазифа тезлик жиҳатларини оширишга қаратилган; 2—зонада кичик тезликда бўлган оғир юклама ифодаланади, бу эса куч сифатларининг ўсишига олиб келади; 3—зонада ҳаракатланиш тезлиги ва оғирлик бир хилда ифодаланади ва табиийки, бу нарса тезкор-куч сифатларининг мустаҳкамланишига замин яратади.

Тезкор-куч сифатларини ривожлантириш босқичини баҳолаш учун турли назорат машқлари (тестлар) қўлланилади. Спортчига нормал шароитда уттадан имконият берилади. Улардан энг яхши кўрсаткич танлаб олинади ва якунийси ҳисобланади. Тезкор-куч тайёргарлигининг универсал тестларига (М.В.Абалакова тизими) турган жойда икки оёқдан тепага итарилиш, жойдан туриб узунликка сакраш, 20—30 м га югуриб келиш, ядрони бош тепасидан, орқасидан, пастдан тўғрига икки қўллаб улоқтириш ва бошқалар киради.

5.3.5. Тезкор-куч сифатларини ривожлантириш услугига бўлган асосий талаблар

Юқорида айтиб ўтилганидек, юклама оғирлиги ва мушак қисқариши тезлиги ўргасида узвий боғлиқлик мавжуддир. Тезкор-куч сифатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда юзага келадиган масалалардан бири шу нарсага бориб тақалади. Юкламани танлашда оптимал оғирлик булиши керак ва шу билан биргаликда тезкор-куч тайёргарлигининг босқичи қандай тарзда ўзгаради?

Шу нарса аниқланганки, махсус юкламали машқларни максималдагидан 30—50% оғирлиги билан қўллаш тезлик сифатларини, қобилиятларининг сезиларли даражада ошишига ёрдам беради (таксминан 18 % гача). Максималдагидан 70—90 % қўлланилишида куч қобилиятларини оширади (19 % гача). Максималдагидан 50—70 % қўлланилишида эса тезлик, куч ва тезкор-куч сифатларининг пропорционал ривожланишига сабаб бўлади.

Бир машғулот пайтида тезлик ҳам куч тайёргарлиги воситаларини комплекс тарзда қўлланилиши анча самара бериши аниқланган.

Тезкор-куч сифатлари (қобилиятлари)ни амалга ошириш конкрет бир спорт турининг махсуслигига боғлиқ. Бу дегани, машғулот воситалари мусобақа машқларининг динамик тамойилларига (негизларига) мос бўлсагина самарали бўлади. Бунинг учун бир қанча ҳаракатнинг хусусиятлари қўлланилади: амплитуда ва йўналиш; максимум динамик ҳаракат, шунингдек, ҳаракат вақти билан баҳоланадиган ўртача ҳажм; ривожланиш тезлиги; мушакларнинг иш режими. Шундай қилиб, машғулотли машқнинг нейромотор спецификаси тезкор-куч тайёргарлиги жараёнининг зарур шартларидан бири ҳисобланади.

5.4. ЧИДАМЛИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Чидамлилик деб, қайсиdir бир фаолият давомида чарчоқни енгиз қобилиятига айтилади. Маълумки, чарчоқ танада ҳимоя функциясини бажаради ҳамда ишлаб турган органларни бут-

кул ҳолсизланишидан анча олдин ишчанликни (иш қоби-лиятини) вақтингча камайтиради.

Инсоннинг ҳар қандай фаолиятида организм тұлық иштирок этади. Лекин ишнинг ёки фаолиятнинг қандайлигига қараб тананинг қайсиdir айзоси ёки системаси кенг ұажмады катта вазифаны бажаради. Масалан, ақлий иш фаолиятида чарчоқ бош мия пустлогида, сенсор ишда тегишли бұлган анализаторларда, интенсив мушак фаолиятида мушак қисмларида пайдо бұлади. Үндан ташқари, чарчоқ характерига машқларда иштирок этадиган мушакларнинг ұажми сезиларлы таъсир күрсатади.

Тана алоқида бир қисмининг ишида чарчоқ асаб-мушак аппаратининг үзгаришида юзага келади. Барча мушакларнинг 2/3 қисми иштирок этувчи глобал характердаги ишда эса, чарчоқ нафас олиш йүллари ва юрак-қон системаларига болғық. Чарчоқ механизми иш пайтида ишнинг жадаллігі, ұажми ва бошқа омылларга күра аниқланади.

Шундай қилиб, ҳаракатлы вазифани ечиш жараённанда спортчи ҳар бир алоқида ҳолатларда чарчоқни енгиши лозим. Бундан шу нарса келиб чиқадыки, чарчоқ специфик бұлса, чидамлиликті доимо маҳсусдир. Демак, чидамлиликті тарбиялаш услугини мустаҳкамлаш учун, аниқ фаолиятда чарчоқнинг физиологик механизмини үрганиш лозим.

Чидамлиликті босқичи турли омыллар комплекси билан болғық: тана айзолари ва системаларининг функционал имканиятлари; техник маҳорат даражаси; спортчининг иродавий сифатлары ва танада құвват захирасининг қанчалигига боғлық.

5.4.1. Чидамлиликті турларининг тасиғи

Чидамлиликті аниқловчи әңг муҳым омыллардан бири — мушак фаолиятини құвват таъминловчи механизмнинг кучлигидир. Чидамлиликті аэроб, анаэроб ва аралаш (аэроб-анаэроб) характерга зерттеуден иборат. Жисмоний юкламанинг давомийлигига күра, мушак фаолиятини құвват (энергия) билан таъминлашында анаэроб ва аэроб жараёнлар ёки уларнинг комбинациялары етакчи үрін тутады (5- жадвал).

5- жадвал

Анаэроб ва аэроб жараёнлар

Максимал юклама вақти	Кувват ажралиши (ккал)			Тегишли ҳисса (%)	
	Анаэроб жараён	Аэроб жараён	Жами	Анаэроб жараён	Аэроб жараён
10 сония	20	4	24	83	17
1 дақ.	30	20	50	60	40
2 дақ.	30	45	75	40	60
5 дақ.	30	120	150	20	80
10 дақ.	25	245	270	9	91
30 дақ.	20	675	695	3	97
60 дақ.	15	1300	1315	1	99

Аэроб чидамлиликтининг физиологик асоси тананинг кислородни ютиши, ўтиши ва ҳаракатланиши билан боғлиқ воситалар ҳисобланади. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, аэроб чидамлилик кам специфик ҳисобланиб, унинг босқичи машқ техникасига деярли боғлиқ эмас, шунинг учун у юқори ўзгарувчанликка эга. Бу омилларга асосланиб, қўпчилик уни умумий чидамлилик деб атайди.

Анаэроб чидамлилик (уни тезкор чидамлилик деб ҳам айтишади) тананинг кислород етишмаслик шароитида ишни бажариш имкониятини таъминлаб берувчи бир қатор функционал воситаларини, вазифаларини аниqlаб беради.

Анаэроб чидамлилик жуда аҳамиятли ҳисобланиб, ҳаракат фаолиятини анча тежайди. Иш қуввати қанчалик камайса, унинг натижаси ҳаракат ҳолати (вазифаси)га шунчалик кам боғлиқ бўлади. Чидамлиликтин ўлчаш мақсадида кўплаб усувлар қўлланилади, уларни 5 та асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

1) тўхтовсиз специфик юкламани бажариш. Бундай машқлар кўпинча лаборатория ёки табиий шароитларда, турили анжом-ускуналарда бажарилади;

2) бир қанча параметрларга кўра, асосий юкламалардан ажралиб турадиган машғулотли тўхтовсиз юкламаларни

бажариш. Бу гурұхға тегишли тестларни яккакурашларда ва спорт үйинларыда құллаш мүмкін;

3) қатъий чегараланған дам олиш оралиқлари билан бажариладиган специфик, махсус юкламаларни қайтариб бажариш. Масалан, берилған вақт давомида максимал даражада зарба беришлар сони;

4) чегараланған вақт давомида катта ҳажмдаги машғулот-назорат вазифаларини бажариш. Бу гурұхға тегишли тестлар қоидага күра лаборатория шароитларыда, әргометрик воситаларда құлланилади;

5) мусобақа услубини құллаш.

Чидамлиликтік босқичи иш ҳамда тикланиш жараёнида юрак қисқариши, нафас олиш частотаси, кислородны максимал құллаш, машғулотлы машқелар ва назорат машқеларини, үрингүй ва динамик харakterдаги ҳаракатларни бажариш орқали аниқланади.

5.4.2. Аэроб (умумий) чидамлиликтік мустақамлаш услубы

Аэроб чидамлиликтік мустақамлаш мақсадида амалиётда стандарт тұхтовсиз ва интервал юкламалы қатъий регламентдеги машқелар көнг құлланилади.

Тұхтовсиз юкламалы стандарт қатъий регламентлаштирилген машқелар услуби аэроб (умумий) чидамлиликтік оширишни таъминлайды ва түрли услубдаги машғулоттарни құллашда мустақам база яратышга ёрдам беради. Қатъий регламентлаштирилген услуга күра бажариладиган машғулотлы машқелар 10 дан 30 дақықагача давом этади, юрак қисқариш частотаси шу жараёнда 1 дақықада 150—175 мартага этади. Машқни бажарышнинг бундай режими юрак уриш ва кислород билан озиқланиш ҳажмини оширади. Лекин шуны ҳам эсдан чиқармаслик керакки, ҳаддан ташқари күп давом этадиган (тұхтовсиз) ишда аксинча, кислород ҳажми анча камайиб, салбий таъсир үтказади. Шунинг учун, қатъий регламентлаштирилген машқелар услубини чидамлиликтік ривожлантиришнинг илк давларыда көнг құллаш ва үнга күникош лозим.

Интервал юкламали қатъий регламентлаштирилган машқулар услуби бўйича машғулот юракнинг функционал имкониятларини оширишга қаратилган.

Интервал юкламали машғулотларда бир қанча услугий талабларни бажариш лозим. Иш давомийлиги 1—3 дақиқа атрофида бўлади. Иш жадаллиги юрак қисқариш частотасининг ўсишига (машқ охирига яқин 1 дақиқада 170—180 та уради) ёрдам беради. Дам олиш интервали ҳар бир машқ оралигига тахминан 45—90 сония.

Ушбу услуг (интервал юкламали қатъий регламентлаштирилган машқ, услуби) бўйича бажариладиган машғулотлар самараси 6—12 ҳафтадан кейин кўзга ташланади. Бунда аэроб чидамлиликнинг 10—30 % га ўсиши кузатилади.

Иккала услубда қўшимча омил сифатида машқнинг паст жадал бўлган қисмида юрак қисқариш частотасининг иш жараёнида 1 дақиқада 170 дан, иш охирига келиб 140 марта уришга тушиши ва жадаллик алмашиши кузатилади.

5.4.3. Анаэроб чидамлиликни мустаҳкамлаш усуллари

Ушбу услуг анаэроб шароитда қувват таъминлашнинг иккита асосий йўлларининг ҳажм даражасини оширишга қаратилган бўлиб, улар алактат ва лактат йўллардир. Шу мақсадда юклама қуидаги усулда тақсимланади (6- жадвал).

6- жадвал

Анаэроб чидамлиликни мустаҳкамлашга қаратилган юкламанинг асосий параметрлари

Машғулот самарасининг йуналиши	Машқлар давомийлиги	Машқлар жадаллиги	Дам олиш вақти	Қайтаришлар сони
Алактат	5—10 сония	90—100 %	2—3 дақ., ҳар бир қисм орасида 4—6 дақ.	Бир қисмда 3—4 (5—6 та қисм)

6- жадвалнинг давоми

1	2	3	4	5
Лактат	30 сон.—2 дақ.	85—95 %	10—45 сония, қисм орасида чегараланмаган	4—12 бир қисмда (4—10 та қисм)

Анаэроб характердаги юкламаларни рационал қўллаш натижасида мушакларда анаэроб алмашинув ферментлари фаоллигини ошишига ва гликолиз жадалликни фаоллашишига ёрдам беради. Юқори малакали, тажрибали спортчиларда анаэроб чидамлилик ўсиши тахминан 8—12 ҳафта давомида 15—20 % га етади.

5.4.4. Куч чидамлилигини мустаҳкамлаш усуллари

Ушбу усул тананинг кислородни самарали ишлатишга, мушаклардаги анаэроб ва аэроб жараёнлар, спортчининг оғриқقا бўлган руҳий чидамлилиги кабиларга бўлган қобилиятига комплекс таъсирини таъминлайди.

Мушакларнинг ишчи гуруҳларига юқори талаблар қўядиган, маҳсус тайёргарлик машқларини бажаришда куч чидамлилиги анча тез ривожланади. Бундай машқларни бажаришда шарт-шароитларни ҳам ҳисобга олиш лозим.

Мушаклар ишининг асосий режими сифатида динамик режимни қўллаш тавсия этилади. Айрим ҳолларда статик режимдаги машқлар қўлланилади. Давомий машқларда оғирлик ҳажми субмаксимал ва катта қувватли ишларда 40 дан 60 % гача бўлади. Максимал ва қисқа вакъти субмаксимал қувватдаги машқларни бажаришда қаршилик 70—100 % га етади.

Машқларни бажариш суръати мусобақали машқларникуга яқин бўлиши лозим. Машқларнинг давомийлиги спортчининг қанчалик тайёр эканлигига боғлиқ. Қойдага кўра, машқ давомийлиги тахминан 30 сониядан то 2 дақиқагача, айрим

ҳолларда 5—10 дақиқа, статик характердаги ишда эса 10 дан 30 сониягача давом этади.

Узоқ давом этадиган машғулотларда қайтарилишлар орасидаги дам олиш оралиқлари ишлаш қобилиятини тиқлашга етиши керак. Юрек қисқариш частотаси бунда иш даражасига этади ёки ундан 3—5 % га ошади.

Куч чидамлилигини мустаҳкамлаш услуги бүйича машғулот натижасида мушакларда қисқартырувчи оқсиллар, капиллярлар ва миоглобиннинг ошиши, кислородни гемоглобиндан мушак тұқымаларига ўтиш функциясининг мустаҳкамланиши, руҳий мувозанатни тананинг ички ва ташқи мұхит ўзгаришига күникиши ва организмнинг анаэроб қобилияті үсінши күзатилади.

5.5. ЭГИЛУВЧАНЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

5.5.1. Эгилувчанлик тавсифномаси

Эгилувчанлик, бу — инсоннинг бажарилаёттан ҳаракатда катта амплитудада эришиш қобилиятидир. Назария ва амалиётда „эгилувчанлик“ атамаси бүғимлар (бүғинлар)нинг ҳаракати түгрисида ғап кеттанды көңг күлланилади. Шунга күра „эгилувчанлик“ атамасини тұғри, яғни алоқида бүғим „ҳаракатчалигини“ назарда тутган ҳолда күллаш лозим. Эгилувчанликни бир қанча турларға бұлиш мүмкін.

Фаол эгилувчанлик — мушаклар кучи ёрдамида катта амплитудадаги ҳаракатларни бажарып қобилияті.

Пассив эгилувчанлик — катта амплитудадаги ҳаракатларни ташқи күчлар ёрдамида бажарып қобилияті: оғирликлар, шерик кабилар. Пассив эгилувчанлик ҳажми фаол эгилувчанлик күрсатқычларидан юкори бўлади.

Динамик эгилувчанлик — динамик характердаги машқларда юзага келадиган эгилувчанлик.

Статик эгилувчанлик — статик характердаги машқларда юзага келадиган эгилувчанлик.

Умумий эгилувчанлик — катта амплитудадаги ҳаракатларни анча йирик бүғимларда ва турли йұналишларда бажарып қобилияті.

Махсус эгилувчанлык — катта амплитудадаги ҳаракатларни спорт ихтисослигига тұлиқ мөс келадиган бүгім ва йұналишларда бажариш қобилияти.

Катта амплитудадаги ҳаракатларни бажариш бир қатор ички омилларға ҳам боғлиқ, яғни бүгімларнинг тормоз элементлари ва бошқалар. Лекин инсон бүгімларида ҳаракатнинг эң асосий чегараланғанлиги бүгімларни ўраб турувчи мушакларнинг үзаро қаршилигидір. Тормозланиш мушаклар таранглашиши, үзилиши, тонусининг үсишидан юзага келади, бу эса ҳаракат амплитудасининг қисқаришига олиб келади.

Ички омиллардан ташқари, ташқи омиллар ҳам эгилувчанликка таъсир үтказади, жумладан, ёш, жинс, гавда тузилиши, кун вақты, өнер, енгил машқлар ва бошқалар.

Тажрибалардан аниқланғанки, 15—20 ёшдан кейин ҳаракат амплитудаси камаяди. Эгилувчанликни ривожлантиришда шуни эсдан чиқармаслик керак: у суткали даврга ҳам боғлиқ бұлади. Эгилувчанликнинг эң самарали күрсаткичи 12 дан 17 гача вақт оралигига бориб тақалади. Тана қанчалик ёш бұлса, суткали үзгарувчанлик шунча күп бұлади, бу нарса ҳаракатта ҳам боғлиқ.

Локал өнер қызметтерінде ғана әгилувчанлик күрсаткичлари 11,6 % га камаяди, пассив әгилувчанлик эса 9,5 % га ошади. Ғана әгилувчанлик мушаклар күчининг камайиши натижасыда пасайиши күзатылади, пассив әгилувчанлик эластик мушаклар яхшиланиши натижасыда ошади.

Бүгімлардаги ҳаракатчанлик бурчак бирлигінде, чизгіч ёрдамида гониометр үлчовида үлчанади.

Түрли ҳаракатлар амплитудаси түғрисида аниқ маълумоттарни олиш учун кинога олиш, циклография, рентген тасвир, ультратовуш локация ва шунға үшінші услублар құлланылади.

Ҳаракатчанликни аниқлашда бир қатор услугий талабларни бажариш лозим:

- үлчовни күннинг эрталабки соатларида олиб бориши керак;
- үлчащдан олдин үсуған амплитудали машқларни үзида жамлаган енгил машқ бажарып үтиш керак;
- үлчовни өнер қызметтерінде бажариш тавсия этилмайди.

5.5.2. Эгилувчанликни тарбиялаш услубининг асослари

Чўзилувчан машқларни бажариш. Эгилувчанликни ривожлантиришнинг асосий воситалари чўзилувчан (оддий ҳаракатлар, пружинасимон, силкитма, ташқи ёрдам орқали ва бошқа ҳаракатлар) машқлар ҳисобланади. Бу машқлар асосан марказий асаб системаси орқали амалга оширилади.

Бу машқларни бажаришда бир қанча услубий шартларни бажариб ўтиш лозим:

- 1) машқларни бажаришдан олдин албатта енгил машқни киритиш;
- 2) аниқ мақсадларни қўйиш (тананинг ёки предметнинг махсус бир жойига тегишига ҳаракат қилиш);
- 3) махсус кетма-кетликда бир неча марта чўзилувчан машқларни бажариш: гавдага тегишли, пастки ёки юқориги қисмларга қаратилган;
- 4) чўзилувчан машқлар орасида бўшашибтиришга қаратилган машқларни ҳам бажариш;
- 5) машқларни бажаришда уларнинг амплитудасини секин-аста ошириш;
- 6) ҳаракатчанликни ривожлантиришнинг асосий услуби такрорланувчи услуг эканлигига асосан иш кўриш;
- 7) эгилувчанликни мустаҳкамлашнинг асосий омилларидан бири бўлган руҳий тайёрликни, фаол ўз-ўзини қўллаб-кувватлашни амалга ошириш;
- 8) фаол-динамик ҳаракатчанликни ривожлантиришга қаратилган машғулот жараёнида фаол-динамик ва изометрик машқларни бажариш.

Шу нарса аниқланганки, бир-икки ой давомида ҳар куни икки мартадан катта ҳажмдаги (25—50 марта қайтаришлар билан) машғулотларни бажариш натижасида эгилувчанлик анча тез ва мустаҳкам ривожланиб боради. Эгилувчанликни фақат рационал спорт техникасига эга бўлиш даражасига етишгунга қадар яхшилаш лозим, ундан юқори бўлса жисмоний жиҳатдан анча мураккаб бўлади. Ундан ташқари, эгилувчанлик захираси ҳам бўлиши лозим.

Чўзилувчан машқлар ҳам фаол, ҳам пассив эгилувчанликни оширади. Катта амплитудадаги кучли машқлар фаол эгилувчанликни яхшилади. Бундай машқларни комплекс бажариш натижасида эгилувчанлик секин-аста мустаҳкамланиб боради. Энг яхшиси ўртача ҳажмда бўлган юкламаларни бажариш лозим.


Юқорида айтиб ўтилганидек, чарчоқ пайтида фаол эгилувчанлик ёмонлашади, яъни бунда ҳаракатни амалга оширувчи мушаклар кучи камаяди. Пассив эгилувчанлик эса мушакларнинг эластиклиги ва қизиши натижасида ошади. Шунга кўра, куч қобилиятларининг пасайиши даврида фаол эгилувчанликни оширишга қаратилган машқларни бажариш тавсия етилмайди.

Динамик машқларни бажаришда фаол эгилувчанликни ўртача 19 % га, пассив эгилувчанликни эса 11 % га ўсишига олиб келади. Статик машқларни бажаришда эса фаол эгилувчанлик 13 % га, пассив эгилувчанлик эса 20 % га ўсиши кузатилади. Динамик ва статик характердаги машқларни кетма-кетликда бажариш натижасида фаол эгилувчанлик 18 % га, пассив эгилувчанлик эса 19 %га ўсиши мумкин. Табиийки, динамик (мушак-антагонистлар кучини оширувчи) ва статик (мушак-антагонистлар чўзилувчанлигини оширувчи) характердаги машқларни кетма-кетликда бажариш энг самаралиси ҳисобланади. Уларни қайтариб бажариш ҳам ўз самарасини бериши шак-шубҳасиз.

Эгилувчанлик кўрсаткичларининг ошиши, юклама ҳажмининг ўсиши, яъни мушак-боғлам аппаратини секин-аста ортиб бориши натижасида кузатилади. Динамик машқларда бу нарсага машқларни 40—60 марта қайтариб бажаришда, статик характердаги машқларда эса иложи борича машқларни мушакларни чўзилиш ҳолатида 30—40 сония вақтгача ушлаб туришда эришиш мумкин.

Доимий эски услублар ҳар доим ҳам зарурий эгилувчанлик жараёнини таъминламаслигини ҳисобга олиб, жисмоний тайёргарликни ривожлантириш мақсадида янги услублар, йўналишлар ишлаб чиқилмоқда. Уларга мушакларга бутун узунлиги бўйича таъсир ўтказадиган машқларни мисол қилиш мумкин.

И.Н. Скопинцованинг (1970) электромиографик тажрибалари шуни кўрсатдеки, ишнинг ҳажми ва турига қараб мушакларнинг бир қанчаси алоҳида, эркин равишда ҳаракатланар экан. Шунинг учун барча мушаклар ҳам бир хилда ўсишига эриша олмайди. Натижада, қайси бир мушаклар тўхташи, қайсилариdir анча фаол иштироки билан бирор-бир жойда оғриқ пайдо булиш эҳтимоли бор. Мушаклар ўсишига қаратилган бир хилда бажариладиган машқлар эгилувчанликни ривожлантиришда унчалик ҳам самара бермайди. Бунинг учун турлича машқлар комплекси бажарилиши лозим.



8- раэм. Мушакларга таъсир ўтказувчи машқларни бажариш услуби:

a—букилган тизза билан; *b*—бир оз букилган тизза билан;
c—текис тизза билан.

Мушаклар ҳар бир қисмининг максимал даражада ўсишига қаратилган машқлар жамланмасини бажариш билан эгилувчанликни тұлық ривожлантириш мүмкін (8-расм). Бундай услубни құллаш билан жароҳатлар ва оғриқларни енгишга, мушакларни мустаҳкамлашта, ҳаракатчанликни ривожлантиришта әришилади.

Фаол ва пассив машқларнинг самарадорлиги уларни бажариш ҳажми ва тезлигига боғлиқ. Мушаклар таранглашган пайтда асосан секин ҳаракатлар, пассив характердаги машқларни бажариш тавсия этилади.

Мушакларнинг биомеханик стимуляцияси. Охирги йилларда биомеханик стимуляция деб аталғыш бүгімлар ҳаракатини ўсиш услуги ривожланмоқда. Биомеханик стимуляция мушакларнинг үртача таранглашуvida максимал самара беради, мушаклар тонуси режими ошади, унда қон айланиши яхшиланади, оғриқлар йүқолади. Мушакларни биомеханик стимуляцияси күп йиллик иш жараёнида эгилувчанликни анча мустаҳкамлайды. Қызларда 14—15 ва 16—17 ёшда юқори суръатда кузатилади, үғил болаларда эса бундай юқори суръат 9—14 ва 15—16 ёшда бўлади (А.А.Гужаловский).

5.5.3. Қадди-қоматни шакллантириш

Қадди-қомат инсон танасининг доимий ҳолати булиб, нормал қадди-қомат учун қуйидагилар характерлидир: гавда ва бошнинг таянч майдонига нисбатан перпендикуляр ҳолати, бүйин ва елкаларнинг симметриклиги, куракларнинг бир тизимда бўлиши, бутун бир умуртқа поғонасининг физиологик букилиши, гавда тузилишининг ён томонларини бир хилда бўлиши, оёқларнинг бир хил баландлиги, скелет мускулатурасининг симметриклиги, тананинг вертикал ўқи кабилар. Тананинг тўғри ҳолати умуртқа поғонасини үраб турувчи мушаклар ва бўғимларнинг тўғри жойлашганлиги билан ифодаланади.

Бундай қоматга эга инсонлар текис ва тўғри юришади. Тўғри қадди-қомат умуртқа поғонасининг амортизацион хусусиятларини оширади, тананинг ички аъзолари ва ҳаракат аппаратининг ишини яхшилайды; мушаклар таранглашуви камайтиради ва ўз-ўзидан анча эркин, енгил ҳаракатланишга ёрдам беради.

Қадди-қомат бузилишининг энг асосий сабабидан бири — умуртқа поғонасининг нотўрилигидадир. Асосий бузилишлар — бел орқа қисмининг яссилиги, ёйсимонлиги ва ассиметрик қомат ҳисобланади.

Ясси бел умуртқа поғонаси физиологик букилишининг текислиги билан ифодаланади. Ундан ташқари, кўкрак қафасининг меъёрдан камлиги. Бунга сабаб — боланинг ҳали бақувватлашмаган умуртқа поғонасида куп ўтириб, эгилиши, ҳаракат аппарати, бел мушаклари ҳамда тос-сон буғимларининг кучсизлигидир.

Ёйсимон бел орқа белнинг ташқаридан нормал кўринишдан фарқланиши билан ифодаланади. Оғирлик маркази бел қисмига тушади, кўкрак қафаси кучсиз, елкалар олдинга чиқкан. Бунга сабаб — умуртқа поғонасига иш пайтида ортиқча юклама берилганлиги (партада ёки станок олдидা), шунингдек, умуртқа поғонасининг юқ билан ҳаддан ташқари кўл букилиши.

Ассиметрик (сколиотик) қомат гавда ўнг ва чал қисмларининг нопропорционал тузилганлиги билан ифодаланади (умуртқа поғонаси чапга ва ўнгга букилади). Елка ва курак бир томондан пастга қарайди. Бундай қоматта асосан нотўғри ўтирганлик, оғирликни доим бир қўлда кўтариш, умуртқа поғонаси мушакбоғлам аппаратининг кучсизлиги сабаб бўлади.

5.5.4. Тўғри қадди-қоматни сақлашни ўрганиш

Қадди-қоматнинг шаклланишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади: қондошлиқ, турмуш тарзи, яшаш шарт-шароитлари, овқатланиш, ишлаш ҳамда дам олиш меъёри, жисмоний тарбия кабилар.

Маълумки, тўғри қадди-қомат ўз-ўзидан шаклланмайди. Уни ёшлиқдан бошлаб доимий равища шакллантириб бориш лозим. Бунинг учун энг маъқул йўл — жисмоний тарбия. Асосан, статик характердаги машқларни бажариш тавсия этилади (девор олдидা тўғри туриб, турли предметларда бажариш ва ҳ.к.). Кейинчалик эса умуривожлантирувчи машқларга ўтилади. Лекин, унутмаслик лозимки, жисмоний юклама берилганига яраша дам олиш ва шунга яраша овқатланиш ҳам

керак. Овқатланишда оқсиллар ва витаминларга бой бўлган овқатлардан кўпроқ истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Болаларни сувга, умумривожлантирувчи гимнастика ва бадантарбияга иложи борича қаттиқроқ жойда ётишга ўргатиш зарур.

Қоматни шакллантиришда барча мушакларни мустаҳкамлаш, тос-сон қисмларининг эгилувчанлигини ривожлантириш, бўғимлар ҳаракатини мустаҳкамлашга эътибор қаратиш яхши натижага беради.

Қадди-қоматни тўғри шакллантиришда икки муҳим босқични ажратиб курсатиш мумкин: тайёрлов босқичи ва асосий босқич. Тайёрлов босқичида маҳсус машқлар орқали умуртқа поғонаси эгилувчанлигини ошириш ва айрим жисмоний қобилияtlарни мустаҳкамлаш вазифаси ҳал этилади. Асосий босқич вазифаси эса, юқорида айтиб ўтилган барча амалларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан иборат. Бунда ўз-ўзини назорат қилиб туришни ҳам канда қилмаслик керак, яъни ойна олдида туриб, барча машқларининг тўғри бажарилаётганини кўриш ва хатоларни тўғрилаш лозим (қўл, оёқ, бел, тос ҳаракатини кўриш). Яна, мушакларни бўшаштириш ҳамда мувозанатни сақлай билишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш керак. Қадди-қоматни тўғри шакллантиришда юқоридаги амалларга таяниб иш кўрилса, албатта ўз самарасини беради.

VI БОБ

СПОРТ МАШГУЛОТИ ЖАРАЁНИДА РЕЖАЛАШТИРИШ, НАЗОРАТ ВА ҲИСОБОТ

6.1. РЕЖАЛАШТИРИШ МАЗМУНИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Режалаштириш, назорат ва ҳисобот спортчини тайёрлашни бошқаришнинг таркибий элементларидир. Спортчиларни режалар ишлаб чиқишга, бажарилган ишларни маълум вақтда таҳлил қилишга эътиборларини қаратишида, жалб қилишда шуғулланувчилар режалаштириш ва назоратни қай тарзда тушунишлари, уни мазмуни ва технологиясининг аҳамияти қандайлигини англашларига алоҳида эътибор бериш керак.

Режалаштириш деганда, аввалинбор, турили вакт оралиғига мулжалланган режалар тизимини ишлаб чиқиш жараёни тушунилади. Ушбу режалар тизими асосига бир-бири билан узийи боғлиқ мақсад ва вазифалар мажмуюи ҳамда спорт машгулоти моҳияти киради. Спортчини тайёрлаш жараёнида машгулотнинг мақсад ва вазифалари, восита ва усуллари, машгулотлар ва мусобақалар юкламаси ҳажми, спортчи танасидаги ички ва ташқи узгаришлар, машгулотлар самарадорлиги, ўкув-машгулот ишлари, дам олишлар сони, тикланиш жараёнлари тизими, назорат нормативлари, тарбиявий ишлар, машгулот ва мусобақа шартлари режалаштириш предметлари ҳисобланади.

Ўз навбатида, машгулот режаси алоҳида ҳужжат ҳисобланиб, унда машгулотли ва машгулотлардан ташқаридаги машқларнинг маълум йўналиши, мазмуни, тизими, кетма-кетлиги ва бажарилиш муддатлари жой олган бўлади. Улар мураббий ва спортчи олдига қўйган катта ва кичик, яқин ва узоқ вазифалар билан боғлиқдир. Илмий асосланган режалар мураббий ва спортчи ҳаракатларида кутилмаган нокулайликлар,

салбий оқибатларни даф этишга ёрдам беради. Шунингдек, ортиқча вақт, күч ва моддий харажатларнинг сарфланмаслигига, танланган спорт туридан юқори натижаларга эришишда ҳам ёрдам беради. Машғулот алоҳида спортчига ёки бўлмаса жамоага режалаштирилаётганига қараб индивидуал ҳамда умумий (гуруҳли) режалаштиришга бўлинади. Аралаш режалар (индивидуал-гуруҳли) камдан-кам ҳолларда ишлаб чиқилади.

Режалаштирилаётган давр давомийлигига қараб куйидаги турдаги режаларни ажратиш мумкин: кўп йиллик, йиллик, ойлик (мезоциклга), ҳафталик (микроциклга), бир кунлик, битта машғулотта аталган. Индивидуал режалар қисқа даврга ҳам (микроцикл, мезоцикл, босқич, давр, йил), узоқ даврга ҳам (4 йил ва ундан кўпроқ) ишлаб чиқилиши мумкин. Узоқ муддатли индивидуал режалар асосан жуда тажрибали спортчиларга тегишли бўлади (спорт усталигига номзод ва ундан юқори). Гуруҳли режалаштириш авваламбор жамоага ишлаб чиқилади (спорт ўйинларида).

Шуни эътиборга олиш лозимки, режалаштириш — мураббийнинг ўкув-машғулот жараёнини бошқаришдаги энг етакчи ва муҳим омил ҳисобланади (жадвалга қаранг). Бошқаришнинг марказий нуқтаси, ядроси *машғулот дастури*, машғулот дастури эса спорт педагоги (мураббий) ва унинг ўкувчиларига бошқарув ҳисобланади. Унинг ёрдами билан мураббий спортчилар тайёргарлигининг ривожланиши, натижаларнинг ўсишини бошқариб туради. Баъзи пайтларда мураббий дастурга ёки режага мажбурий ёки мажбурий бўлмаган ўзгаришлар киритиши кузатилади. Бундай пайтларда спортчи режалаштирилган вазифани ёки ортиғи билан (олдинроқ) бажаради ёки кечроқ якунлашига тўғри келади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, режалаштириш, назорат ва ҳисбот (башоратлаш) узвий боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб туради. Спортчилар машғулотини режалаштириш жараёни бир-бири билан боғлиқ бўлган қуйидаги босқичларни уз ичига олади:

- 1) спортчининг бўлажак ҳолати моделини тузишга қаратилган машғулот лойиҳасини ишлаб чиқиш босқичи;
- 2) тайёргарлик режасини амалга ошириш босқичи;
- 3) уни ўзгартериш ва унга тузатишлар киритиш босқичи.


Мазкур босқичлар спортчи машғулотини режалаштириш-

нинг барча кўринишларига тегишилидир. Бироқ, босқичларнинг тузилиши бажарилиш режасига қараб турлича кўринишда булиши мумкин. Масалан, кўп йиллик машғулот режасини тузиш таркиби, бир йиллик машғулот режасидан фарқланади. Бунда босқичлар сони, ёш чегараси, давомийлиги асосий фарқлаб турувчи ҳисобланади.

Машғулотни кўп йиллик режалаштириш

Спортчиларни тайёрлашнинг кўп йиллик режаси 2—3 ва ундан кўп йилга мўлжалланиб, спортчиларнинг ёши, тайёргарлиги, спорт стажи ва бошқа омилларга қараб тузиб чиқиласди. Кўп йиллик режа ишлаб чиқишида қўйидагилар асос бўлади: юқори натижаларга эришиш учун тайёргарлик давомийлиги, спортчиларнинг оптимал ёши, индивидуал хусусиятлари, моддий-техник таъминот ва бошқа омиллар.

Ҳар бир спорт турида спорт устаси нормасини бажариш муддати у қайси спорт тури эканлигига боғлиқ. Масалан, аёллар учун гимнастикадан спорт усталигини бажариш учун тахминан 6 йилдан кўпроқ вақт талаб этилади (албатта бу спортчининг ўзига ҳам боғлиқ), волейболда эса 3,5 йил. Демакки, кўп йиллик режа тузишида ҳар бир спортчига юқори натижаларга эришишида тахминий йил үрнатиш мумкин. Ўртacha ҳисобда олганда битта разряддан бошқа разрядга ўтишида 1—1,5—2 йил машқ қилиш талаб этилади. Шунингдек, спорт турига қараб спорт маҳоратининг ошиш даври ҳам турлича. Масалан, сузиш спортини оламиз (9-расм).



9-расм. Сузиш спортида маҳоратни ошириш даври.

Сузишда III разряддан II га ўтиш учун тахминан 1 йил керак ёки спорт устасидан XTCУни бажариш учун 2,5 йил вақт керак (албатта бу спортчи маҳоратига боғлик).

Күп йиллик режани түгри куришда қандай ёш даври юқори натижаларга эришишда энг мақбули ҳисобланишини билиш керак. Ҳозирги пайтда спорт натижаларининг күп йиллик динамикасида учта ёш зоналари ажралиб туради: 1) биринчи катта ютуқлар зонаси; 2) оптимал имкониятлар зонаси; 3) юқори натижаларни (ютуқларни) сақлаб туриш зонаси.

Турли спорт турларида спорт натижалари зоналарининг ёш чегараси турлича бўлади. Бунда эркак ва аёлларнинг қўрсаткичлари олинади. Күп йиллик режалаштириш спортчиларнинг „Спорт устаси“ нормасини иложи борича биринчи зонада бажаришга қаратилиши лозим.

7- жадвал

Турли спорт турларида спорт ютуқларининг ёш зоналари (З.Важни ва Д.Мишев бўйича)

Спорт тури	Биринчи катта ютуқлар зонаси		Оптимал имкониятлар зонаси		Юқори натижаларни сақлаб туриш зонаси	
	Эркаклар	Аёллар	Эркаклар	Аёллар	Эркаклар	Аёллар
Сузиш	11—17	12—15	18—22	16—20	23—25	21—23
Гимнастика	19—21	15—18	22—27	19—24	28—32	25—30
Қиличбозлик	19—21	17—19	22—28	20—26	29—32	27—30
Велоспорт	19—21	17—19	22—26	20—14	27—30	25—28
Яккакурашлар	20—23	—	24—28	—	29—32	—
Оғир атлетика	20—24	—	25—30	—	31—34	—
Бокс	18—20	—	21—25	—	26—28	—
Эшқак эшиш	17—20	16—18	21—25	19—24	26—28	25—28
Баскетбол	20—22	16—18	23—26	19—25	27—30	26—28
Футбол	21—22	—	23—26	—	27—30	—
Ўқотиши	20—25	18—20	26—30	21—30	31—40	31—40
От спорти	23—25	20—22	26—30	23—25	31—40	26—30

7- жадвалнинг давоми

1	2	3	4	5	6	7
Сув полоси	20—21	—	22—25	—	27—30	—
Енгил атлетика: 100 м га югуриш	19—21	17—19	22—24	20—22	25—26	23—25
1500 м га югуриш	23—24	—	25—27	—	28—29	—
Марафон	25—26	—	27—30	—	31—35	—
Баланд сакраш	20—21	17—18	22—24	19—22	25—26	23—24
Узунл.сакраш	21—22	17—19	23—25	20—22	26—27	23—25
Диск улоқтириш	23—24	18—21	25—26	22—24	27—28	25—26
Бешкұраш	—	21—22	—	23—25	—	26—28

Ү ёки бу спорт тури спецификасини күп жиҳатдан келажак режанинг алохіда бұлымлари аниқлады. Натижалари объектив ҳажмларда үлчанмайдыган спорт турларыда спортчиларнинг күрсаткичлари динамикасини бир қатор назорат күрсаткичлари ёритиб беради. Мисол учун яkkакурашларда бу: 1) ҳаракатлар техникаси ҳажми; 2) күп қирралыл; 3) самараңдорлык; 4) жисмоний қобилиятларнинг үсиш босқичи; 5) руҳий ривожланиш ҳолатларыда күринади.

Қоидага күра, индивидуал перспектив режалаштириш күйидеги бұлымларни үз ичига олади:

1. Спортчининг қисқа тавсифномаси.
2. Күп үйлілік машғулотларнинг асосий мақсад ва вазифалари.
3. Тайёргарлик босқичлари ва уларнинг давомийлиги.
4. Ҳар бир босқичдеги асосий мусобақалар.
5. Машғулот жараёнининг асосий йұналишлари.
6. Ҳар бир босқичда машғулоттар, беллашувлар ва дам олишнинг белгиланиши.
7. Спорт-техник күрсаткичлар.
8. Спортчи тайёргарлигининг турли томонларини тавсифловчы назорат меъёрлар.
9. Машғулотнинг асосий воситалари.
10. Машғулот юкламаларининг тахминий ҳажми ва самараңдорлиги (босқичлар буйича).
11. Педагогик ва тиббий назорат (текширув).

Йиллик режа, унинг таркиби ва ишлаб чиқиши услуби

Йиллик режа одатда күйидаги бўлимлардан ташкил топган бўлади: спортчининг қисқача тавсифномаси; бир йилга мулжалланган асосий мақсад ва вазифалар; йил давомида бўладиган асосий мусобақалар тақвими; тайёргарлик цикллари; назорат меъёrlари; кўшимча воситаларни қўллаш; педагогик ва тиббий текширув ва бошқалар.

Йиллик режалаштириш ишлари келаётган жорий йил учун машғулот тавсифномасини тузишдан бошланади. Бу эса спортчининг жисмоний хусусиятлари, тайёргарлиги динамикаси, спорт формаси, машғулотлар юкламасини ўз ичига олади. Тавсифнома албатта асосий хато ва камчиликлар, тегишли хуласаларнинг таҳлили билан якунланиши лозим. Бу келажакдаги ишлар йўналишини аниқлаб беради.

Кейин, аниқ мақсадларга қаратилган йилнинг барча мусобақаларининг аниқ тақвими киритилади (асосий, саралаш, иккинчи даражали машғулотли мусобақалар). Масалан, асосий ва саралаш мусобақаларида маълум бир натижани кўрсатиш, иккинчи даражали мусобақаларда янги тактик варианти қўллаб кўриш, янгиликларни текшириб кўриш.

Кейинги босқич — тайёргарликнинг цикллилигини ҳамда спорт формаси динамикасини аниқлаш. Тайёргарлик циклини ўрнатиб бўлгач, тайёргарлик турлари бўйича (жисмоний, техник, тактик ва бошқалар) машғулот жараёни таркибини, сўнг эса юкламалар ҳажми ва хусусиятини аниқлашга ўтилади.

Йиллик режалаштириш режа-график, жадвал ёки жадвал-график кўринишида бўлиши мумкин. Амалиётда қўлланадиган машғулотни кўп қиррали режалаштириш мураббийга анча кенг имкониятларни яратиб беради.

**Үрта масофаларга югуришда чуқурлаштирилган спорт маҳоратини мустаҳкамлаш босқичидаги
бир йиллик машғулотнинг тахминий режаси (19 ёш ва ундан катталар)
(Я.Г.Травин ва А.Л.Фруктов бўйича)**

Машқ- ларнинг бирор си- фатини ривожлан- тиришига йўналти- рилган тизими	Машғулот воситалари	Йиллик циклда асосий воситалар ҳажмини жойлаштириш												Йил- лик ҳаж- ми	
		Тайёргарлик босқичи						Мусобақа босқичи							
		Кузги-қишики тайёргарлик босқичи			Баҳорги тайёргарлик босқичи			Мусобақанинг илк босқичи			Асосий мусобақалар босқичи				
		О й л а р													
		XI	XII	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X		
УЖТ даражасини (холатини) ошириш	Снарядларсиз умумривожлан. машқлар, соат	5	4	3	2	2	2	2	2	2	2	2	2	50	
	Снарядлар билан умумрив.машқлар, соат	4	4	3	2	2	2	1	1	1	1	1	1	25	
	Снарядларда бажар. машқлар	1	1	1	1	1	—	—	—	—	—	—	—	5	
	Спорт ўйинлари, соат	8	8	6	6	4	3	2	1	1	1	2	8	50	

8-жадвалнинг давоми

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
Техника- ни мус- таҳкам- лаш ва тезлик қоби- лиятла- рини ривожлан- тириш	Махсус югуриш машқлари, км	—	2	2	3	3	3	1	1	1	1	1	1	—	18
	Тезланишлар билан югуриш	—	1	1	2	2	3	3	3	3	3	3	3	1	25
	Юқори ва паст стандартдан юг., км	—	—	0,5	0,5	0,5	1,0	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	—	5,0
	Тепаликка югуриб чиқиш ва тушиш, км	—	—	—	—	—	1	2	2	1	—	—	—	—	6
	Умумий чидамли- ликни ривож- лантириш	Секин суръатда югуриш, км	130	130	120	120	110	120	110	110	110	100	100	110	1370
Иродавий, тактик ва мусобақа тайёргар- лигини ошириш	Узоқ масофага югуриш, км	150	140	130	120	90	90	70	70	60	60	70	130	—	1170
	Шоссе бўйлаб югуриш, км	—	20	30	40	50	60	40	30	20	10	10	—	—	310
	Ўзгарувчан кросс югуриш	10	10	20	30	40	60	60	50	50	50	40	30	—	450
	Машғулотларни мураккаблашган шароитларда олиб бориш	—	—	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	—	
Тактик усусларни қўллаш	—	—	—	+	+	+	+	+	+	+	+	+	—		
	Контроль югуриш	—	—	+	+	+	+	+	+	+	+	+	—		

Ойлик (мезоциклли) ва ҳафталик (микроциклли) режалаштириш

Йиллик режалаштириш асосида машғулот режасини, анча қисқа даврдаги машғулот жараёнини тузиб чиқиш мумкин (босқич, ой (мезоцикл), ҳафта (микроцикл), машғулот куни ва алоҳида машғулот).

Спорт амалиётида машғулотни ойлик ва ҳафталик режалаштириш кенг қўлланилади. Машғулотни мезо ва микроциклларда режалаштиришда қуидагиларни инобатга олиш зарур:

1. Машғулотни ривожлантиришга қаратилган йўналиши (чиdamлилик, куч, тезлик ва координацион сифатларни ривожлантириш; техник тайёргарликни мустаҳкамлаш).
2. Машғулотда қўлланиладиган восита ва усуллар характеристи.
3. Ҳар бир микроциклда машғулотлар таркибини аниқлашда жисмоний сифатлар хусусиятлари.
4. Машғулот юкламалари ҳажми ва жадаллиги параметрлари, машғулот жараённида уларнинг ўзгариши.
5. Юкламаларнинг турли йўналиш ва ҳажмдаги кетмакетлиги (жойлашиши).
6. Спорт формасининг тўғри ривожланишига ёрдам берувчи назорат машқлари ёки кўрсаткичлари.

Ойлик ва ҳафталик режалаштириш шакллари (формалари) турлича бўлиши мумкин. Бу кўп жиҳатдан спорт турига, спортчи маҳоратига, ҳолатига, тайёргарлик талаб ва шартларига, мураббийнинг иш тажрибасига, унинг дунёқараши ва машғулот жараёнини режалаштиришга бўлган муносабатига боғлиқ. Бунда анча самарали ишлатиладигани режа-жадвал ёки режа-график саналади.

6.2. СПОРТЧИНИ ТАЙЁРЛАШДА НАЗОРАТ

Назорат машғулот жараёнининг реал ҳолати ҳамда спортчининг ҳақиқий ҳолати ҳақидаги зарур маълумотларни йиғиши, баҳолаш ва таҳлил қилишга қаратилган. У тайёргарлик жараёнининг барча жабҳаларини қамраб олиб, уни бошқаришига ёрдам беради.

Режалаштириш ва назорат бир-бiri билан узвий боғлиқ. Спорт амалиётида ишончли ва тұлиқ маълумот олиш учун назоратнинг турли усуллари мавжуд: спортчи ва мураббийлар фикрининг йиғиндиси; машғулот жараёнининг иш хужжатлари бўйича таҳлил; машғулот ва мусобақа пайтидаги педагогик кузатувлар; машғулотларда спортчи фаолиятини тавсифловчи кузатувлар (хронометрия, пульсометрия, динамометрия, видеоёзувлар ва ҳ.к.); турли тестлар; тиббий-биологик ўлчовлар ва бошқалар. Спортчилар тайёрлашда назорат авваламбор, машғулот ва мусобақа юкламаларини баҳолашга қаратилган бўлиши лозим, чунки уларнинг спорт иш қобилиятини оширишда спортчилар ҳолати, тайёргарлиги (жисмоний, техник ва бошк.), спортчиларнинг мусобақалардаги натижалари ва уларнинг ўзини тутиши асосий омил ҳисобланади.

Машғулот ва мусобақа юкламалари устидан назорат ҳақида гап кетганда, унинг қуйидаги тавсифлари баҳоланади:

1) маҳсуслаштирилган юклама, яъни жорий машғулот воситасининг мусобақали машқлар билан ўхшашлик томонлари (улчовлари), уларнинг маълум давр оралиғидаги алоқадорлигини аниқлаш (йил, ой, ҳафта, битта машғулот);

2) юкламанинг координацион мураккаблиги. Бунда ҳаракатлар тезлиги ва амплитудаси, вақт тифизлиги, вазиятларнинг кутилмагандан ўзгариши ва бошқаларни ажратиб кўрсатиш мумкин;

3) юкламанинг йўналиши (у ёки бу сифатларни ривожлантиришга қаратилган ёки тананинг функционал тизими). Йўналиши бўйича қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: анаэроб алактат (тезкор-куч), анаэроб, гликолитик (тезкор) чидамлилик, аэроб-анаэроб (жисмоний сифатларнинг барча турлари), аэроб (умумий чидамлилик), анаболитик (куч ва куч чидамлилиги);

4) юкламалар ҳажми, юкламанинг ташқи (жисмоний) ва ички (физиологик) томонлари ҳажми ва жадаллигининг мутлақ ёки тахминий кўрсаткичларини аниқлаш. Табиийки, юкламалар назорати кўрсаткичлари спорт турига қараб турлича бўлиши мумкин.

**Спортнинг ўйинли турларида юкламалар назорати
(М.А. Годик бўйича)**

Махсуслиги	Мураккаблиги	Йўналиши	Микроцикл кунлари		
			1-	2-	H
Махсуслаштириш машқлари	Зарба билан якунланадиган ўйинли машқлар Якунсиз бўлган ўйинли машқлар Стандарт комбинациялар Икки, уч киши бўлиб ўйналадиган индивидуал машқлар	Аралаш	43	15	60
		Аралаш		35	30
		Аралаш, аэроб	20		10
		Танловли		30	
Махсус бўлмаган машқлар	Циклик машқлар Координацион машқлар	Танловли	10	15	
		Аралаш	30	15	

Жисмоний тайёргарлик бўйича назорат куч, тезлик, чидамлилик, эгилувчанлик, чақонлик ва улар билан боғлиқ бўлган сифатларнинг ривожланиш даражасини ўлчашни ўз ичига олади. Бунда назоратнинг асосий усули назорат машқлари усули (тестлар) ҳисобланади. Тестларни танлашда кўйидаги талабларга амал қилиш лозим: тестлаштириш мақсадини аниқлаб олиш; ўлчов процедурадарини таъминлаш; тестларни юқори маълумотлаш билан қўллаш; тестлар чуқур ўзлаштирилиши лозимки, спортчилар юқори натижаларга эришиш учун ҳаракат қилишлари лозим; тестларни баҳолаш тизимига эга бўлиши.

Жисмоний қобилиятларнинг ривожланиш даражаси икки груп тестлар ёрдамида аниқланади. Биринчи груп носпецифик тестлар (умумий жисмоний тайёргарлик (УЖТ) ни баҳолаш учун), иккинчи груп специфик тестлар (МЖТ ни баҳолаш учун).

Техник тайёргарлик бўйича назорат спортчи нималар қила олиши, ўзлаштирилган ҳаракатларни қай тариқа бажараётганлигини баҳолашдан иборат. Шунингдек, бажараётган

ҳаракатлар самарадорлиги, натижаларнинг ижобийлиги (юқорилиги)ни ҳам баҳолашга қаратилган. Назорат жараёнида ҳаракатлар техникасининг ҳажми, турли қирралиги, самарадорлиги ва ўзлаштирилганлиги баҳоланади. Биринчи икки тоифа (ҳажми ва турлилиги) техник тайёргарликнинг сон жиҳатини ифодаласа, кейинги иккитаси (самарадорлик ва ўзлаштиригандик) сифат даражасини ифодалайди.

Техника ҳажми спортчининг мусобақа ва маҷбулот даврида бажарадиган ҳаракатларининг умумий сони билан аниқланади. Бу ҳолда аниқ техник ҳаракатларни қанчалик аниқ бажарганилиги билан баҳоланилади.

Турли қирралик спортчи бажарадиган техник ҳаракатларнинг ҳар хиллиги юзасидан аниқланади. Масалан, спорт ўйинларида ёки яккаурашларда бу — ҳужумкор ва ҳимоявий ҳаракатлар даражаси.

Техниканинг самарадорлиги бажариладиган вазифанинг оптималь натижага энг яқин бўлган курсаткичи билан аниқланади. Техниканинг самарадорлигини уч тури билан ажратиш мумкин: абсолют (мутлақ), солиштирма ва амалга оширилиш. Техника самарадорлигини баҳолашнинг ҳам уч тури мавжуд: интеграл, дифференциал ва дифференциал-йигиндили.

10- жадвал

Айрим спорт турларидаги ҳаракатлар техникасининг абсолют самарадорлиги курсаткичлари

Спорт тури	Баҳолаш усуллари
Сузиш, эшкак эшиш	Ҳаракатланишнинг бир хил туридан фойдалан-маслик усули
Югуриш	Югуриш қадамларининг умумий вақти фоизи; таянч фазалари давомийлиги; қадамлар частотаси ва узунлиги орасидаги муносабат
Баландликка сакраш	Планкадан сакраш пайтида тананинг оғирлик марказидан то планкагача бўлган оралиқ
Оғир атлетика	Подсед (ўтириш) пайтида штангани кўтариш баландлиги; штангани ҳаракатлантириш траекторияси
Волейбол, тенис, футбол	Зарба берувчининг зарбадан олдинги тезлиги билан зарбадан кейин тўпнинг тезлиги орасидаги муносабат

Назоратнинг асосий кўринишлари ва ташкиллаштирилиши

Назоратнинг тўртта асосий кўриниши ажратилади — йиллик, босқичли, жорий ва оператив (тезкор).

Йиллик назорат бир йилга режалаштирилган тайёргарлик дастури бажарилишининг текшируvida қуйидаги курсаткичлар баҳоланади: спортчини тайёrlаshnинг асосий вазифасини амалга ошириш даражаси. Бу ерда асосий ва тайёrlовчи мусобақалардаги спорт натижалари, жисмоний, техник, функционал ва бошқа тайёргарликдаги нормативларни бажариш даражаси, машғулот ва мусобақа юкламалари режасини бажариш кабилар кўриб чиқилади.

Босқичли назорат йиллик циклнинг қайсиdir босқичи бошида ёки охиридаги бир қатор курсаткичларнинг доимий текшируви. Босқичнинг давомийлиги 2—5 микроциклдан тортиб (20—40 кун), бир йилгача бўлиши мумкин. Босқичлар сони спорт турига, спортчилар маҳорати, машғулот жараённада ечиладиган вазифаларга боғлиқ. Назоратнинг бу тури спорт натижалари таҳлилини, машғулот ва мусобақа юкламалари тўғрисидаги маълумотлар таҳлилини, тест натижаларига кўра умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолашни ўз ичига олади. Куйида босқичли назорат жараёнидаги тайёргарликнинг алоҳида томонларини ўлчашнинг тахминий схемаси берилади.

11- жадвал

Сузувчининг босқичли назорат жараёнидаги тайёргарлигининг тахминий схемаси (Т.М. Абсалямов бўйича)

Босқич	Ҳафта	Тайёргарликнинг асосий вазифалари	Назоратнинг кўриниш ва усуслари
Дастлабки босқич	1—4	1. Спортчиларнинг дастлабки ҳолатини баҳолаш	1. Психологик анкесталаштириш
		2. Умумий жисмоний тайёргарлик	2. УЖТ бўйича мусобақалар

жадвалнинг давоми

1	2	3	4
Потенциал тўпланиши босқичи	5—8	1.Сузиш усуллари орқали умумий чидамлиликни ривожлантириш 2. Специфик куч ва куч чидамлилигини ривожлантириш	1.Сузишнинг асосий усули орқали 4×400 м га контрол сузиш (30 сек интервал) 2.Сувда ва қуруқликда оғирликнинг максимал кучини ўлчаш.Махсус тренажёрда тест
Потенциалдан фойдаланиш босқичи	9—12	1.Сузиш усуллари орқали маҳсус чидамлиликни ривожлантириш 2.Сузувчи техникасининг мустаҳкамланиши 3.Мусобақаларга бўлган руҳий тайёргарлик	1. Асосий усул орқали 6×100 м га контрол сузиш (1 дақ.интервал) 2. Сувости киносьёмка 3. Психологик анкеталаштириш

Жорий назорат спортчининг кун давомидаги ҳолатидаги ўзгаришларни, унинг тайёргарлиги, микроциклдаги юкламалар параметрини ўзгаришини баҳолашга қаратилган. Жорий назорат жараёнида олинган маълумотлар яқин (келаётган) машгулотларни режалаштириш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Бу нарса, айниқса, анча жадал (интенсив) машгулотлар олиб бориш билан биргаликда асосий мусобақаларга тайёргарлик куриш босқичида жуда муҳим ҳисобланади.

Спортчининг жорий ҳолати машгулот вазифаларини бажаришда ўзгариб туриши билан баҳоланади. Масалан, тезкор-куч характеридаги юкламалардан сўнг (сакрашлар, оғирлик билан ишлаш) бўшашган мушаклар мустаҳкамланиши кузатилади. Бу кўрсаткич жорий назорат тести ҳисобланади. Жорий назорат тестлари ва услублари турлича бўлиши ҳамда тайёргарлик даври ва босқичидан иборат бўлиши мумкин.

12-жадвал

**Юкламалар кўрсаткичлари ва спортчиларнинг жорий ҳолати динамикаси
(М.А. Годик бўйича)**

Цикл куни	Машгулот	Юклама тавсифномаси				Қондаги мочевина концентрацияси (мг %)				
		Тури	Йўналиши	Координацион мурраккаблик	Ҳажми	Спортчилар				
						A	B	V	Г	Д
1- к.	2-	Специфик	Аэроб	Оддий	65	—	—	—	—	—
2- к.	1-	Специфик	Анаэроб алактат Аралаш	Ўрта Ўрта	75 80	21	24	19	26	22
3- к.	1-	Носпецифик	Анаэроб-гликолитик	Оддий	50	29	37	34	40	34
	2-	Специфик	Аралаш	Мурракаб	120					
4- к.	1-	Специфик	Аэроб	Оддий	60	39	45	47	51	40
5- к.	1-	Специфик	Анаэроб алактат Аралаш	Оддий Ўрта	50 80	36	39	41	46	35
	2-	Енғил машқ (разминка)				38	39	37	39	34
7- к.	1-	Мусобақа				30	28	31	36	29

Тезкор (оператив) назорат спортчининг функционал ҳолатини, унинг ўзини тутиши, машқлар бажариб бўлгандан сўнгги ҳаракатлар техникасини дарҳол баҳолашга қаратилган. У тезкор тарзда машғулот самарадорлигини режалаштириш асоси бўлиб хизмат қиласи. Спортчи ҳолатининг тезкор баҳоланиши муҳим аҳамиятга эга, яъни машқларнинг давомийлиги, унинг бажарилиш жадаллиги, қайтарилишлар сони, дам олиш оралиqlари, машғулотларнинг рационал кетма-кетликда бажарилишини аниқлашда муҳим рол ўйнайди. Тезкор назорат олиб боришида тестлардан фойдаланиш зарур. Бу ерда кўпроқ биокимё, физиологик ва бошқа кўрсаткичлар маъқулроқ.

6.3. СПОРТ МАШҒУЛОТИ ЖАРАЁНИДА ҲИСОБОТ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Ҳисобот спорт машғулотини самарали режалаштирилишининг муҳим шартларидан бири бўлиб, у бажарилган ишлар натижасини кўриш имкониятини беради.

Режалаштириш ва ҳисобот бир-бири билан узвий боғлиқ. Режавий ишлар деярли тўғри ва аниқ ҳисоботсиз мавжуд эмас. Бироқ, бу дегани иш ҳисоботи фақатгина режа тузишда керак дегани эмас. Масалан, берилган назорат синовларининг яхши кўйилган ҳисоботи спортчи тайёргарлигининг бўш томонларини кўрсатиб беришга ҳамда уларни йўқотиш мақсадида машғулот воситалари комплексини тузишга имконият яратиб беради.

Қачонки, ўкув-машғулот жараёни ҳисоботи спортчи ҳолатини систематик тарзда, объектив, аниқ, етарли даражада тўлиқ ифодаласа, шундагина у самарали ҳисобланади. Ҳисобот ҳам назорат сингари босқичли, жорий ва тезкор турларга бўлинади.

Босқичли ҳисобот одатда қайси бир давр, босқич, йиллик циклнинг бошида ва охирида ўтказилади. Биринчи ҳолатда у дастлабки (бошланғич) деб аталса, иккинчисида сўнгги, якуний дейилади.

Дастлабки (бошланғич) ҳисобот спортчиларнинг тайёргарлик даражасини аниқлашга ёрдам беради. Унинг асосида машғулотнинг келажак режалари ишлаб чиқилади. Якуний ҳисобот маълумотлари спорт машғулоти жараёнида ўкув-машғулот ва тарбиявий ишлар сифатини баҳолаш имконини беради.

Жорий ҳисобот машғулотнинг микро ва мезоцикларидағи үқув-машғулот машқлари жараённан тинимсиз амалга оширилади. У үз ичига қуидагиларни олади: машғулотларга қатнашиш текшируви, үтилган материаллар сарҳисоби, машғулот жараёни кўрсаткичларини аниқлаш, спортчи тайёргарлиги ва соғлигининг ҳолатини баҳолаш.

Тезкор (оператив) ҳисобот спортчи ҳолатидаги ўзгаришлар, машғулот олиб бориш пайтидаги талаблар, шароитларнинг ўзгариши тўғрисида зарур маълумотларни олишга ёрдам беради. Бу маълумотлар машғулот жараёнини рационал бошқариш учун муҳимдир.

Үқув-машғулот машқлари ҳисботининг асосий ҳужжатлари, қуидагилар ҳисобланади (масалан, БЎСМ ёки спорт коллежларида): 1) дарсларда қатнашишни назорат қилиш журнали; 2) машғулотлар қундалиги; 3) тоифалилар (разрядники), инструкторлар, ҳакамлар ҳисботи журнали; 4) рекорdlар жадвали; 5) мусобақалар баённомаси; 6) үқувчи-спортчиларнинг шахсий ва тиббий-назорат карточкалари.

Машғулот жараёниниң самарадорлигини мустаҳкамлаш учун спортчи томонидан тутиладиган машғулотлар қундалигини систематик тарзда олиб бориш катта аҳамиятга эга. Доимий равища қундаликни аниқ маълумотлар билан тўлдириб бориш мураббий ва спортчи ўртасидаги узвийликка асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Қоидага кўра, қундаликка сана, машғулотнинг вақти ва давомийлиги, үқув-машғулот жойлари ва шарт-талаблари, юкламанинг ҳажми ва жадаллиги ёзилади. Шунингдек, кун тартибига қандай риоя қилингапти, тикланиш жараёнлари қай тарзда олиб борилаётганлиги ҳам ёзib борилади. Айниқса, мусобақалардан олдинги сўнгги қунларни тўлиқ ёзib бориш лозим. Бунда авваламбор, машғулот мазмуни ва характеристики, умумий руҳий ҳолатига эътибор қаратиш лозим. Мусобақа қунларини тўлиғича (самарали вазиятлар, хатолар ва бошқалар), шунингдек, назорат машқлари (тестлар)ни ҳам ёритиб бериш керак.

Кундаликдан қуидаги бўлимлар жой олиши шарт: 1. Үқув-машғулот дарсларининг индивидуал режаси; 2. Машғулот жараёниниг тавсифномаси; 3. Мусобақалардаги иштироки; 4. Спортчининг жисмоний, техник, тактик тайёргарлиги бўйича назорат синовлари маълумоти; 5. Тиббий текширувлар

маълумоти; 6. Йиллик, даврий, босқичли, ойлик машғулот түгрисида маълумотлар.

Албатта, спорт турига қараб кундалик алоҳида бўлимларининг мазмуни ўзгариб бориши мумкин.

СПОРТЧИННИГ МАШҒУЛОТЛАР КУНДАЛИГИ

(Фамилияси, исми-шарифи)

спорт маҳорати (квалификацияси)

(спорт соҳаси)

бошланган (кун, ой, йил)

тутаган (кун, ой, йил)

Мураббий (Ф.и.ш.)

I. Тайёргарликнинг индивидуал режаси.

II. Машғулот жараёнининг тавсифномаси.

Сана, вакт	Машғулот мазмуни	Машғу- лот юк- ламаси- нинг ҳажми	Машғулот юкламаси- нинг жа- даллиги (асосий ва қўшимча восита- ларда)	Машғу- лот усусл- лари (методи)	Ўзини ҳис қилиши	Мураб- бий курсат- малари

Жами ҳафтада: 1) машғулотли кунлар сони; 2) машғулот соатлари сони; 3) машғулот воситалари ва уларнинг ўлчови; 4) асосий (специфик) ва қўшимча (носпецифик) воситаларда машғулот юкламаларининг ҳажми ва жадаллиги; 5) машғулот усуслари (% да); 6) тикланиш жараёнлари.

III. Мусобақалардаги қатнашуви.

	№
	Сана ва вақти
	Мусобақалар номи
	Мусобақа фаолияти тури (Енгил атлетикада маълум масофага югуриш, гимнастикада мажбурий дастурни бажариш, оғир атлетикада штангани күтариш)
	Кўрсатилган натижалар
	Эгаллаган ўрни
	Мусобақалар шароити ва кечиш жараёни (ҳаво ҳарорати, ички ва ташқи муҳит, омиллар, руҳий ҳолат ва ҳ.к.)
	Мусобақа жараёнида кузатилган тайёргарликдаги камчиликлар (техник, жисмоний, тактик, руҳий)
	Қатнашувдаги хуносалар ва баҳолар

IV. Назорат меъёrlарининг бажарилиш натижалари ҳисоботи (спортчининг тайёргарлик даражасини баҳолаш учун).

Тайёргарлик тури	Назорат машқлари (тестлар)	Сана, натижа
Жисмоний	1. 2. 3.	
Техник	1. 2. 3.	
Тактик	1. 2. 3.	

1	2	3
Рұхий	1. 2. 3.	
Назарий	1. 2. 3.	

V. Тиббий текширувлар маълумотларининг ҳисоботи (тиббий назорат карталари тузилади).

№	Сана	Текширувлар номи	Белгиланадиган аломатлар	Шифокор хуносаси

VI. А) үкув-машғулот ишлари бүйича ойлик ҳисобот.

бүйича „___“ 200_ га
 (Ф.и.ш.) (спорт тури) кун ой

№	Машғулот воситалари	Ўлчов бирл.	Ҳафталар					Жами, бир ойда
			1	2	3	4	5	
1.								
2.								
3.								

Машғулотли кунлар сони _____
 Машғулотли машқулар сони _____

Мусобақалар ва контрол машгулотлар сони _____
 Машгулот соатлари сони _____
 Машгулот юкламалари ҳажми ва жадаллиги _____
 Мусобақаларда қатнашув натижалари _____
 Ўтказиб юборилган машгулотлар сони _____
 Мураббий хulosалари _____
 (имзо) _____

Б) ўқув-машгулот ишлари бўйича ойлик ҳисобот.

(Ф.и.ш.)	бўйича (спорт тури)
----------	------------------------

№	Кўрсаткичлар ва ўлчовиар	Спорт машгулоти даврлари	Босқичлар	Тайёрлов		Мусобақали		Ўтувчи		Жами, бир йилда						
				1	2	1	2									
				VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	I	II	III	IV	V	

Мураббийнинг якуний хulosаси _____

(имзо) _____

ХУЛОСА

Құлингиздаги «Болалар ва ўсмирлар спорти машғулотлари назарияси ва услубиятлари» деб номланган үқув құлланма сизларга маълум даражада билим асосларини очиб беришга күмаклашади. Бу билимлар амалий машғулотларда ўзлаштирилган күникма ва малакалар билан чамбарчас боғланиб, сизнинг шахсий ривожланишингизга асос бўлиб хизмат қиласди.

Албатта, бу билан Сиз қаноат ҳосил қилмаслигиниз мумкин, чунки спорт машғулотлари билан шуғулланиш назарияси тушунчалари, бу ҳеч гап эмас. Фараз қилингки, Сиз ўз олдингизга иродангизни мустаҳкамлашни мақсад қилиб бадантарбия машқлари билан доимий ва мунтазам, яъни эрталабки гимнастика, атлетика, маҳсус гимнастика ҳамда бирон-бир танлаб олинган спорт тури билан шуғулланишингиз турган гап.

Улуғ бобокалонимиз, тиббиёт илмининг султони Абу Али ибн Сино айтганларидек, «Бадантарбия билан мунтазам шуғулланган инсон, ҳеч қандай табиб муолажасига муҳтожлик сезмайди». Сиз ҳам ўз танангизни чиниқтириңг, бунинг учун алоҳида имконият, шароит қидирманг, ҳаммаси ўз қўлингизда. Уйда, майдончада, тренажёр залида, дала-ҳовлида, сув ҳавзасида бемалол шуғулланишингиз мумкин. Албатта, бир ўзингиз эмас, дўстларингиз ёки оила аъзоларингизни бу машғулотларга жалб этинг, ўзингиз эса кўпроқ ўрнак бўлиб, олган билимларингиз, күникма ва малакаларингизни ўргатинг, илҳомлантириңг, улар ҳам ҳаракат қилишсин. Шундай қилингки, жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари нафақат ўзингизга, балки яқин дўстларингизга ҳамроҳ бағишилаб, одат тусига айлансан, руҳий тетиклик бағишиласин, чунки булар инсонни илмга, ижодга ва фаол меҳнатга чорлайди.

Демак, айтиш ўринлики, агар ёшларнинг соғлом, кучли, чаққон, чидамли, хушқомат бўлишини истар эканмиз, уларга жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун барча шарт-шароитларни яратишимиш керак.

Ушбу китобдан олинган билим ва малакалар Сиз азизларга дастуриламал вазифасини ўтайди, деган умиддамиш.

МУНДАРИЖА

Сүз боши 3

I боб. СПОРТ ВА СПОРТ МАШГУЛОТИ АСОСЛАРИ

1.1. Спортнинг умумий тавсифи	5
1.2. Мусобақа фаолияти назариясининг асослари	7
1.3. Спортчи тайёргарлиги назариясининг асослари	11
1.4. Спортчини тайёрлаш тизимининг умумий хусусияти	13
1.5. Спорт машгулотининг воситалари ва услублари	15
1.6. Спортчи тайёргарлигининг бўлимлари ва масалалари	17

II боб. СПОРТ МАШГУЛОТИНИНГ АСОСИЙ ПЕДАГОГИК ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА УМУМИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

2.1. Спорт машгулоти қонунияти ва негизининг алоқадорлиги	24
2.2. Максимал кўрсаткичларга интилиш	25
2.3. Спортчи маҳсус ва умумий тайёргарлигининг бирлик негизи	26
2.4. Машгулот жараёнининг узвийлаштирилган негизи	27
2.5. Доимилик бирлиги ва чегараланган юкламанинг негизи	28
2.6. Юкламаларнинг тўлқинсимон динамикаси негизи	28
2.7. Машгулот жараёнининг цикллик негизи	29

III боб. СПОРТ МАШГУЛОТИНИНГ ТУЗИЛИШИ

3.1. Спорт машгулоти тузилишининг умумий хусусиятлари	30
3.2. Спорт машгулоти тузилишининг алоҳида таркибий хусусиятлари	34

IV боб. КИЧИК ВА ЎСМИР ЁШДАГИ СПОРТЧИЛАР МАШГУЛОТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

4.1. Ўсмир ёшида спорт машгулоти негизини амалга оширишнинг хусусиятлари	39
4.2. Ўсмир спортчиларнинг кўп йиллик машгулоти асослари	40
4.3. Спорт саралashi назарияси ва услубиятлари асослари	42

V боб. ЖИСМОНИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ АСОСЛАРИ

5.1. Координацион ва унга боғлиқ қобилиятларни тарбиялаш	44
5.1.1. Координацион қобилиятлар ва унинг мазмуни тўғрисида умумий тушунча	44

5.1.2. Координацион қобилиятларни тарбиялаш воситалари	45
5.1.3. Аниқ вақт-маконнчи билиш қобилиятини аникдаш	46
5.1.4. Мувозанат сақлаш қобилиятини тарбиялаш	47
5.1.5. Норационал мушак тараанглигининг пасайиши	48
5.1.6. Координацион қобилиятларни кўп йиллик машғулот жараёнида мустаҳкамлаш	49
5.2. Куч қобилиятларини тарбиялаш	50
5.2.1. Куч қобилиятларининг асоси ва мазмуни	50
5.2.2. Куч қобилиятларини тарбиялаш услубининг асосий йўналишлари	53
5.2.3. Куч тайёргарлиги даврида овқатланиш асослари	56
5.2.4. Тана оғирлигини назорат қилиш услуби	57
5.3. Тезлик қобилиятларини тарбиялаш	58
5.3.1. Ҳаракатли ҳолатлар тезлигини ривожлантириш услуби	59
5.3.2. Айрим ҳаракатлар тезлиги ва ҳаракат частотасини ривожлантириш услуби	62
5.3.3. Алоҳида машғулотларда тезлик қобилиятларини ривожлантириш услуби	63
5.3.4. Тезкор-куч қобилиятларининг мазмуни ва уларнинг яратиши	64
5.3.5. Тезкор-куч сифатларини ривожлантириш услубига бўлган асосий талаблар	66
5.4. Чидамлиликни ривожлантириш	66
5.4.1. Чидамлилик турларининг таснифи	67
5.4.2. Аэроб (умумий) чидамлиликни мустаҳкамлаш усуллари	69
5.4.3. Анаэроб чидамлиликни мустаҳкамлаш усуллари	70
5.4.4. Куч чидамлилигини мустаҳкамлаш усуллари	71
5.5. Эгилувчанликни ривожлантириш	72
5.5.1. Эгилувчанлик таснифномаси	72
5.5.2. Эгилувчанликни тарбиялаш услубининг асослари	74
5.5.3. Қадди-қоматни шакллантириш	77
5.5.4. Тўғри қадди-қоматни сақлашни ўрганиш	78

ИІ боб. СПОРТ МАШГУЛОТИ ЖАРАЁНИДА РЕЖАЛАШТИРИШ, НАЗОРАТ ВА ҲИСОБОТ

6.1. Режалаштириш мазмуни ва унинг турлари	80
6.2. Спортчини тайёрлашда назорат	88
6.3. Спорт машғулоти жараёнида ҳисобот ва унинг турлари	95
Хуосо	101

- B-83 **Болалар ва ўсмиirlар спорти машғулотлари назарияси ва услубиятлари.** Ўрта махсус, касб-хунар таълими колледжларининг мураббийлари учун қулланма.
/Т.С.Усмонхўжаев, М.Б. Алиев, Ҳ.Ҳ. Сагдиев ва бошқ.—Т.: „ILM ZIYO“, 2006—104 б.

BBK 74. 267.5

**Т.С. УСМОНХЎЖАЕВ, М.Б. АЛИЕВ, Ҳ.Ҳ. САГДИЕВ,
Ф.К. ТУРДИЕВ, Ж.А. АКРАМОВ,
С.Т. УСМОНХЎЖАЕВ**

**БОЛАЛАР ВА ЎСМИRLАР СПОРТИ
МАШҒУЛОТЛАРИ НАЗАРИЯСИ ВА
УСЛУБИЯТЛАРИ**

*Ўрта махсус, касб-хунар колледжларининг мураббийлари
учун қулланма*

Тошкент — „ILM ZIYO“ — 2006

Муҳаррир *I. Зоиров*
Бадиий муҳаррир *Ш. Қаҳҳоров*
Мусаҳид *Ф. Темирхўёсаева*

2006 йил 29 сентябрда чоп этишга рухсат берилди. Бичими 60×84 ^{1/16}.
„Таймс“ ҳарфида терилиб, оғсет усулида чоп этилди.

Шартли босма табоги 6,5. Нашр табоги 7,0. 1000 нусхада босилди
Буюртма №32

„ILM ZIYO“ нашриёт уйи, Тошкент—129, Навоий кӯчаси, 30-үй.
Шартнома № 86—06/1

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Faфур Гулом номидаги
нашириёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент —128.

У.Юсупов кӯчаси, 86.